R 496
1987/3



№5

ГУЛИСТОН

3
1987



Оромгоҳ боғ ...




Баҳор қувончи.

Тошкент нур оғушида.

Пульт.

М. Пенсон фотолари





ЯНВАРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

Биз мамлакатимизни юксак даражада ривожланган давлат намунасига, энг илғор экономика, энг кенг демократия, энг инсонпарвар ва юксак ахлоқ жамиятига айлантиришни истаймиз, бу ердаги меҳнаткаш инсон ўзини тўла ҳуқуқли хўжайин, деб ҳис эта оладиган бўлсин, моддий ва маънавий маданиятнинг ҳамма неъматларидан баҳраманд бўлсин, унинг фарзандлари келажаги ишончли бўлсин, у фаровон, мазмунли ҳаёт учун керак бўлган ҳамма нарсага эга бўлсин.

М. С. ГОРБАЧЕВ



АСОСИЙ ВАЗИФА

ГБ УзССР
ЖК

Касбим тақозоси билан бошқармамизнинг қурилиш техникасига бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун қатор мутасадди ташкилотларга кўп бораман. Баъзан, масалан, бир қути мих олиш учун бир неча эшикка кириб чиқишга тўғри келади. Вақтинг кетади. Бунинг устига, қурувчилар ана шу матоҳга қараб қолган бўлса...

КПСС XXVII съезди, партиямиз Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари мамлакатимиз миқёсида ҳар бир коллективни, ҳар бир шахсни ўз ишига масъулият билан қарашга, жамоат манфаатини кўзлаб иш юритишга ўргатди. Бугун ҳаммамиз қайта қуриш жараёнининг иштирокчисимиз. Коллективимиз аҳли зиммаларидаги план ва топшириқларини ҳамжиҳатлик билан ўринлатиб, шу билан бир қаторда ўз ихтиёридаги техникадан тежаб-тергаб фойдаланишга одатлана бошладилар.

Айниқса, КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Январь пленуми ўзининг моҳият эътибори билан ишимизни тубдан қайта қуришимизга йўналиш берди.

Пленумда алоҳида таъкидланганидек: «Социалистик... мулкни ким ва қандай қилиб тасарруф этаётгани устидан контроллик жиддий равишда заифлашиб қолди. Кўпинча маҳкамачилик ва маҳаллийчилик бу мулкни кемирди, у реал хўжайиндан маҳрум бўлган, бепул ва «эгасиз» бўлиб қолди, кўп ҳолларда ундан меҳнатсиз даромадлар ундириб олиш учун фойдаланила бошлади». Бу фикр айнан бизнинг фаолиятимизга тегишлидай. Чунки орамизда жамоат мулкини шахсий мулки билан адаштирадиган шофёрлар ҳам оз эмас.

Ҳозир галдаги асосий вазифамиз меҳнат коллективимизда соғлом меҳнатга муносабатни шакллантиришдан иборатлиги зиммамизга улкан масъулият юклайди.

Абруй ХОЛБЕКОВ,
Каттақўрғон қурилиш-монтаж бошқармаси автобазаси шофёри, Ҳурмат белгиси ордени нишондори

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№ 3 (445)
Март
1987

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

Эҳ
№5

ҒАЙРАТ-ШИЖОАТГА ДАЪВАТ

КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил Январь пленуми мен ва менинг ҳамкасбларим қалбида ўчмас таассурот қолдирди. Ўртоқ М. С. Горбачев Пленумда қилган докладида жамиятимиз ҳаётида рўй бераётган қайта қуриш жараёни моҳиятини чуқур ва рўй-рост очиб берди, мураккаб вазифаларни астойдил ҳал этиш учун ғайратшижоат билан меҳнат қилиш йўл-йўриқларини кўрсатди.

Дарҳақиқат, қайта қуриш барча соҳалардаги кадрларнинг ўз ишига масъулияти, халқ ишига камарбасталиги билан чамбарчас боғлиқ. Албатта, аввалларидан ҳам бу ҳақда кўп гапирилган. Лекин, назаримда, янгиланиш руҳининг мазмуни шундаки, айтилган сўз билан амалий иш ўртасида тафовут бўлишига, узилиш рўй беришига бундан кейин тоқат қилиш мумкин эмас. Ҳаммамиз вужуд-вужудимизга ана шу туйғуни сингдириб олишимиз лозим.

Мен — депутатман. Халқ менга ана шундай юксак ишонч билдирган. Кишиларимизнинг моддий-маданий даражасини юксалтириш чинакамига эътибор марказига кўтарилган ҳозирги пайтда зиммамдаги вазифа нақадар масъулиятли эканлигини янада чуқур ҳис этмоқдаман. Партиямиз даъвати бизни илҳом билан, ғайрат-шижоатни тўла сафарбар этиб ишлашга ундайди.

Жўрамурод ХУДОЙҚУЛОВ,
Пешқу районидаги Фрунзе номли колхоз механизатори, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати

ЛОҚАЙДЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

КПСС Марказий Комитети Январь пленуми қарорларини маънавий ва ижтимоий ҳаётимизда амалга оширишга киришдик. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ М. С. Горбачевнинг «Қайта қуриш ва партиянинг кадрлар сиёсати тўғрисида»ги доклади ва Якунловчи нутқида, пленум қарорида қайта қуриш объектив зарурат эканлиги, бу мураккаб вазифанинг ҳамма жиҳатлари тўла-тўкис қамраб олинган.

Қайта қуриш — ҳаётимиздаги туб маънодаги, моҳият эътибори билан ўзига хос революция. Кейинги маълум йиллар мобайнида жамиятимизда юз берган салбий ҳодисалар ҳаётимизнинг деярли ҳамма то-

© «Гулистон», 1987 йил.

монларига таъсир кўрсатиб, ёмон оқибатларга олиб келди. Айниқса, кишилар психологиясидаги бузилиш кайфиятлари — баднафслик, шуҳратпарастлик, лавозимини суиистеъмол қилиш, маҳаллийчилик ва ошнаоғайничилик иллатлари ҳаётимизнинг маънавий томонига катта зиён етказди. Бу хил хавфли нуқсонлар ўзига хос муқаддас даргоҳ бўлган фан оламига ҳам кўланка ташлади. Очиғини эътироф этиш керак, аспирантурага қабул қилишда ёшларнинг истеъдоди, қобилияти эмас, баъзан унинг «қўли узунлиги»га — ота ёки онасининг мавқеига қараб иш тутилди. Оқибатда кўпгина истеъдодлар вақтида фанда ўз ўринларини топа олмадилар. Илмий даражалар учун диссертациялар ҳимоя қилиш жараёнларида ҳам шу хил ғайритабиий ҳоллар юз берди.

Ҳақиқий олим — бу фан фидойиси бўлиши керак. Иқтидори, қобилияти бўлмаган кишиларнинг бу муқаддас даргоҳдан узоқда юргани, яхшиси, қўлидан келган иш билан шуғулланган маъқул.

Икки оғиз гап фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш хусусида. У ниҳоятда масъулиятли, муҳим жараён. Афсуски, сунъий тўсиқлар, яъни идоралараро ва муассасалар ўртасидаги сансалорлик, бу масалада «ўзимизники», «ўзганики» тарзида нотўғри йўл тутиш кўпдан бери фан ва техника тараққиётига маълум даражада ғов бўлиб келди. Масалан, ВАСХНИЛ мухбир аъзоси, профессор Набижон Назировнинг самарали «АН-402» пахта нави бошда шундай тўсиқларга дуч келганини яхши биламиз. Ёки пахта териш машинаси хусусидаги тадқиқотларни олинг. Бу масала билан кўпдан бери республика академиясига қарашли Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институтининг тегишли лабораториялари, ВАСХНИЛга қарашли Ўрта Осиё механизация ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти, Иттифоқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигига қарашли Махсус давлат конструкторлик бюроси ва ҳоказо илмий муассасалар шуғулланади. Буларнинг мазкур соҳадаги ишларини координация қиладиган тегишли илмий кенгаш ёки ташкилотнинг ҳали-ҳалигача бўлмаслиги оқибатида мукаммал терим машинасини яратишдек зарур масала пайсалга солиб келинди.

Ваҳоланки, бугунги шароитда ҳар биримизда масъулият туйғуси давр талаблари даражасида юксак бўлиши керак.

Давр талаби шундай.

Абдулаҳад ЖАЛИЛОВ,
химия фанлари доктори, профессор

ҚЎШИҚ ДАРЁЛАРИ ТЎЛИБ ОҚСИН

КПСС Марказий Комитетининг Январь пленуми материаллари билан танишар эканман, маҳоратни яна ҳам ошириш, ўз устимизда яна ҳам қунт билан ишлаш, қаҳрамон халқимизга муносиб қўшиқлар ижод этиш шавқи-завқи қалбимга ҳаяжон солади. «Ҳақиқий демократиянинг таъсирчанлиги унинг социал базаси қанчалик кенглигига, уни кенгайтириш учун резервлар ва имкониятлардан қандай фойдаланилаётганлигига боғлиқдир. Шу мақсадда қайта қуриш вазифаларини ҳал этишда ёш авлоднинг иштирокини активлаштириш, партиясизларни, хотин-қизларни раҳбарлик ишларига кўтариш зарур», — дейилади «Правда» газетасининг «Қайта қуриш ва кадрлар» сарлавҳали мақоласида.

Қўшиқ — бу халқимиз қалбининг уриши, кўнгил торларининг тебраниши, асрдан-асрга, авлоддан-авлодга, юракдан-юракка ўтиб келаётган жасоратдир. Қўшиқлар борки, инсон қалбига қуёш бўлиб кириб, орзу-эҳтиросларга қанотида юксакларга олиб учади. Қўшиқни севмоқ — ҳаётни, яшашни севмоқ демакдир. Мана шунинг учун ҳам ерда инсон пайдо бўлгандан буён бирор бир кун, ё бирор ой йўққи, тирик жон куйламай, қўшиқ эшитмай яшаган бўлсин.

Бас, шундай экан, биз санъаткорлар ҳам ўз ишимизни, ижодимизни мўътабар анжуман қарорлари руҳида қайта қуришимиз лозим. Барча соҳаларда бўлгани каби, қўшиқ оламига ҳам ўзининг бутун борлигини бағишлашга тайёр, бири биридан истеъдодли, қалби жозибали оҳанглар билан тўлиб-тошган ёшлар кириб келаётибди. Уларнинг ўзларига хос истеъдодларини тўла намоён этишлари, халқимизни юксакларга етакловчи нурли қўшиқлар яратишлари учун кенгроқ имкониятлар яратиб бермоқ пайти келди. Қўшиқ оламига гуркираб кириб келаётган истеъдодларнинг ижодий тақдирларига масъул мутасаддилар ўз ишларини тамом қайта қурмас эканлар, XXI аср ўзбек совет қўшиқчилик санъатининг Муҳиддинқори Ёқубов, Ҳалима Носирова, Юнус Ражабий, Назира Аҳмедова, Маъмуржон Узоқов, Ориф Алимаҳсумов, Комилжон Отаниёзов, Берта Давидова каби тошқин қўшиқ дарёлари, қайнар булоқлари тўлиб-тошиб оқа олмайди.

«Топширилган иш учун кадрларнинг масъулияти доимо ошириб борилсин, ҳамма ерда ўзаро талабчанлик, мустаҳкам интизом ва уюшқоқлик вазияти яратилсин, бўшашувчанлик кўринишларининг пайи қатъият билан қирқилсин, — дейилади КПСС Марказий Комитети Январь пленуми қарорида. — Кадрлар тўғрисидаги чинакам ғамхўрликнинг кўнгилчанлик ва гуноҳини кечиб юбораверишдан, «мурувват» ва тилёғламалик билан сира алоқаси йўқ».

Ҳуррият ИСРОИЛОВА,
Ўзбекистон Телевидение ва радиоэшиттириш комитетининг мақомчилар ансамбли хонандаси

ВИЖДОН ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитети Январь пленумида қайта қуриш ва кадрлар сиёсати тўғрисидаги масалани «КПСС XXVII съезди ишлаб чиққан сиёсий стратегияни муваффақиятли равишда рўёбга чиқариш учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган масала», деб атади.

Пленумда кадрлар билан боғлиқ барча муаммолар ошкора таҳлил қилинди. Раҳбар кадрлар сифатини бутун чоралар билан яхшилаш йўллари белгилаб берилди.

Қаллоблик, олчоқлик, амалпарастлик, очкўзлик... Социалистик турмушга ёт бундай иллатларнинг ҳаётда чуқур илдиз отишига сабаб бўлганлар кимлар — аввалambor, баъзи собиқ ноқобил раҳбарлар, бир вақтлар катта ва юмшоқ курсиларни тўлдириб ўтирган тўралар эмасми!?. Кадрларни раҳбарлик лавозимларига сайлаш йўли билан кўтариш, партиясиз қобилиятли мутахассисларни ҳеч иккиланмай масъул вазифаларга қўйиш... Булар — халқимизнинг дилида, тилида турган хоҳиш-истаклар эди.

Пленумда адабиёт ва санъат соҳасидаги ютуқ ва камчиликлар ҳам рўй-рост айтилди. «Бадиий ижодга баҳо беришда мезонларнинг қадри тушиб кетди, — деб таъкидлади ўртоқ М. С. Горбачев. — Бу ҳол шунга олиб келдики, жиддий социал-маънавий муаммолар кўтарилган, реал турмуш ҳодисалари акс эттирилган асарлар билан бир қаторда ақлга ҳам, ҳис-туйғуга ҳам таъсир қилмайдиган талайгина ўртамиёна, мужмал асарлар ҳам пайдо бўлиб турди». Бунинг исботи — китоб дўконларида чанг босиб ётган семиз-семиз китоблар...

Қайта қуриш даврида адиб зиммасидаги вазифа ғоят масъулиятли. Ёзувчи — халқнинг кўзи, ақл-идроки, виждони. У ана шу сифатлари билан халқимизнинг орзу-ўйларини ифодалаши, ҳаётни бутун бўй-басти билан кўрсатиб бериши шарт. Партиямиз бугун адиблардан худди шундай асарлар кутаётир. Лекин, афсуски, ҳали: «Янгича ишлаш — эски одатлар ва методлардан қатъиян воз кечишни билдиришини ҳамма англаб етгани йўқ. Бу эса пировард натижада ҳар бир кишининг гражданлик позициясига, топширилган ишга, ўз бурчига виждонан муносабатда бўлишига боғлиқ. Биз ҳаммамиз бунинг учун партия олдида, мамлакат олдида, ўз виждонимиз олдида жавоб берамиз».

Виждон олдидаги масъулиятни унутмайлик!

Абдусаид КЎЧИМОВ,
ёзувчи

ЎЛМАС ТАЪЛИМОТ

В. И. ЛЕНИННИНГ «НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?» АСАРИ ЁЗИЛГАНИГА 85 ЙИЛ ТЎЛДИ

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошида Россияда капитализм ўзининг сўнгги — империализм босқичига қадам қўйди. Империализмнинг ички зиддиятлари натижасида халқ аҳволи янада оғирлашди, омманинг норозилик ҳаракатлари кучайди. Бироқ бу ҳаракатлар онгсиз ва стихияли тарзда давом этаётган эди. Худди шу пайтда вужудга келган «экономистлар» бундай онгсиз ҳаракатларни қўллаб-қувватлар, ишчиларни иқтисодий курашга даъват этар, сиёсий курашдан чалғитар, энг ёмони, уларга сиёсий онг берувчи ва революцион ҳаракатга раҳбарлик қилувчи марксистик партия тузиш ишига қарши чиқаётган эдилар.

В. И. Ленининг 1902 йилда нашр этилган «Нима қилмоқ керак?» асари «экономизм» оқимининг буржуача, калтабинлик қарашларини шафқатсиз фош қилиб ташлади.

Доҳий ўз асарида Россиядаги тарихий даврга назар ташлаб, ишчилар ҳаракатидаги онгсизлик ва стихиялиликни, марксистик тўгаракларнинг тарқоқлиги ва пароканда-лигини кўра билган ҳолда, нима қилмоқ керак? — деган саволга, бундай пароканда-ликка барҳам бермоқ керак, тарқоқ социал-демократларни бирлаштириб, ягона марксистик партия тузмоқ керак, деб жавоб берди.

В. И. Ленин ўз асарида экономистларнинг «ишчиларни иқтисодий курашга ундовчи» ғоясига қарши **иқтисодий, сиёсий** ва **назарий** кураш формаларини кўрсатди ва революцион омма бир вақтнинг ўзида учта кураш формасини қўшиб олиб борган тақдирдагина ғалабага эришиши мумкинлигини таъкидлади. Доҳий бу кураш формаларининг ҳам энг муҳими **назарий кураш** эканлигини таъкидлаб, «революцион назариясиз революцион ҳаракат ҳам бўлиши мумкин эмас» лигини ва «илғор назарияга амал қилувчи партиягина илғор курашчи ролини бажара олиши» (Тўла асарлар тўплами, 6-том, 27- ва 29-бетлар) мумкинлигини уқтирди.

«Нима қилмоқ керак?» асари Россияда марксистик партия тузиш планини ишлаб чиқишга қаратилган. Экономистлар революцион ҳаракатларни бирлаштириш учун ягона марксистик партия кераклигини тушунмадилар ва бу билан улар партиянинг революцион ҳаракатдаги ролини инкор қилдилар.

Владимир Ильич Ленин эса партия пролетариатнинг сиёсий мустақиллигини ҳимоя қилиш билан бирга ишчиларнинг иқтисодий кураши ва унинг таъсирида юзага келадиган янги-янги халқ тўлқинларини ҳам бир бутун қилиб бирлаштиришга қодир кучдир, деб кўрсатиб ўтди.

Доҳийнинг «Нима қилмоқ керак?» китобида революцион марксистик партия — янги типдаги партия тўғрисидаги таълимотнинг асослари ишлаб чиқилди, унда Маркс ва Энгельснинг пролетар партияси ҳақидаги ғоялари илмий асосда ижодий ривожлантирилди.

1903 йилда тузилган большевиклар партияси доҳий кўрсатмаларига амал қилиб, ўзининг бутун фаолиятини ишчилар синфи тақдири билан чамбарчас боғлади. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси мамлакатимизда социализмнинг тўла ва узил-кесил ғалаба қилишининг ташкилотчиси бўлди. Бугунги кунда у совет халқининг коммунистик жамият қуришдек улуғ ишига раҳбарлик қилмоқда.

Эндиликда, совет халқи улкан муваффақиятларга эришаётган бир даврда Ленининг «Партия давримизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждонидир», деган машҳур ибораси янада чуқур маъно касб этмоқда.

КПСС XXVII съездида қабул қилинган партиямизнинг янги таҳрирдаги Программасида: «Марксча-ленинча таълимот билан, революцион кураш ва социалистик қурилишнинг ғоят бой тажрибаси билан қуролланган КПСС ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг манфаатларини изчил ифода этиб, совет халқини коммунистик бунёдкорлик ва тинчлик йўлидан комил ишонч билан бошлаб бормоқда», дейилади. Ҳозир партия сафида 19 миллиондан ортиқ коммунист бор. Улар ишчилар, колхозчилар ва совет зиёлилари вакилларидир.

Владимир Ильич Ленин асос солган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг таркибий қисми бўлган Ўзбекистон Компартияси ҳам беқиёс даражада ўсиб, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди. 60 йилдан ортиқроқ давр мобайнида у сон жиҳатдан қарийб 50 баравар ошди, бугунги кунда республикамиз экономикаси ва социал ҳаётининг ҳамма соҳаларида 600 мингдан зиёд коммунист фаол иш олиб бормоқда.

Халқаро оппортунизмга, унинг Россиядаги кўриниши бўлган экономизмга қарши доҳий бошлаб берган кураш тактикаси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва қардош коммунистик партияларнинг турли хил оппортунистик оқимларга қарши изчил курашида, коммунистик ҳаракатнинг жипслигини мустаҳкамлашда қўл келмоқда.

Ер юзидаги коммунистларнинг тинчлик учун, империализмнинг агрессив сиёсатига қарши, қуролланиш пойгасига қарши астойдил кураши жаҳон коммунистик ҳаракатини янада жипслаштиришда қудратли омил бўлиб хизмат қилмоқда.



Мангу лаҳза

Доҳиймиз В. И. Ленин билан учрашган оналаримиз — Тўрахон Иброҳимова ва Шамсикамар Ғойибжонова. (Бу суврат 60-йилларда туширилган).

А. Варфоломеев фотоси (УзТАГ)

ҚАЙТА ҚУРИШ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ

Мамлакатимизнинг турли синф, миллат ва элатларига мансуб бўлган хотин-қизлар фаоллигини ошириш ҳамда уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш жадаллаштириш даврининг тақозоси ҳисобланади. Мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил этадиган социал-демографик группага мансуб хотин-қизлар ҳаёти ва фаолиятини тубдан ўзгартириш, уларнинг қадрияти, шаъни ҳамда эркин ривожланиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш жаҳон тарихи тажрибасида оламшумул воқеадир.

Хотин-қизларнинг ижтимоий фойдали меҳнатдаги фаол иштироки миллий даромад, меҳнат унумдорлигини ошириш, сиёсий ва маънавий алоқаларни такомиллаштиришга ўз ижобий таъсирини ўтказмоқда. Республикамизда аёллар асосан енгил саноатда, тикувчилик, тўқимачилик, озиқ-овқат, маориф, медицина соҳасида меҳнат қилмоқдалар. Меҳнатга ва унинг натижасига масъулият ҳисси эркакларга нисбатан хотин-қизларда анча устун туради. Айниқса бир хил маромдаги диққатталаб ишлар хотин-қизларга жуда мос келади. Иттифоқимизнинг Марказий ва Болтиқбўйи республикаларида соатсозлик, радио, телевидение асбоблари ишлаб чиқаришдек ўта нозик ишларга асосан хотин-қизлар жалб этилаётганлигининг боиси ҳам шунда. Бироқ социалистик жамиятда аёллар меҳнати самараси фақат иқтисодий кўрсаткичлар билан белгиланмайди. Аёл шахсини камол топтириш учун шарт-шароит яратиб берилгандагина уларнинг иши самарали бўлади. Турмуш ва оила ташвишлари аёлларнинг кўп вақтини олиб, уларнинг касбий маҳоратини чегаралаб қўяди, дунёқарашини кенгайтириш учун зарур бўлган бўш вақтини банд қилади. Ижтимоий фаоллик хотин-қизларнинг ижодий имкониятларини тўла очишга, коллективчилик, корхона шаъни учун масъулият ҳиссини оширишга, умумий ва сиёсий маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Бироқ мамлакатимизнинг айрим районларида, жумладан, Ўзбекистонда хотин-қизлар ижтимоий фойдали меҳнатга тўла жалб этилган, деб бўлмайди. Агар мамлакатимиз бўйича аёлларнинг ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилганлиги 51 процентни ташкил этган бўлса, бизнинг республикамизда бу кўрсаткич шаҳарларда 41,3, қишлоқларда эса 36,4 процентни ташкил этади. Шуни ҳам айтиш керакки, хонанишин бўлган аёлларнинг умумий сони кейинги йилларда кўпайиб бормоқда. Масалан, уй хўжалигида банд бўлган ишга яроқли кишиларнинг умумий сони республикамизда қарийб бир ярим миллиондан ошиқроқ бўлиб, уларнинг асосий кўпчилиги кўп болали оналардан иборат.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III Пленумида қайд этилганидек, биргина Қарши шаҳрининг ўзида турли мутахассисликдаги 6 мингдан зиёд ишга яроқли кўп болали оналар ҳеч қандай фойдали иш билан шуғулланишмайди.

Бунинг асосий сабаблари нимада?

Энг аввало, кўп болали оналарни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилишнинг мураккаблигидадир. Негаки, республикамизда бола туғилиши юқори даражада бўлса-да, мактабгача болалар муассасалари тармоқлари жуда озчиликни ташкил этади. Иккинчидан, маҳаллий хотин-қизларнинг саноат меҳнатига тайёр эмаслигидир.

Мактабгача болалар муассасаларини, социал-маиший корхоналарни кўпайтириш ҳамда уларнинг ишини яхшилаш, саноат корхоналарини турар-жойларга яқинроқ қуриш, хотин-қизларни ҳар хил касбларга ёшлигидан тайёрлаш, шунингдек, аёлларнинг истаги билан ўзгартирилиб турувчи иш графиги, тўлиқ бўлмаган иш куни, айниқса касаначилик меҳнатини кенг ривожлантириш зарур. Ҳозир республикамизда йирик корхоналарнинг 446 та филиали фаолият кўрсатмоқда. Уларда ҳозирги пайтда 66,5 минг ишчи хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, кичик шаҳарларда 3,3 миллиондан зиёд одам яшайди. Бу, ўз навбатида, меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг катта имкониятлари мавжудлигидан далолат. Кейинги йилларда Бухоро областининг Ғиждувон, Вобкент, Шофиркон районлари марказларида Бухородаги ипгазлама комбинатининг, ипакчилик ҳамда зардўзлик фабрикаларининг филиаллари қурилиб ишга туширилди. Аммо филиалларнинг ҳаммасида ҳам қулай шарт-шароит яратилмаганлиги, қизларни корхонага жалб этиш масаласи билан шуғулланувчи хотин-қизлар Советлари суст ишлаётганлигидан қизларнинг турмушга чиқишлари ёки фарзанд кўришлари билан корхонани тарк этиш ҳоллари юз бермоқда.

Қишлоқларда бир вақтлар элга танилган донгдор механизатор қизларнинг ўттиз ёшга бормай, фақат бола тарбияси билан банд бўлиб қолиш ҳоллари кўпаймоқда.

Колхоз ва совхоз раҳбарларининг механизатор қизларга қулай маиший шарт-шароитлар яратиш борасида кам жон куйдирганликлари, мактабларда касбга йўналтириш ишларининг талаб даражасида йўлга қўйилмаганлиги, ёш хотин-қизларнинг ота-оналари ҳамда турмуш ўртоқлари билан тарбиявий ишларни амалга оширишда етарли даражада қатъият кўрсатилмаётганлиги қишлоқларда қиз-жувонларнинг ишни барвақт тарк этишларига сабаб бўлмоқда. Мактабгача тарбия муассасаларининг иши қишлоқларда айниқса қониқарсиз аҳволда. Бухоро области қишлоқларида кичкинтойларнинг атиги 28 проценти болалар боғча ва яслиларига жалб этилганлиги фикримизнинг далилидир.

Қизларнинг барвақт эрга берилиши баъзан



Кўк чучвара... (ЎзТАГ фотохроникаси)

СИФАТ — КОРХОНА ОБРЎСИ

уларнинг ўқишдан, меҳнат коллективидан ажралиб қолишига сабаб бўлади, кетма-кет туғилган фарзандлар тарбияси, оила-рўзғор ташвишлари хотин-қизларни руҳан толиқтириб қўяди. Ана шундай пайтда уларнинг ҳаётига дин ўрмалаб кира бошлайди, у ниҳоятда устомонлик билан итоаткорлик ва мутелик, муштипарлик ва тақдирга тан бериш туйғусини шакллантиради. Оқибатда айрим хотин-қизларнинг жамоатчиликдан четланиб қолиш ҳоллари ҳам содир бўлади. Баъзи оилалардаги доимий жанжаллар ва дарз кетишлар, яқинларининг уларга шафқатсиз бўлиши, ориятларига ва шаънларига тегиши, мажбуран эрга бериш ва куёв томонга кўплаб солиқ солишлар ҳам бирмунча нохушликларга сабаб бўлаётир.

Мамлакатимизда меҳнатсиз даромадларга қарши кураш бошланиб кетди. Бу ҳаракатда хотин-қизларнинг фаоллиги муҳим роль ўйнайди. Чунки қинғир ишларнинг кўпи энг аввало оилада аёлларга аён бўлади. Рўзғорига ҳаром пулни йўлатмайдиган, оила бюджетини оқилона тақсимлайдиган уй бекалари жуда кўп. Афсуски, оилада эркакларнинг мўмай пул топишларига маҳлиё бўлиб, текин пулларни зебу зийнатга сарфлайдиган, «омад»нинг қўлдан кетмаслиги учун қадамжоларга илтижо қиладиган аёллар ҳам бор ҳаётда.

Чайқовчилик ҳам социалистик турмуш тарзимизга зид бўлган ярамас иллат ҳисобланади. Чайқовчиликка қарши курашнинг бугунги кундаги мураккаб томонлари шундаки, ноёб моллар савдоси хотин-қизлар фаолият кўрсатадиган давлат муассасалари биноларида олиб борилмоқда. Уларни ким сотади, албатта, хотин-қизлар. Афсуски, чайқовчининг қўлидан ушлаш ўрнига сира иккиланмай, у ёки бу буюмга икки баравар пул тўлаётганлар ҳам хотин-қизлардир. Бу билан улар, бир томондан, оила бюджетини издан чиқарсалар, иккинчидан, социалистик қонунчиликнинг бузилишига кўмаклашадилар.

Партия бугунги кунда маҳсулот сифатини оширишни асосий вазифалардан бири қилиб қўйди. Бу — ниҳоятда муҳим аҳамиятга молик масала. Лекин кўпгина буюмларимизнинг сифати, техникавий ҳамда эстетик савияси шу куннинг талаблари даражасида эмас. Ҳозирги вақтда республика савдо корхоналарида юз миллион сўмликдан зиёд бозори касод енгил саноат моллари тўпланиб қолган. Асосий кўпчилигини хотин-қизлар етиштирадиган енгил саноат молларининг касод бўлиши бу нозиктаъб хотин-қизларимиз меҳнатига билдирилган эътироз ва таънадир. Ҳар бир аёлдаги ҳалоллик, аниқлик, тежамкорлик, нафосатга ва орасталикка интилиш каби ажойиб фазилатларни оилаларўзғор доирасидан ижтимоий меҳнат соҳасидаги фаолиятга кўчиришга эришмоғимиз лозим.

Хуллас, республикамизда хотин-қизлар масаласида ҳал қилинмаган қатор проблемалар мавжуд. Энг аввало уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, эскилик сарқитларидан, истеъмолчилик майлларидан тозалаш керак. Ўртоқ М. С. Горбачев таъбири билан айтганда, бу иллатларга қарши курашиш мураккаб жараён бўлиб, у ғайрат ва шижоат кўрсатишни талаб қилади. Бу йил республикамиз жамоатчилиги «Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллигини нишонлайди. Ҳаётимиздаги ярамас иллатларга қарши курашни Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидагидек улкан жасорат, қатъият билан олиб бориш лозим.

КПСС XXVII съезди оналик бурчини меҳнат ва жамоатчилик ишларида фаол иштирок этиш билан уйғун тарзда олиб боришга даъват этди. Бу кўрсатмаларни турмушга татбиқ этиш мамлакат тақдирида, ҳар бир оила, ҳар бир хотин-қиз тақдирида улкан ўзгаришлар ясаши шубҳасиз.

Аҳрор ҲАСАНОВ,
Бухоро Давлат педагогика институтининг доценти

— Наманган шойи ишлаб чиқариш бирлашмасида халқ истеъмоли моллари сифатини яхшилаш, уларнинг турини кўпайтириш борасида қандай амалий ишлар қилинаётир?

Бирлашма бош директори, КПСС XXVII съезди делегати, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Тўрашхон Жўраев бу саволга шундай жавоб берди:

— КПСС XXVII съезди тўқимачилик ва енгил саноати ходимлари олдига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилаш борасида катта вазифаларни қўйди. Биз съезд қарорларини изчиллик билан амалга ошириш учун кенгайтирилган план ишлаб чиқдик ва уни дадиллик билан амалга оширмоқдамиз.

Технологик жараён бўйича сифатли газлама ишлаб чиқариш титиш цехидан бошланади. Агар хом ашёни титиш ва савашдаёқ унинг кирланишига йўл қўйилмаса, таралганда, пилталанганда, пиликланганда ёки йигирилганда толанинг йўғонлиги нормадан ортиб кетмаса ва бошқа хатоликларга йўл қўйилмаса, ундан сифатли мато тўқиш мумкин бўлади.

Худди мана шу мақсадни амалга ошириш учун қўллаган тадбирларимиз яхши натижалар бермоқда. Энг муҳими, ишлаб чиқариш маданияти ошмоқда, корхона цехларида ҳисоб-китоб аниқ бўлганлиги учун турли чиқитлар камаймоқда.

Жумладан, цехларни ёритиш яхшиланган, турли нуқсонлар тезда бартараф қилинаяпти. Лахтаклар чиқишини камайтириш тадбирларини ташкил этиш маҳсулот сифатини оширишга ёрдам берди. Ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажариш йўлида меҳнат мусобақасининг авж олдирилиши яхши ишлашимизга ёрдам берди. Хом ашёдан ип йигиришда 8 процент ўсишга эришдик. Кўйлаклик газламалар ишлаб чиқаришда 20 процент, бошқа турдаги газламалар ишлаб чиқаришда эса, 14 процент ўсишга эришилди. Умумий ҳажмдаги маҳсулотнинг сифати 18 процент ўсди.

Меҳнаткашларнинг кўйлаклик газламаларга бўлган талаблари ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб, олти хил янги газламалар ишлаб чиқаришни жорий этдик. Шойидан тўқилган газламаларнинг планда белгиланган 64,8 проценти биринчи сортли газлама бўлиши керак эди. 1986 йилда 69—75 процент газлама биринчи сорт билан чиқарилди. Айтишим керакки, агар титиш, тараш, пилталаш, пиликлаш, йигириш, калавалаш ёки ўраш ва тўқиш машиналари доимо соз ҳолда бўлса, газламалар мўлжалдаги сортда чиқиши мумкин. Тўғри, бу ўринда хом ашёнинг сифати истисно қилинмайди. Буни яхши билган бош механика бўлимининг ремонтчи-созловчилари ремонт ишининг сифатига жуда катта эътибор беришаётир. Бригадирлар кенгашининг раиси Файзулла Ҳожидадаев бошлиқ ремонтчилар бригадаси амалга оширган ишлар қувончлидир. Улар йигирув машиналарининг сифатли ишлашига эришмоқдалар. Афсуски, ҳамма ремонтчи бригадалар ҳам улардек ишлаяпти, деб айтолмаймиз. Бироқ, биз турдош корхоналарнинг тажрибасига таяниб, ремонт ишини комплекс равишда ўтказишга катта эътибор бераётирмиз. Жумладан, Валентин Козлов механик бўлган тўқимачилик ишлаб чиқаришида тўқув дастгоҳларини созлашга комплекс ёндашиш методи самарали бўлмоқда. Энди йигирувчилар ҳам, пардозловчилар ҳам шу янгича усулга ўтиш учун астойдил ҳаракат қилишаётир.

Партия олдимизга нафис ва енгил, ҳаво ўтказадиган, ғижимланмайдиган, ювганда киришмайдиган газламалар ишлаб чиқариш, уларнинг турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш вазифасини қўйган экан, меҳнатнинг пировард натижасига қараб одамларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш зарур бўлади. Биз газлама сифатини яхшилаётганларни ана шундай тақдирлаяпмиз.

Рационализатор ва ихтирочиларнинг катта ёрдами туфайли маҳсулот сифатини ошириш учун кураш қизғин тус олаётир. Техника фанлари кандидати, бирлашма ишлаб чиқариш-техника бўлимининг бошлиғи Раҳимжон Каримов етакчилигида ижодкорларнинг катта бир группаси фан-техника тараққиётини жадаллаштириш борасида муҳим ишларни амалга ошираётир. Масалан, газламаларга гул босишда контактли тележканинг қўлланиши меҳнат унумдорлигини 18 процентга ошириш, ҳар йили корхонамизга ярим миллион сўмлик иқтисодий фойда олиш имконини берди. Мана шундай 75 таклиф ўн ойда 980 минг сўмдан ортиқ фойда келтирди.

Йигирув ишлаб чиқаришида ҳам маҳсулот сифатини яхшилаш муҳимдир. Учинчи агрегат вискозадан фақат биринчи сорт тола йигирмоқда. Қатор нуқсонларнинг зудлик билан бартараф қилиниши чиқитларнинг камайишига олиб келди. 140 ишчининг малакасини ошириш нуқсонсиз ишлашга имкон бермоқда. Тараш машиналарининг техник ҳолатини яхшилаш йўли билан пахтадан тайёрланаётган хом ашёнинг нуқсонлари кескин суратда камайди.

Бизнинг бирлашмамиз меҳнат коллективида вазифаларни тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақа тобора авж олаётир. Жумладан, ўлчовли лахтак чиқиши кескин камайди, тортиқли қийқимлар ҳам кун сайин озаймоқда. Бироқ, Уйчи, Учқўрғон, Ҳаққулобод йигирув-тўқув фабрикаларидаги ишларимиз кўнгилдагидек эмас. Ҳали бу филиалларимизда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун жуда катта техникавий, ташкилий, сиёсий-оммавий тадбирларни амалга ошириш лозим. Яқиндан бошлаб Ҳаққулобод фабрикаси коллективи уч сменалик график асосида иш бошлади. Бу тадбир янги, қўшимча муаммоларни юзага келтириши мумкин. Агар фабрика коллективи уюшқоқлик ва аҳиллик билан меҳнат қилса, янги графикда ишлаш осон кўчади. Коллективимиз социалистик мажбуриятларни бажариш учун халқ истеъмоли молларини кўпайтириш, сифатини ошириш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

Суҳбатни Т. СУЛАЙМОНОВ
ёзиб олди

ҲАЛИМА ҚОРАБОЕВА ШЕЪРЛАРИ

ҲАҚИҚАТ

Сени билмаганнинг одил сўзи йўқ,
Сени кўрмаганнинг равшан кўзи йўқ,
Сени йўқ деганнинг, асли ўзи йўқ.
Ҳақиқат.

Сени мен ҳар йўлу қадамда топдим,
Қалби яшнаётган одамда топдим,
Тўрт фасли гуллаган оламда топдим,
Ҳақиқат.

Тун бағрини чок-чок этган чироқ — сен,
Гўдакдай бегубор, бегуноҳ — сен,
Тутқун нафасидан учган оҳ — сен,
Ҳақиқат.

Заминсан, абадий қуёшга ошиқ,
Қуёшсан ҳар зарра, ҳар тошга ошиқ.
Курашчан юраксан, бардошга ошиқ,
Ҳақиқат.

Меҳр гиёҳидай ундинг юракда,
Парвариш қилурман не бир тилакда,
Бўйларингни кўрай дейман юксакда,
Ҳақиқат.

Сени йўқ дейдилар имони йўқлар,
Ақлида мукаммал инсони йўқлар,
Қалбида ишқи йўқ, ҳам жони йўқлар,
Ҳақиқат.

Ҳар томчида қуёш бўлиб акс этдинг,
Баҳор сувларидай шарқираб ўтдинг,
Муаттар гулларга айланиб кетдинг,
Ҳақиқат.

Сени йўқ деганнинг асли ўзи йўқ.

* * *

Шуълаларнинг қўйнида
Нозланиб ётар шаҳар.
Гўё бир боғ
бағрида
пишаётир олмалар.
Бевақт эсган шамол,
бевақт тўкма, тўкма!
Тўкилиб кетмасинлар
Ҳали кўм-кўк ғўралар.
Меванинг ғўр кўксида
Бошлангандир етилиш.
Шамол тошдай қотиб қол,
Насиб этмасин тўкилиш.
Уста боғбон қўлида
Боғлар жуда ишланган.
Ғўраларнинг ичида
Олтинланиш бошланган.



* * *

Излама атайлаб қаролик энди,
Қолмади юраги яролик энди,
Боғлар ҳам ям-яшил, саболик энди,
Ҳаёт ҳам бир оҳанраболик энди,
Энди бу маъвода тинчлик бўлса, бас,
Ўзгаси бир нави, ортиқ қийнамас.

Бахти бекамликни кўролмаган бор,
Бўҳтону ҳасадсиз юролмаган бор,
Аламдан оёқда туролмаган бор,
Олгану бировга беролмаган бор.
Бор оёқ остидан қазувчилар чоҳ,
Ўзгаси бунчалар сололмаган доғ.

Қуруқлик — кемадир, кетиб борамиз,
Айлана қирғоққа бош урар денгиз,
Атрофимиз мангу сув эрур чексиз,
Жаннатий манзара, чиройли, тенгсиз,
Осуда мавжланиб турсин бу уммон,
Тинчлиги бузилса, қолмас бирор жон.

Кемада ким кўнглин хушлаб борадир,
Касридан ким кўзин ёшлаб борадир,
Ким ёруғ манзилга бошлаб борадир,
Рулни ким мустаҳкам ушлаб борадир.
Боради — кемада нечук кетар ким?
Ҳаммага қайғурган инсонни кўрдим.

Кўрдим тил бошқаю дили бирларни,
Дилда хиёнату тили бирларни,
Мақсади, хаёли, қўли бирларни,
Осмони, жаҳони, гули бирларни,
Кемада минг бир хил ҳолат жамулжам,
Бир томон қаҳратон, бир томон кўклам.

Жаҳонда толе йўқ тинчликдан бўлак,
Булут келтирмагил, ваҳм гулдирак,
Яшаб-яшаришга яралган юрак,
Тинчлик — бу, инсоний энг олий тилак
Тириклик чўкмасин қон ва тўфонга
Интиҳо бўлмасин мангу жаҳонга!

Боғлар ҳам ям-яшил, саболик энди,
Ҳаёт ҳам бир оҳанраболик энди.

* * *

Муҳаббатдан улуғроқ қудрат
Муҳаббатдан тиниқроқ чашма —
Бўлса агар кўрсатинг манга:
Мен излайман бу ҳаёт аро,
Усиз ҳаёт пуч ва бемаъно
Осойишта боғлар қўйнида
Висолига етдим деганда
Шўх ва тошқин дарё бўйида
Эркинликда кезар бу оҳу.
Сархуш бўлсам чаман атридан
Нигоҳимни тортар шу замон.
Тоғ бошида қип-қизил лола,
Юрагимга солар ҳаяжон.
Юлдузлардан кулиб боқар у,
Уммонларга чўкар ой бўлиб,
Булутлардан қайта ёғар у
Бу дунёга кетади тўлиб.
Сеҳрланар, қалбим, вужудим



Оловланар, сўнмас умидим
У бағримда кўкарган гулзор
То тирикман сўлмагай зинҳор.

* * *

Бу кўзларнинг соҳилида умид оҳуси
Сарвларнинг соясида турар сув ичиб.
Қирғоқларга урма, тўлқин, кетмасин чўчиб
Бу ёнларга олиб келган меҳр орзуси.

Бу уммоннинг шамоллари эрка ва учқур,
Тебранмоқда сарвларнинг шохи эпкиндан.
Ёғар ёғду юракдан нур ичган тўлқиндан,
Сарвлардан битта-битта тушар барги нур.

Толе излаб юрар умид оҳуси бунда
Бахт гавҳари теранликда топмоқда сайқал.
Ғарқ бўлмай деб оҳу — қуруқ қайтади ҳар гал
Келаверар қайта уммон — тўлқин тинганда.

Ахир, уммон тубидадир толе гавҳари,
Соҳилларда қўрқиб кезиб юрганинг бекор.
Ошиқ бўлсанг, тўфонга от ўзингни бир бор,
Суриб кетса кетсин унинг нур тўлқинлари.

Соҳилларда бекор кезиб қилма илтижо,
Учиргайдир қирғоқларнинг зилзилалари.
Машаққатли бўлур ахир толе йўллари,
Қирғоқларга, қўрқсанг, қадам қўймагил бежо.

Андижон





Район Совети депутати Дилфуза Жамолова (чапдан бешинчи) курсдошлари — Ҳакима Аскарова, Сайёра Абдужабборова, Зуҳра Бободинова, Дилором Отажонова, Чаман Неъматова, Коммуна Қозоқбоевалар даврасида.

В. Мосин фотоси

РАЙОН СОВЕТИ ДЕПУТАТИ

Дилфуза Жамолова мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ онасидек ўқитувчи бўлишни орзу қилар эди. Муаллима! Бу сўз кишига бир олам қувонч бағишлайди. Ахир, олимнинг ҳам, ишчининг ҳам устози энг аввало муаллим эмасми? Лекин онаси унга педагог бўлишнинг машаққати ва масъулияти ҳақида кўп гапирарди, «ўқувчиларни ўз фарзандинг каби севишинг, уларга ҳамфикр ва ҳамкор бўлишинг, уларни сезгирлик билан англашинг керак», деб ўгит берарди.

Йиллар ўтди. Дилфузанинг педагог бўлиш нияти қатъий эди. Ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатди. Халқлар Дўстлиги орденли Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг кимё-биология факультетига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширди.

У ўзининг ғайратчанлиги, жамоат ишларида фаоллиги билан тез орада факультет ва институт коллективининг эътиборини қозонди. Ҳамкурсларига жонкуяр, ҳар ишда ўрнак. У аввал факультет, кейинроқ институт комсомол комитети бюроси аъзолигига сайланди. Учинчи курсда эса факультет комсомол ташкилотининг секретари бўлди.

1985 йилда Дилфузанинг студентлик ҳаётида унутилмас воқеа содир бўлди — унга юксак ишонч билдириб, Халқ депутатлари Фрунзе район Советига депутат қилиб сайладилар.

Коммунист Дилфуза — ҳали институт талабаси. Келажакда у ўз устозлари Уроз Холдоров, Тоир Исҳоқов, Ҳусан Мақсудов, Шавкат Миркомилов, Зиёдулла Давронов каби етук педагог бўлиш орзусида тиним билмай илм асосларини ўрганмоқда, бу йўлда машаққатларни писанд қилмай изланмоқда.

Ҳа, онаси Тожихон ая айтганидек, муаллима бўлиш — осон иш эмас. Ахир, ёш авлод шуурига Она, Ватан, Тинчлик каби сўзларнинг олам-олам маъносини сингдириш, уларда садоқат, фидойилик туйғуларини парваришлаш, халқ ишига камарбасталик фазилатини камол топтириш лозим.

Дилфуза бу йўлда қийинчиликлар бўлишини, тўсиқларга дуч келиши мумкинлигини билади. Лекин, ҳар қандай машаққатнинг ҳам ҳузурбахш дамлари бўлади. Вақти келиб, Дилфуза ўқитган ўқувчилар: «Раҳмат, муаллима!» дейишса, қандай бахт. Аммо бунинг учун... Бир зумда унинг гайрати жўшиб, кўнгли нурафшон бўлиб, китоблар оламига шўнғийди. Ахир, у ҳали ўқувчиларига билимлар денгизидан дурдоналар тақдим этиши керак-ку!

Дилфуза Жамолова ўқиш билан бир қаторда депутатлик ишларини ҳам муваффақиятли олиб бормоқда. У Фрунзе районидаги уй-жой бошқармалари қошида ташкил қилинган ўсмирлар клубларини оталиққа олган. Демак, бу ишда ҳам педагоглик малакасини орттирмоқда. У халқ маорифи доимий комиссиясининг аъзоси сифатида мактаб ислоҳотини амалга ошириш йўлида ҳам жонбозлик қилмоқда, ўқув ишлаб чиқариш комбинати билан мактабларнинг, ишлаб чиқариш корхоналарининг алоқасини мустаҳкамлаш ишига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Малика МЎМИНОВА

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

Сармастлик касофати

Гренландия парламенти маст ҳолда итни етаклашни таъқиқловчи қонун қабул қилди. Бунинг сабаби шундаки, кейинги ўн йилда сармаст ҳолда ит етаклаганлардан қирқ кишининг ҳалок бўлганлиги қайд этилган.

Қарсагингизни танийсизми?

Америкалик физиолог Б. Репп қарсаклар хусусиятини ўрганиш билан шуғулланмоқда. Маълум бўлишича, кишининг қарсаги худди унинг овозидек ўзига хос хусусиятга эга. Буни тадқиқотчи махсус компьютерлар ёрдамида аниқлаган.

Кўнгилли манзилгоҳ

Вена. Хофбург саройидаги «ошхона жиҳозлари камераси» кўнгилли манзилгоҳлардан саналади. Ҳар йили бу ерни икки мингдан ортиқ сайёҳатчи келиб кўради. Унда Габсбург сулоласи монархлари фойдаланган дастурхонлар, сочиқлар, турли хил ошхона жиҳозлари, биллур ва чинни идишлар сақланади. Йиғма нарсаларнинг жами сони: 177 минг 558 та.

Дастурхон ва сочиқлар бундан юз йил илгари яхши чех канопидан тайёрланган. Бу ускуналар ҳозир ҳам баъзан давлат қабул маросимларида ва расмий зиёфатларда фойдаланилади.

ЎҚСИЗ МИЛТИҚ

Самар НУР

ҲИКОЯ

I

Қаллақанддек қават-қават чўққилар. Тоғ этагида ям-яшил арчазор. Кўкиш тумандан хушбўй ҳид таралади. Бир қултум суви тишни зирилладатадиган тезоқар сой. Шалолалар. Тўнғиз, каклик ови... Уч кун уч дақиқадек ўтди-кетди.

Нозик, масъул мансабдорлар қайтиб кетадиган кун ўрмонбеги Тўққизбоев Қизилсой қирғоғига оқ ўтов тикиб, гулдор гилам, тивит наматлар тўшатгирди. Ўтов орқасида Қорадарёнинг Нозик Одамлари минадиган — ҚНО номерли «Волга»лари кўзларни қамаштириб, гижинглаб турибди. Дастурхонда эса, доривор гиёҳлар шарбатидан тортиб, кийик сутидан ивитилган қатиққача бор. Шишалар узун, қисқа «бўйинли». Кружкалар, термослар. Арча шохларидан қиздирилган тандирда Лангарота қирларидан териб келтирилган зира, кийик ўтига ўралган нимта-нимта гўштлар димланаяпти. Хушбўй дуд ўрмон оралаб оҳиста сузиб, чўққиларга ўрлаётир.

— Бизбоп одам экансиз,— деди наматда трусичан лўла болишга ёнбошлаганча семиз, калта оёқларини сой сувига ботириб ўтирган Масъул ходим Тўққизбоевга мастона термилиб.— Сиззи ўз қаватимга опкетаман! Қўлли ташланг,— билаклари салқи, оқиш, юмшоқ кўлини чўзди.— Гап битта бўлади йигитда. Гапида туриб опкетмаган номард, бормаган ҳам...

Тўққизбоевнинг чайир, йўғон бармоқлари Масъулнинг болишчадек юмшоқ кафтида турар, истиҳола қилиб тортиб ололмас, бундай тураверишдан ҳам ноқулай, шу сабаб яноқлари қизарди.

Масъул ходим казо-казо шерикларидан бирига қараб:

— Кесинг! — деди. Шериги энгашиб, расм бўйича баҳслашганларнинг бир-бирига қовушган қўллари устига қўлининг қиррасини «арра» қилиб секин уриб қўйди. Масъул лаганбардорлари олдида шерланиб, оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг ўғли гапирсин, деганларидек нуқул ўзи жўшарди, ҳеч кимдан фикр сўрамасди.— Янги «24» ёки «31» дан бераман, шоҳипарда тутилган орқа ўриндиқда чайқал-либ-б юраверасиз! Шуйтиб, биззи одам энди Сиз!

«Шуйтиб», бир оғиз гап билан Тўққизбоевнинг ўрмонга ўрнашган томири қўпорилиб, танаси шох-шаббаси билан область марказига кўчирилди. У янги жойда ўрнаша олармикин? Ёки илдизсиз гиёҳ, ўқсиз милтиқ бўлиб қолармикин?

II

Ҳаво иссиқ. Шаҳар хумдондек қизиган. Вилоят «Даҳрийлар уйи»нинг бошлиғи Тўққизбоев қимматбаҳо қалин гиламлар тўшалган улкан, нимқоронғи кабинетида ҳузурланиб, янги телевизорни томоша қилмоқда. Енглари шимарилган. Шоҳипарда тутилган деразанинг юқори ҳошиясига ўрнатилган кондиционер электр қувватини хўплаб симирганча «хир-хирр» шабада пуркаб турган бўлса-да, Тўққизбоев тушда ресторанда тамадди қилгани учунми ёки ҳарорати ошганми — билакларини, йўғон, жигарранг бўйинини, сийрак сочлари остида қизғиш мармардек ялтираб турган катта тепакал калласини реза-реза тер қоплаб, ялтираб турибди. Ўқи атрофида гир айланадиган юмшоқ чарм креслода керилиб ўтирганча ёнига бурилиб, стўл суянчиғидаги патли сочиқни олди. Соғлом, тўқ одамга хос мамнун ва шод кайфиятда терларни артди. Кекириб ўтиришининг сабаби бор: куни кеча «Даҳрийлар уйи»да вилоят худосизларининг қурултойи бўлди. Тўққизбоев қайта сайланишига шубҳаланмасди, лекин қурултой очилишидан уч кун олдин рўй берган ҳодиса унинг кўнглини хижил қилди: ашаддий ҳужумкор даҳрийларга мукофотга олинган икки мингу бир юз қирқ етти сўм ўн саккиз тийинлик соатларни, кечқурунги базмга ажратилган уч юз саксон саккиз сўмни қайси бир ноинсоф кабинет бурчагидаги, ҳў ўша, телевизор ёнида терган темир сандиқни бузиб олиб кетибди. «Мияси суюлган» қоровул чол, хабарим йўқ, лекин ўша кеча йўлакда мушук ўралашиб юрувди-я, дейди.

Тўққизбоев йўқолган нарсалардан ҳам кўра ўзининг хизматларига кўпроқ ачинди:

— Ҳаммасига деликатларди памилиясини именни қилиб ёздирувдим-а. Ўзиям Самарқанддаги устайа. Палакат товонди остида деганларича бор. Энди мен нима деган одам бўлдим?

Даҳрийлар худога шубҳаланса ҳам, бандасига, айниқса «Даҳрийлар уйи» бошлиғига ишонишади. Олмаган соатларига, олдим, деб, бўлмаган базмда, бўлдим, деб ведомостга қўл қўйишди. Қолганига бизлар қарздор, ҳурматга ҳурмат деб, Тўққизбоевни районларига таклиф этиб кетишди. Тўққизбоев шу ишкалдан гап-сўзсиз қутулганига хурсанд эди. Бугун тушда ресторан ошпази унга раҳм қилганиданми, зўр таомлар берди. Энди зўр ишлаши, юқори ташкилотларнинг, делегатларнинг, ошпазнинг ишончини оқлаш учун қурултойда айтилгандай зўр, ҳалиги, нимайди... ҳа, ташаббус кўрсатиб ишлаши керак!

Телевизор экранида бир-биридан хушманзара Қизилсув, Эгрисув, Қўғу, Ҳисорак, Сувтушар манзаралари сузиб ўтарди. Айниқса, Ғилон шалолосини кўргач, у чидаб туролмади. Экрандан кўз узмаганча ўрнидан туриб, ўн тўрт қадам босиб, кабинет бурчагидаги «ЗИЛ» музхонаси ёнига борди. Қанча орзу-ҳавас билан безатган кабинетининг ҳайҳотдай катталиги ҳам ноқулай экан, икки-уч манзарани кўролмай қолди. Икки литрли банкадаги яхна чойни бир кўтаришда симирди, танига ҳузурбахш салқинлик югурдию, ҳаял ўтмай у ҳам тер бўлиб сизиб чиқди... Патли сочиқ шалаббо бўлди. Ичи ёниб кетаверди: «Иссиқни иссиқ кесади!» У бильярд ўйнайдигандек катта столининг зихига ўрнатилган тугмачаларга қўл чўзаётганда экранда от минган, дароз мўйловли, кўк лаппарини қошигача бостириб кийган, елкасига милтиқ осган ўрмончи кўринди. Тўққизбоевга у таниш туюлди:

— Э, уккағар! — у тугмани босиб, дик ўрнидан турди.— Ўзимдинг жўрам-ку. Юришини... шуйтиб, менга бир қарамадиям. Майли, сен қарамасанг — мен қарайман. Та-а-шаббус кўрсатаман!

Унинг монологини йўғон хурракдек овоз бузди:

— Лаббай, Ношукурич? — Эшик тирқишидан сочлари типратиконсимон тарашланган катта бош, тор пешона, жуволдиз кўзлар кўринди. «Куппа-кундузи ишда ҳам бемалол ухлагани қўймайсиз-а», дегандек ҳарсиллаб нафас олгани эшитилиб турарди.



Н. Иброҳимов чизган расм.

— Э, санми! Бор, кейин...

Тўққизбоевнинг мияси танаффус билан ишларди. Эшик ёпилаётганда:

— Ов-в, менга қара, Амирқул қагда? — деди.

— Мозорлардан хабар олгани кетди шофёриз билан.

— Ҳмм,— Тўққизбоев чуқур хаёл оғушида дўрдоқ лабини тишлади: «Хабар олгани яхши, бу жойда сасиб-бижиб ўтиргандан... оёғининг чигили ёзилади. Лекин мошинди... Мен ўтирадиган ўринда Амирқулди кўрганлар ҳар хил фикрларга боришар».— Мошинада тез бормаса мозорларни биров ўғирлаб кетармиди, ё гўрга кирармиди? Келса, колхозга бориб келсин.— Ана, у деразага бошини кўтариб қаради, дарахт шохлари тарвақайлаб кондиционерни савалаяпти, шикастлаб қўймасин. Кесишиб, шох-шаббаларини ўзлари олиб кетса ҳам майли.

— Кеча ҳам бориб келувдим. Госснаб исклади олдидаги дарахтларди кесгани кетишганмиш!

Тўққизбоев шаҳарнинг қаерида қандай дарахт ўсаётганини яхши биларди. Ўрмончи-да асли. Бекорга ўн етти йил дарахт санаган, касалланганларига белгилар қўйиб чиққанми! «Госснаб олдида гулу арчадан бошқа гиёҳ йўқ эди-ку? Еки янги ниҳолларнинг ўсишини пойлаяптимикан, колхоздагилар. Улар катта-катта чинорларни ҳам ўзлари қулатаверишади-ку». Тўққизбоев мийиғида кулди:

— Боринг,— ходим чиқиб кетгач Тўққизбоев маъноли илжайди: — Уккағар Жўра Худайбердиич муғамбир, жа муғамбир.

Тўққизбоев экрандан кўзини узиб, стол зихига энгашиб қаради. Тўртта электр тугма: қизил, сариғ, яшил, қора. Қўнғизлардай тизилган. Ҳали қизилини босаман деб телевизорда ўрмончини кўрганда шошиб, қорасини босиб юборган эди. Тўққизбоевнинг идораси иккита хонадан иборат. Тўққизбоев ўтирадиган кабинетнинг чорагича келадиган нариги хонада тўрт хизматчи, агар шофёр ҳам кирса беш киши бирбирига елкаси тегиб ўтиришади. Гурунглашиб, қишда бир-бирини иситиб, ёзда бир-бирини елпигандай пиш-пиш нафас олишади, уларга кондиционер ҳам керак эмас, иситгич ҳам. Телевизор кўришга эса, вақтлари ҳам йўқ. Чойни иссиқ-иссиқ ичиб, «Советский спорт»дан тортиб «Футбол-хоккей»гача ўқиб, чаласини маҳаллий миш-мишлар билан тўлдиришиб, «таҳрир қилиб» ўтиришади. «Фан ва дин», «Атеист», «Табиат» журналларига бош бухгалтер обуна қилдирмади — харажат ошиб кетиб, мукофотлар камаяркан. Майли, ходимларнинг бари Тўққизбоевнинг қариндош, ҳамкурслари — пединститутнинг жисмоний тарбия факультетини сиртдан битиришган. Журналлардаги мақолаларга минг уринишмасин уларнинг «тишлари ўтмайди» бари бир. Бекорга миянинг қатиғини чиқариш кимга, нимага керак? Лекин Тўққизбоев ҳам ўзини кўп қийнамайди. Ана, шу тугмачаларни ходимларни чақириш учун ўрнаттирган. У чимчилоғи билан тугмачани босди. Тугмача гўдак бурнидек ботиши билан дермантин қопланган икки қаватли эшик сассиз очилиб, бўсағада тол хивичидай нозик котиба пайдо бўлди:

— Лаббай Шотурсун Ношукурович?

Тўққизбоев экрандан кўзини олмай, тамшанди:

— «Вьетнам»дан дамла! Тез. Экранда эса қуюқ арчазор, шовуллаб оқаётган сой. Соҳиллар майсазор яланглик. Бир четда лаблари ўпирилган тандир. Тўққизбоев тандирга қараб тамшанди, киссасидан гугурт қутиси олиб, четини синдириб, тишларини ковлай бошлади.

Котиба хўжайинга халақит бермаслик учун мажлислар столининг орқасидан айланиб келиб, телефонлар столчаси четига қизил хумчойнакни қўйди. Икки марта шопириб қайтарди. Чой тингунча телевизорга лоқайд термулиб турди. Унга кимсасиз ўрмон, сой, тандирнинг қизиғи йўқ эди. Кейин, чойни сузди-да, пиёланинг остига оқ қоғоз қўйиб чиқиб кетди.

Тўққизбоев мириқиб чой ичганча, телевизор кўриб бўлгач, китобсеварлар жамиятига, тарихий обидаларни асраш жамияти, мушук-кучуклар дўхтирхонаси, овчилар жамияти, «туристлар» идораси, «қизил ярим ой», «Пахтакор» спорт жамияти, хуллас, ўттиз икки жамиятдаги жўраларининг анчасига телефон қилди:

— Кўрдингми телевизорда? Маза-а? Бизлар ҳам юрган эканмиз-да, яшопмиз, деб. Ўша сой ёқалаб бораётган лаппарли отлиқ ҳам маним жўрам бўлади, ҳа, ёқасида, енгининг учида сариғ темирчалари бор. Оппорайми ўшанинг ёнига?

Жўраларидан тайинли бирон таклиф чиқмагач, эснаб соатига қаради. Иш тугашига икки соат бор: Жўра Худойич туш бўлмасдан «Госснабга кетган». Мен эса ҳали ҳам... Стол суянчиғига илинган кулранг костюмини кийиб, ойнага қараб, галстук резинини бошидан ўтказди, сочларининг тахи бузилди: шу галстук боғлашни, ҳеч ўрганмади-ўрганмади-да. Ўша колхоз идорасига дарахт сановчи бўлиб киргандан уринди — бўлмади. Бу орада соч қўйишни, телефонда гаплашишни, буйруқ беришни, ведомостларга кўл қўйишни, кинолар-нинг мазмунини айтиб беришни ўргандию, шу сабил китоб ўқиш билан галстук боғлашга ҳафсала, уқуви етмади-да. Майли, қариб-мурриган чоллар ҳам хотиралар ёзаяпти, ўнг қўли билан чап қўлини ажратолмайдиган милисанерлар ҳам «приключенчески»лар битиб ётибди, қайси бирини ўқийсан унинг. Майли, галстук тақишдан соч тараш осонроқ. У галстукнинг боғичи устига ёқасини туширди.— Қайта шу реззиналиги яхши. Тўғаси кичик. Қўлда боғланганининг тўғаси чирковидинг, ҳали оти нимайди, ҳа, «кристи»дай дўппайиб туради, биз атейисларга бўлмайди у.

Тўққизбоев қувватга тўлган кенг елкаларини силкитиб, таманно билан саллона-саллона столнинг ёнига келди, энгашиб қора тугмани бош бармоғи билан босди. Бухгалтер ҳар ҳолда ҳисоб-харажатлар билан шуғулланади-да, ахир. Эшик очилиб, катта типратиконга ўхшаган ҳалиги бош кўринди.

— Лаббай?

— Ғилонга зудлик билан боришим керак экан, олти кунлик сафарга ҳужжатлар тайёрланг.

Эшик секин ёпилиши билан Тўққизбоев кўрсаткич бармоғи билан яшил тугмачани чаққон босди. Эшик очилар-очилмас шофёр учиб кирди:

— Мен шу ерда...

— Мошинни шай қил-да, бухгалтердан командировичларди олиб қўй, милтиқ, ўқ, запаскани ҳам унутма. Саҳарда тоғга жўнаймиз, бор. Ҳов-в, тўхта,— Тўққизбоевнинг мияси танаффустанаффус билан ишларди.—Зув этиб «Билим» жамияти, у ердан Китобсеварлар жамиятига ўтиб, беш-ўнтадан путопка ол. Мен тилпон қип қўйганман. Овчилар жамиятидан ўқ-дори, лицензия беради, кир!

— Обидаларни қўриқлаш жамияти, хоббозлар жамияти...,— шофер санай бошлаганда Тўққизбоев рўйхатни узди:

— Қўй-э, у мирқуруқларди,— шофёр жияни бўлгани учун ундан сир яширмасди Тўққизбоев.— Уларнинг тин-тийини билан тонг отмайди. Ўзинг ҳам идиш, пул ол. Зира, тоғди асали бўлса қуруқ қайтмайлик шунча жойдан. Тўхта, шу хоб-б... хоб-б... сабил нимайди, ҳа, сувга шўнғувчиларга бир кир!

III

Йўл манзараларидан чиройи очилиб бораётган Тўққизбоевнинг тоққа баландлаган сайин афти буришиб, қовоғи осила бошлади, жиянининг эса, чакаги тинмайди сира:

— Мотор яхши тортмаяпти,— дейди ҳар муюлишда тўхтаб, капотни очаркан:

— Сув қайнади, антифрис олиб берсаиз бўларкан... Усти ялтироқ бўлгани билан ичи қалтироқда бу машинаиз. Янгисига алмаштирмасаиз...

— Э, мунча жаврайсан! — Тўққизбоев портлади.— Мен биринчи котибми, ҳа деб обкатқадан чиқмаган мошинни алмаштириб бераверса сенга?!

У Ғилонга етгунча яшил арчаларга, кумуш сойларга ҳам, ёнбағирлардаги тўп-тўп оқ ўтовларга ҳам эътибор қилмади. Салқин кабинетга кўниккан хом бадани эзилиб, қовоғи юмилиб келаётган кўзларига йўл четидаги ҳар бир харсанг оқ болишдай кўринаверди.

Бўлим бошқарувчисининг арчалардан мачитдай баланд қурилган ўймакор устунли уйидан бир бола чиқди:

— Энам айтди, отам марказга мажлисга кетганмишлар. Бугун қайтмасканлар.

Қишлоқ Совети раиси бу қишлоқда турмас экан.

Мактаб директори бетоб экан. Тарих муаллимини юборибди. Тўққизбоев жўжабирдай жон муаллимнинг мўъжаз, пастқам кулбасида ётди. Ширин уйқуда кечаги қўриқхоналарни такрор кўраётганида елкасига туртишди:

— Домла, домла, туринг, бир чойлашиб олайик.

Ҳориб, қорни пиёз пўсти бўлган Тўққизбоевнинг оғзи «чой» сўзидан сув очиб, тургиси келмади: «Чойингни ўзинг симир!» Лекин таом ҳидини сезиб, секин қўзғолди. Қўлини ювиш учун бошини эгиб айвонга чиқаётганда супада қулоқ-думи кесилган хўтикдай итга кўзи тушди:

— Кучукиз қопмайдими?

— Тоғди ити-да,— деди бир қўлида сочиқ, бир қўлида сопол офтоба ушлаган муаллим итни ҳайдаш ўрнига,— қопмас деб бўлмайди.

Тўққизбоев итдан қўрқарди: «Кечаси ташқарига қандай чиқаман?» Қани энди бир дуо билан дарёларни тескари оқизган эшонлардан бўлсаю, бу итни ҳам «куф» деб ғинғиллатиб инига киритиб юборса! Меҳмон кутиш ўрнига ўзи меҳмонга кетган бошқарувчининг ўзини қийшиқ қилиб қўйса. Оёғини қўлига олиб чопиб келарди-я. Афсуски, унақа дуохонлар қолмади ҳозир».

— Боғлаб қўйсайиз бўлмайдими?

— Бўйни арқон кўрмаган сира.

Айвонда ётган шофёри жонига оро кирди:

— Мана шунга ова қолинг,— радиаторга сув соладиган челагини келтирди.

Тўққизбоев товада қотирилган учта тухумни суви қочган икки пайраха нонга қўшиб ямлаб ютди-да, чой, сув ичмай, ўрнига чўзилди. Кеча телевизор кўраётганда гугурт чўпидан хафсала билан тайёрлаб, кўкрак киссасига солиб қўйган тишкавлагичлар ҳам керак бўлмади.

Қишлоқ катталари эрталаб ҳам қорасини кўрсатишмади.

— Езда қишлоқда одам қомайди. Хирмон, пичан ўриш, дарахт кесиш...— деди муаллим изза тортгандай.

— Ўрмончи жўрам, кеча телевизордан кўрсатган, оти... нимайди?

— Майли, оборамаи. Лекин... Унинг ўрмонида хонақоҳ ҳам, туғ ҳам йўқ-да?

— Зира, кийик ўти ўсар мозор бўлмасаям. Тандир...

— Майли, об-борамаи,— муаллим ўйланиб турди.— Бир нарса айтмоқчийдим. «Қуръон сирлари»дан бир нусха...

— Нима у «Қуръон сирлари»? Мени ҳам ботқоққа тортмоқчимисиз?! Ўзларидай сиёсий кўр, деб ўйламанг мени.

— Майли-майли,— муаллим бу одамнинг соддалигига ҳам, оқиллигига ҳам тушунолмай, кўпдан юрагига тугиб юрган орзусини айтди.— Бир илтимос, бирон соатча вақтингизни олсам...

— Хўшш,— Тўққизбоев шаҳару қишлоқларда сон-саноқсиз илтимосларни бажариб юрган буюк ҳожатбарордек муаллимга такаббурона, беписанд қаради,— яна тахта, шелуха сўраманг, мен искилотчи эмасман!

— Йўғ-э, улар ўзимизда деҳқончилик,— дея муаллим уни чорбоғ тўридаги олди айвонли уйига бошлади.— Зарил бўлганда ҳам меҳмондан шуни сўраб ўлибманми! Бобомиз катта мулло ўтганлар. Шу кишидан мерос — катта хазина қолган. Отам раҳматли, тамакикор эдилар. Кўз юмаётганларида: «Ўғлим, мен бо-

бонгнинг насиҳатини бажаролмадим, саводсизлик, бунинг устига, замона алғов-далғов бўлди. Бобонгнинг меросини асра, қадрини билгач, кейин керакли маҳкамага топшир», деган эдилар.

Тўққизбоевнинг кўз олдида кабинетидаги темир сандиқдек жаранглаб очиладиган ўнлаб нақшинкор сандиқлар, қопқоғига тегиб турган зеру симлар пайдо бўлиб, қадамлари ўз-ўзидан тезлашди: «Мана, биз-да «керакли маҳкама» уни оладиган!»

Муаллим нақшинкор эшикни очиб, ўзи турадиган кулбадан шифти баланд, бебаҳо, шинам хонага кирди. Бироз зах, қоғоз ҳиди анқиди. Лекин сандиқлар «жаранг»лаб очилмаса ҳам, арча оғочларидан ясалган эди. Сичқон ҳам, чанг-чунг ҳам кирмайди.

— Мана шулар! — у бир сандиқнинг устидан эски бахмал чойшабни олиб, қопқоғини кўтарди. Китоблар, ғиж-ғиж китоблар...

— Ҳамма сандиқларда шу...-ми?

— Ҳа,— деди муаллим қувончини яширмай.

— Уф-ф,— деди Тўққизбоевнинг ҳафсаласи пир бўлиб: «Яна қоғоз. Идорасига келадиган сон-саноқсиз рисола, низом, кўргазма-плакатларни, ҳисоботларни қоровулга икки сўм бериб, каноп билан боғлатиб, чердакка ташлатар, у ерга сиғмай қолгач, яна икки сўм бериб туширтириб, ёқтирарди. Ҳозир унинг кўз олдига сувараклар ўрмалаб юрган боғлам-боғлам ўша қоғозлар келдию, сесканди. Қоровул бунча нарсани икки сўмга ёқишга кўнмас-ов!

— Қишлоғимизда икки-уч нафар чаламулла қария бор-у, кўзи хиралашган. Мен ҳам ҳарфларни чалакам-чатти танийман-у, бир-бирига қовуштириб ўқий олмайман. Бу кўп нарса. Бунинг ҳаммасини шаҳарга кўтариб бориш қийин. Сиз араб алифбосининг пирларидан, ҳаммасини-ку кўролмайсиз, нодирларини ажратиб берсайиз жуда савоб бўларди,— у ҳар бир китобни Тўққизбоевнинг ёнидаги курсига қалаштириб қўя бошлади.

Тўққизбоев мактаб программаларидаги китоблардан лоақал бирортасини тўла ўқимаган умрида. Институтда-ку қуёнхона қуриш, тикон чопиш, ўтоқдан бўшамаган. Доценту профессорлар имтиҳон олганда ҳам ярим йилда «имтиҳон дафтарчаси»нинг юзини бир очиб кўрган. «Бу эзма муаллим бўлса, девона Машраблардан қолиб кетган, қолиб кетган, чумолиларди бижбиж изи муҳрланган бидотларни қалаштириб ўтирибди олдида...» Унинг юраги сиқилиб эшикка қараб-қараб қўйди. Ташқарида дарахтлар шовуллайди, тандир ҳиди келгандай туюлди...

— Кўнглим сезиб юрувди-я,— муаллим иккинчи сандиқни очди.— Сиздай зукко одам келиб қолади деб. Ким билади, буларнинг орасида Пугаченкова қидириб юрган бебаҳо китоблар бордир. Бобомиз назаркарда одам ўтган, нон, кийим-кечак тақчил ўша алғов-далғов йилларда бу китобларди эҳтиётлашни тайинлабдиларки, демак, бунда сир кўп. Мана шуни синчиклаб қаранг-а, — у катта китобни узатди. Хаёли арчазорларда, тандир атрофида изғиб юрган Тўққизбоев уни англамади. Китоб «тўп» этиб ёнига тушди. Эгилиб олиш ўрнига Тўққизбоев панжаларини темир ёки тош эзаётгандек орқага депсинди.

— Ия, ия,— муаллим чаққонлик билан китобни ердан олиб, жигарранг қалин чарм муқовасини енги билан артди. Кейин Тўққизбоевга узатди. Кўзларига кўзи тушди. Тўққизбоев китобни тескари ушлаб, янги китоблардек чап томонидан варақлаётган эди. Муаллим ҳанг-манг бўлиб оғзи очилди-қолди. Тўққизбоевнинг кўзларида ҳеч маъни йўқ, бўш қорачиқларида арчалар, тандир, сой сузиб юрганди. Муаллим унга савол бермоқчи бўлаётганида, Тўққизбоев китобга қарамасдан калта, йўғон бармоқлари билан нафис силлиқ саҳифаларни бераҳм шиғиллатиб бука бошлади:

— Буларди оладиган жойлари бор. Мен Тошкентдаги идорамизга борганда Бароқхон мадрасасида ҳам кўрувдим. Лекин олисда у жойлар. Яхшиси Қаршидаги макулатурайа топширсайиз ўрнига «Қора гул», «Амирнинг қиличи», яна ҳалиги, анави қизиқ ёзувчи бор-ку, оти нимайди, Жулиниверни[1], уккағар, зўр ёзувчида оти хунукроқ бўлсаям: — Тўққизбоев котибаси ўқиб ўтирадиган бу китоблардан бошқасини эслолмади,— ўшаларди китобига алмаштириб беради.

Муаллимнинг аъзойи-бадани титраб кетди. Тўққизбоев эса, ҳалиям китобни шафқатсиз титкиларди. Муаллим эса, шунча йиллар авайлаб-асраб келаётган нозик, нафис сайроқи қушларининг қанотлари синаётгандек хавотирга тушиб, охири чидолмади:

— Ўрмонга кеч қолдик, домла! — Китобни унинг қўлидан тортиб олди-да, ҳаммасини жойжойига тахлаб, сандиқларни қулфлади. Тўққизбоев ташқарига чиққан бўлса ҳам хонада унинг тер, папирос тутуни ҳидлари анқир, «уккағар», деган товуши сузиб юргандай туюлди. Муаллим унинг ҳидларини ҳам чивин ҳайдагандек ҳайдаб чиқарди-да, ҳали қувонч билан очиб кирган эшикни минг пушаймонлар билан қулфлади. Бу хона, бу китоблар унинг орзулар уфқи, қувончи, байрами, ҳордиғи, хаёлларининг парвози эди. У келиб-келиб шу эзгу хаёлларининг гўзал, муқаддас оламига шу бир қоп ҳидли гўштни олиб киргани га ўз-ўзидан хафа бўлди.

Ташқарида Тўққизбоев Болта муаллимга насиҳат қилди:

— Мен сизга тайинлаб қўяй, сиз бу эскилик салқитларини асраб юрманг, муаллимсиз-а. Бунинг оқибати ёмон бўлади. Макулатурага олис десангиз, битта гугурт-да, ёқиб юборинг. Мени бу жойга келганимниям, китобларни кўрганимниям ҳеч кимга айтманг, девординг қулоғи бор. Вилоятга етса чатоқ! Бир қишлоқда кўнгил сўрашга борганда, мачитга қаровдим. Катта лавозимдагиларнинг ҳасадгўйи кўп бўлади. «Тўққизбоев янги мачит қурдирмоқчи», деб гап тарқатишибди. Шундоқ, туя кўрдингми — йўқ!

— Хўп, домла, хўп.

Улар кеча Тўққизбоев телевизорда кўрган сой бўйидаги тандир ёнида машинадан тушишди. Негадир яшил яланг ҳам, билакдек букилиб-букилиб оқаётган кумишсимон сой ҳам, сокин арчалар ҳам Тўққизбоевнинг завқини кечагидек тоширмади: «Шу телевизорчилар, уккағар, зўр-да! Тўртта юлғини бор чўлни боғ, кампирди қиз, товуқни курка қип тушираверади аппаратига. Кейин уккағарлардинг киносини тўймай кўраверасан!» У чайлага кўз қирини ташлади. Ана, ҳозир ўрмончи ўқдай отилиб чиқиб, қандай шамоллар учирди, деб қучоқ очиб югуриб келади. Йўқ, чайладан чиқиб келган Раҳмат ўрмончи совуқроқ сўрашди. Бошида лаппар ўрнида қалпоқ, эгнида сариғ тугмали костюм ҳам, елкасида милтиғи ҳам йўқ. Фақат ингичка мўйлаби қолибди. Тиши оғригандай бир четда тумшайиб ўтирди.

— Кеча телевизорда сизди кўрсатди,— деди Тўққизбоев ўрмончининг чегарасига янги сой эргаштириб келиб, мингта дарахт ўстириб берган одамдай.— Кўрдизми?

— Бизда телевизор йўқ.

— Бизлардан сўраганда, Раҳмат ўрмончи зўр, жаҳолатга қарши, ҳужумкор, тоест, атейис, кўрсатаверинглар, деб рухсат бериб юборувдик. Энди шуни тандир осиб «ювасиз» деб келдик.

— Бизда мол йўқ-ку,— деди ўрмончи.

— Ҳов, Алик! — Тўққизбоев ялангликдаги эски тандирни томоша қилаётган шофёрни чақирди.— Мана, бу аканг билан қишлоққа тушиб зира, асалга деб қўйган пулингга бир улоқча обке.

Ўрмончи илжайди.

Муаллимнинг ори келди:

— Домла, бизларди мулзам қилманг. Битта улоқ меҳмондан азиз бўптими? — У шофёрга қаради.— Юр, ука. — Шофёрни эргаштириб кетди.

Тўққизбоев эса ўрмонни айланиб юрди. Раҳмат ўрмончи арча шох-шаббаларини синдириб келди. Лой қориб, бир зумда тандирнинг ўпирилган жойларини шувади. Олов ёқиб қиздирди. Кейин, ҳўл шох-шаббаларни қалаб, устига зира, кийик ўтига ўралган гўштларни тизиб солди. Қолган лой билан тандир оғзини шувади.

Хушбўй гўштни иштаҳасиз кавшаётган Тўққизбоев шофёрига танбеҳ берди:

— Битта оқидан олиб келмабсан-да!

IV

Тўққизбоев ўрмончи билан хайрлашмай қишлоққа қайтди. Бўлим идораси олдида машинадан тушмай ўтирди. Шофёр билан бирга йўлланмаю путёвкаларга имзо чектириб, муҳр бостириб чиқаётган муаллим ҳам машинага ўтирмоқчи бўлганда, Тўққизбоев унинг кўкрагидан итаргандай:

— Ўртоқ, сен қол шу ерда! — бақбақаси шишиб, қовоғи уйилди.— Бизлардинг муҳим ишимиз бор. Бажариб, ўша ёқдан қайтиб кетаверамиз.— Эшикни қарс ёпиб, шофёрга тайинлади: — Қишлоқ оралаб, ҳў, ўша чинорга қараб ҳайда.

Қишлоқда бирорта чойхона йўқ экан. Тўққизбоев ичида сўкинди: «Шу... чойхонаси бўлмаган жойлардинг аҳолиси ана шундай бетамиз, молдай бефаросат бўлади».

Қишлоқ тоғ бағрида ястаниб ётибди. Унинг ўртасидан ўтган ёлғиз тор кўча, ҳу, ялангдаги чинорга ўрлаб кетган. Кўчанинг бир четидан девор ёқалаб одамнинг кўкрагидан келадиган баландликда ёғоч новдан шаффоф сув оқаяпти. Остидаги жилғача унга жўр бўлади. Қишлоқнинг этагидаги хонадонлар новнинг сувидан ичишга олишади, жилғачадан эса, мол суғоришади, кўча ва супаларга сепиш, кир ювиш, томшувоққа лой қилиш учун сув олишар экан. Кўчанинг икки четидаги айрим дарвозаларнинг пештоқига архар шохи қоқиб қўйишган, айрим дарвозаларнинг бўсағасига от тақаси муҳрланган. Овчилар хонадонининг белгиси бўлмиш бу дидли безаклар Тўққизбоевга ёқмади. «Қулоғигача бидотга ботиб кетган экан ҳаммаси!» — кўнглидан ўтказди у.

Тўққизбоев чашма бўйига ўтирди-да, кулранг костюмининг енгларини шимарди, қўлини чайди. Бошини кўтариб, киссасидан дастрўмол олаётганда айвонча пештоқидаги мармар лавҳага кўзи тушди. Мармарга икки ярим сатр арабча ҳарфлар ўйиб ёзилган. Ёзувга тикилди. Юз-кўзларини артиб, яна узоқ тикилди. Уқиш қаёқда! Фаросат бўлмаса, бу мия сабил ишламаса — кўз жонивор ҳам ночор экан. Игна тешигидан ип ўтказишга, ведомостдаги имзоларнинг тариқдек «думи»ни кўришга яраган бу кўзлар ҳар бири гўдакнинг билагидек ҳарфларни ўқий олмаса-я. Ўзи қийин-да бу сабил. Тўққизбоев қурултойдаги гапларни эслади: «Бизнинг ташвиқотимиз ҳужумкор эмас! Кўп ўртоқлар жойларга бориб, сарқитлар олдидан бефарқ, лоқайд ўтиб кетишаверади. Улардан из қолмайди. Ташаббуси сўнган!» Кейин «именний» соатларни эслади:

— Ҳаммасига муҳр бостирилганми «путупка»лардинг?

— Ҳа, числосини қўйдирмадиму, муҳр, имзо қўйдирдим. — Шофёр машинани, хўжайинини унутса унутар, лекин қоғозларга пухта эди: уларнинг бир қисми ўзига тегади-да!

— Ундай бўлса, олиб ташла бундай бидотни! — Тўққизбоев мармар лавҳага ишора қилди.

— Хўжайин... — жуда дид билан йўнилиб, ҳарфлари нақшдек қабартириб ёзилган лавҳани ўрнидан қўзғатишга шофёрнинг кўнгли бўлмади.

— Кўнгилчанмиз-да, ана шу кўнгилчанлигимиз ишга халақит беради; ҳужумкорликни сусайтиради. Сен ҳам гап қайтариб... — Тўққизбоев хезланиб ўрнидан турди. Шофёр машинасига югуриб, катта-кичик калитлар келтирди. Шурфларни ганч билан жуда мустаҳкам ўрнатишган экан. Шофёрнинг уларни бурашга кучи етмади.

— Ур, калит билан михига ур! — шоширди уни Тўққиз-

[1]. Жюль Верн.

боев. — Бунақа имилласанг, қоронғу тушиб қолади. Тоғ йўли хавфли. Битта бидот лавҳа деб касофатга учраб юрмайлик яна! Ур-р!

Мармар лавҳа ёрилди. Унинг ёрилганидан жаҳли чиққан шофёр энди михларни эмас, мармар лавҳани «қарс-қарс» ура кетди:

— Мана, мана! Мана-а!

Мармар синиқлари чашмага «чўлп-чўлп» тўкилди.

«Сайёҳлар» эса, хизмат маконлари сари эниб кетдилар.

Ойдин тунда чашма бўйига борган йигит-қизлар ҳеч нарсани сезишмади. Уларнинг чашмадан ҳам гўзал севгилари бор.

Тонгда булоққа борган қарияларнинг — юраги ҳали ҳеч нарсани кўрмасданоқ «шув» этиб узилиб кетгандай бўлди. Нима экан, нима рўй берди булоқда?

Кейин иккинчи қария борди. Уйқусизлик, ҳар хил ўйловлардан фориғ бўлиб, миялари шу булоқ бўйида тиниқлашиб, кўнгиллари таскин топарди. Бугун булоқ бўйи рутубатли кўринаяпти. Нимага?

Кейин учинчи қария борди. Бир аёл лабини оқ рўмол билан тўсиб сув олиб кетди, чоллар эса уймаланиб қолишди. Шунда учинчи чол чашманинг қум ғивирлаб «қайнаб» турган кўзида оқ тошлар синиғини кўрди. Енгларини шимариб, тиззалаб ўтирди-да, синиқларни олди. Кейин бошини кўтариб айвонча пештоқида янги ярадек қорайиб турган тўрт бурчак лавҳа ўрнини пайқади:

— Биззи Ғилонда бунақа бефаросат йўқ эди-ку!

— Э, бу Болта муаллимнинг меҳмонидан чиққан қилиғ-ов!

— И-е, унга нима зиёни етибди бу тошнинг?

— Вилоятда худосизларнинг бошлиғи эмиш, бирон ишкал топгандир-да. Бўлмаса, шунча жойдан овора бўлиб келган давлатти одами уни бузармиди?

— Епирай-а, ёпирай-а, — ҳали булоқдан мармар синиқларини олган киши бўлакларни бир-бирига жипслаб ўқиди:

«Одами эрсанг, демагил одами,
Онингким, йўқ халқ ғамидан ғами.

Мир Алишер НАВО...» Бу ёғи учиб кетибди-ку?

— Эҳ, биззи ўзбакдинг жоҳиллиги-я...


— Рост, бунинг нимаси ўтрук, бидъат экан? Э, ўша домланинг ўзи бидъат!

Сассиз келиб, уларнинг гапини тинглаётган Болта муаллимнинг кўнгли вайрон бўлди. Шу бир парча лавҳа синиб, бутун қишлоқнинг файзи қочган, тоғ-тошлар хиралашган, қуёш юзига парда тортилган, булоқ ҳам чиройини йўқотиб, мунғайиб қолган эди. Бунга Болта муаллим ўзини айбли сезди...

V

Аслида Тўққизбоевнинг ўзи ҳам хурсанд эмас ҳозирги лавозимидан. Хит, кўнгли хижил.

Қарши



ИЛК ШЕЪР

Ҳаёт-мамот жанггоҳида шеър ёзгандим илк бора,
Тонг отарди, тор ҳандақнинг ичи эди тимқора.
Ҳайрон бўлманг, ҳар сатримдан ҳандақ ҳиди анқиса,
Порох ҳиди, ўқ ҳидидан яралганди у қисса.

Қалам қайда, сатрларимни найза билан битгандим,
Қоғоз қайда, ҳар ҳарфини окопга нақш этгандим.
Ҳайрон бўлманг, шеърим агар қаттиқ бўлса худди ер,
Ўқдек ўтли туюлса ё. найзадек бўлса ўткир.

Учиб келган ҳар битта ўқ ерни гўё ниқталар,
Ўқ-оловнинг нуқталари шеъримдаги нуқталар.
Ҳайрон бўлманг, ҳар нуқтамдан ўқ садоси келса гар,
Ҳайрон бўлманг, сўз мағзидан аччиқ тутун елса гар.

Кўзларимнинг кўзгусида кўринарди Ватаним,
Бошинг тошдан бўлсин, дерди, мушфиқ волидам маним,
Дайди бир ўқ тешиб ўтди найза тутган қўлимни,
Шеър қолдию шерлар босди гўё ўнгу сўлимни.

Бармоқлардан қон томарди, сиёҳ бўлди иссиқ қон,
Шеър давомин ёзардим мен, ўқ ёғарди беомон,
Узоқлардан келар эди гўё ҳазин нолалар,
Окопимда унардилар юраги қон лолалар.

Абдужаббор ҚАҲҲОРИЙ,
тожик шоири



ЙИГИРМА МИЛЛИОН

Йигирма миллион қавму қардошим,
Сўнмас юлдузлардек кўкка учдилар.
Йигирма миллион кўк юлдузлари,
Порлоқ машъаллардек ерни қучдилар.

Йигирма миллион кўкарган дарахт,
Ўт-олов ичида хазон бўлдилар.
Йигирма миллион қувончли мужда
Тонглар сафҳасини кўрмай ўлдилар.

Йигирма миллион шаҳидлар ҳаққи
Улим чангалидан омон қайтдик биз.
Бировлар жисмини эзар эди ўқ,
Бировлар ногирон, бировлар ожиз.

Йигирма миллион сўнган умидлар,
Йигирма миллион нақшдир нотамом...
Муқаддас бурч эди биз тирикларга,
Шаҳидлар умрини этмак бардавом.

Улар битказмаган уйларни ўйлаб,
Тонг билан саҳарни улардик бетин.
Баландроқ бўларди бизнинг бошимиз,
Шаҳидлар уйлари бўй чўзган сарин.

Замбарак ўқлари экинзорларни
Шудгор қилишарди, босарди қуюн.
Энди омоч билан ерни шудгорлаб,
Биз буғдой экардик етимлар учун.

Етимлар оқибат камол топдилар,
Куёвлик либоси бўлди ярашиқ.
Совчиликка бордик қизлар уйига,
Ёшардик, муродга етганда ошиқ.

Маҳжур оналарга бош эгиб мудом,
Бир имо қилсалар қўлни узатдик.
Фарзанддек тобутин елкага қўйиб,
Энг сўнгги йўлга ҳам бизлар кузатдик...

Йигирма миллион кўк юлдузлари,
Порлоқ машъаллардек ерни қучдилар.
Йигирма миллион қавму қардошим,
Сўнмас юлдуз бўлиб кўкка учдилар.

СУРАТ

Шинелли йиллардан гап очсам агар,
Дўстлар сўрашарлар мендан ҳар сафар:
— Оловли онлардан суратинг бордир?
Кўрсатгин, бўлмаса агар унда сир.

Ана, ҳужум... Найза — ярқ этган чақмоқ,
Шинелнинг этагин ўт ямлар шу чоқ,
Қуёндай борарсан, ёвга шафқат йўқ,
Оҳ, бирдан йиқилдинг, тешиб ўтди ўқ...

Дўстлар, ўт олмасин ҳеч қачон уруш,
Ваҳм босар ҳамон кўрсам агар туш,
Жанггоҳда суратгир кутмасди йўлим,
Юзма-юз турарди қонталаб ўлим.

Жонибек ҚУВНОҚ таржималари

НУРЛИ ХОНАДОН

Совет турмуш тарзи

ФАРОҒАТ ая ўша оқшом «зангори экран»да Чернобиль ташвиши билан боғлиқ кўрсатувни кўрдию, ороми бузилди. Унинг хаёлидан алланималар кечди: «Қаранг, ойнинг ярми ёруғ, ярми қоронғи дегандай, одамзот пайдо бўлибдики, унга ҳам қувонч, ҳам ғам ҳамроҳ. Партия, ҳукуматимиз халқимиз истиқболини ўйлаб, катта режалар тузаётган бир хушвақт пайтда бу ташвиш қаерда турган эди... Қанчадан-қанча оилалар ўзлари туғилиб ўсган, иссиқ жойларини ташлаб, бошқа жойларга кўчишга мажбур бўлишаяпти. У ердаги кичкинтой болажонларни айтмайсизми? Улар ҳам ота-оналари меҳрли бағридан чиқиб, узоқ-узоқлардаги пионер лагерларига, бебаҳо манзилгоҳларга йўл олмоқдалар. Бу айрилиқ вақтинчалик бўлсада, ота-оналари учун ҳам, уларнинг ширин фарзандлари учун ҳам қийин-да. Мана, ўзимдан қиёс. Ҳовлимиз бағрини тўлдириб юрган бир-биридан ширин невара-чевараларнинг бирортасини қандайдир сабаб билан сал кўрмай қолсам, хумори тутади».

Ая шу хил ўй-фикрлар билан анча вақтгача ухлолмади. Оғир уруш йилларида халқимизнинг чеккан азоб-уқубатлари, Тошкент зилзиласи вақтидаги қийинчиликлар унинг кўз олдидан бирма-бир ўтарди. Улуғ оилага уюшган кўпмиллатли халқимиз ёвуз, хавфли душманни ҳам, даҳшатли табиий офатни ҳам бирлик, дўстлик қудрати билан енганлигини эслаб, кўнгли равшан тортди...

Фароғат ая бу кунига ҳар қачонгидан кўра ҳам эрта турди. Ташқарига чиқиб, ҳовли айланди. Осмон мусаффо. Ёқимли, салқин шабада эсиб турарди. У марҳум эри Миромил ота экиб кетган ҳовли тўридаги мевали дарахтларнинг ёнига бориб, уларга бирма-бир тикилди. Умр йўлдошининг шу дарахт кўчатини ўтқазаётганда айтган гаплари ёдига тушди: «Ойиси, бу ниҳолларни фарзандларимизга атаб экаяпман. Улар ҳам омон бўлса, шу кўчатлардек ҳадемай биринкетин бўй чўзиб қолишади. Болаларимиз бозорга чопмасдан ҳовлидаги дарахтлардан ўз қўли билан мева узиб есин дейманда. Мана бу эртаги шафтоли кўчатларини атайлаб экаяпман. Май ойининг охири, нари борса, ёзнинг бошларида ҳосили пишади... Яна-тағин, ойиси, бир гапни уқтириб қўяй. Бола тарбияси — нозик масала. Бизу сиз учун фарзандларимизнинг тўнғичларини тарбиялаб ўстириш нисбатан қийинроқ бўлади. Биринчилари оёққа туриб улғайдими, ўз укаларини етакка олишади, уларни тарбиялашда бизга кўмаклашади. Шунинг учун тўнғичларимизнинг жиловини маҳкам ушлашимиз керак. Бунинг устига, кўпчилиги ўғил болалар. Ўғил бола эса, одатда кўчани жуда хуш кўрадиган бўлади. Фарзандларимизнинг ўқишларига алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яхши замонамизда ўқиган ўзади...».

«Умр йўлдошим жудаям сермулоҳаза, фарзанд тарбияси учун ғамхўр одам эди-да». Фароғат ая шу фикрни кўнглидан ўтказган ҳам эдики, ўғли Шавкат ичкаридан чиқиб келди.

— Қалай, яхши ётиб турдингизми? — у шундай дея онасига юзланди.

— Раҳмат, болам, раҳмат... Айтмоқчи, ишга бироз кечроқ борсанг ҳам бўладими?

— Вақтим бор. Нима эди?

— Телевизордаги кечаги кўрсатувдан кейин бироз ҳаловатим бузилди, — деди маъюс ҳолда Фароғат ая ўғлига маслаҳат соларкан.

— Машинангда Эски Жўвадаги омонат кассага олиб тушсанг. Мен ҳам жамғарилган пенсия пулимдан Чернобилга юборсам...

Шавкат: «Келинг, сиз овора бўлиб юрасизми, ўзим юбора қоламан-да», демоқчи бўлдию, лекин онасининг раъйини қайтаргиси келмади.

Ўша куни она-бола машинада омонат кассага боришди. Кассир қизга бундай ҳисоблатиб кўрса, аянинг пенсияси йиғилавериб жамғармаси анчагина бўлиб қолибди.

— Шавкатжон, ҳалиги тўлдирадиган қоғозини олиб «минг сўм» деб ёз, — деди Фароғат ая қўлидаги омонат дафтарчасини ўғлига узатар экан.



Фароғат ая Миромилова неваралари ва чеваралари даврасида.
А. Жумаев фотоси

— Ойи, жуда ҳотамтойлик қилаяпсиз-ку, — дея жилмайиб тегишли қоғозни тўлдира бошлади Шавкат...

— Ёзавер, ўғлим. Биз давлатимизга бирни берсак, эртага икки қилиб қайтаради... Ҳукуматимизнинг ҳамияти катта...

«Яхши хабарнинг қаноти бор», дейишади. Фарағат аянинг Чернобиль фондига минг сўм ўтказгани яқин қўшниларининг қулоғига ўша куни етди. Кечга яқин одатдагидек кўча бошида йиғилишган қўшнилар Фарағат аяни, умуман, Миркомиловлар оиласини таъриф қилишга тушиб кетдилар:

— Ёрдам фондига минг сўм ўтказибди-я...

— Аянинг пулга, кундалик тирикчиликка муҳтожлиги бўлмаса. Пенсия пули эса яхлитлигича омонат кассага тушаётгандир. Олти нафар нордек ўғилни ўстириб қўйибди. Яна тағин ҳаммаси эътиборли олимлар. Қизи Раънохон эса эл назарига тушган врач.

— Келинларини айтмайсизми. Раънохон, Муҳаббатхон, Гулсарахон ва Марғубахонлар олимликда ҳам эрларимиздан қолишмайлик деб, вақтида илм кетидан қувишган. Тўртталаси ҳам фан кандидати.

— Шифокор келинлари Шоҳидахон билан Гулнорахонлар ҳам шу оилага жуда муносиб-да. Бир ҳовлида тўрт-беш келин туришган вақтларда ҳам овсинларнинг ўртасида бирон марта низо чиққанини, бир-биридан гина-қудурат қилишганини билмаймиз. Ҳаммалари бир-бирларига меҳрибон, аҳил-тотувлик билан иш тутишади.

— Ҳа, яхши келинлар ҳам ўз одоблари, юриш-туришлари билан катта хонадоннинг обрўсига обрў қўшдилар-да...

Қўшниларининг Миркомиловлар оиласини бунчалик таъриф-тавсиф қилишлари бежиз эмас.

Халқ маорифининг ажойиб намояндаларидан бири, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Миромил ота Миркомилов оиласида саккиз фарзанд — икки қиз, олти ўғил дунёга келди. Шундан етти нафари ота-она тарбиясида вояга етди. Ҳали айтганимиздек, Миромил ота ҳам, Фарағат ая ҳам фарзандларининг бахтиёр замонамизга муносиб, билимли ва эътиборли кишилар бўлиб етишишлари учун қўлларидан келган хайрли ишларни қилдилар. Бутун оилавий имкониятларини уларнинг камолотига қаратдилар. Боғча ёшидаёқ болаларининг одобли бўлиб ўсишларига жиддий эътибор беришди, кейин эса уларнинг мактабда ўқишини синчковлик билан кузатиб бордилар. Фарзандларининг самарали билим олишларига эришиш мақсадида улар ўқиётган педагоглар коллективи, синф раҳбарлари билан яқиндан мулоқотда бўлишди. Сўнгра эса, уларнинг олий мактабларда таълим олишлари учун ғамхўрлик қилдилар. Болалар ҳам ота-оналарига муносиб фарзандлар бўлиб етишдилар. Бугун уларнинг ҳаётдаги камолотига, фандаги истеъдодига ҳамманинг ҳаваси келади. Дилшод, Эркин, Шавкат, Шуҳрат Миркомиловлар фан кандидатлари. Тўлқин Миркомилов — техника фанлари доктори, профессор. Кенжа Темур эса инженер-технолог. Ҳаммалари — коммунист сифатида мамлакатимиз бўйлаб давом этаётган қайта қуриш ва жадаллаштириш жараёнининг олдинги сафларида боришга интилмоқдалар.

Ака-ука Миркомиловларнинг илмий фаолиятлари ҳам эътиборга молик. Профессор Тўлқин Миркомилов узоқ йиллар ғўза ва пахта чиқитларидан енгил саноат учун муҳим хом ашё ҳисобланган целлюлозани олиш бўйича тинмай тадқиқотлар олиб борди. У бу соҳада Ленинграддаги Целлюлоза қоғоз саноати технологияси институтининг олимлари билан ҳамкорликда ишлади. Айниқса, олим ўз тадқиқотларида устози, академик Ҳамдам Усмоновнинг илмий хулосаларига таяниб иш тутди. Ёш тадқиқотчи фаннинг бу йўналишида муайян муваффақиятларга эришгач, ишнинг халқ хўжалиги учун муҳимлигини инобатга олиб, укаси Шавкатни ҳам шу соҳага тортди. Улар бир гуруҳ ленинградлик олимлар ҳамда Тошкент чинни заводининг етук мутахассислари билан биргаликда целлюлоза хом ашёсидан енгил саноатда кенг фойдаланиш бўйича илмий-амалий ишлар олиб бордилар. Масалан, тадқиқотчилар чинни идишларнинг таркибига маълум процент целлюлоза ҳосиласини қўшиш билан буларнинг мустаҳкамлигини ва енгиллигини бирмунча ошириш мумкинлигини амалда исбот қилдилар. Профессор Тўлқин Миркомиловнинг иш кабинетида қизил муқовали папкада авайлаб асралаётган йигирмага яқин авторлик гувоҳномаларига кўз югуртирар эканмиз, мамлакатимизнинг асосий пахтачилик базаси бўлган республикамиз шароитида целлюлоза хом ашёларини олиш имкониятлари қанчалик кенг эканлигини яққол тасаввур қилдик. Дарҳақиқат, Тўлқин ва Шавкат Миркомиловнинг ҳамда ленинградлик олимлар О. А. Терентьев, О. И. Шаповалов ва бу ишда ҳамкор бўлган бошқа тадқиқотчиларнинг номларига берилган авторлик гувоҳномаларида қайд этилган илмий-амалий кашфиётларнинг саноат корхоналарида кенг қўлланиши миллион сўмлаб иқтисодий самара келтирмоқда.

Ака-ука Миркомиловлар муттасил илмий изланиб, фаннинг янги уфқлари сари тобора дадил интилмоқдалар. Мана, қўлимизда «Социалистическая индустрия» газетасининг 1986 йил 11 декабрь сони. Унда илмий шарҳловчи В. Лаговскийнинг «Учувчи либкобчалар» изидан» сарлавҳали мақоласи босилган. Мақолада Ленин мукофоти, Нобель мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Фанлар академиясининг академиги А. М. Прохоров раҳбарлик қилаётган Умумий физика институтининг бир гуруҳ олимлари билан Тошкент политехника институтининг «Хлорофилл» илмий тадқиқот лабораториясининг мудири, физика-математика фанлари кандидати Дилшод Миркомиловнинг «АН-30» самолётига ўрнатилган «Чайка» аппарат комплекси воситасида лазер нурлари ёрдамида ер юзаси, деҳқончилик, хусусан, пахтачилик имкониятларини тўлароқ ўрганиш борасида олиб бораётган муҳим илмий тадқиқотларининг тафсилоти баён этилган. Бу тадқиқотнинг дастлабки натижалари XX аср мўъжизаси бўлган лазернинг она сайёрамиз юзасини, унинг бойликларини ўрганишда, деҳқончилик самарасини ошириш имкониятларини аниқлашда қудратли восита эканлигини кўрсатади.

Ҳа, Фарағат аядек меҳри дарё онахон бош бўлган, истеъдодли олимлар ва олималар, шифокорлар уюшган шу нурли хонадонни ҳавас билан зимдан кузатар эканмиз, қатрада қуёш акс этганидек, унинг тимсолида ленинча миллий сиёсат тўла тантана қилган бахтиёр диёримизнинг бугунги камолотини кўргандек бўламиз.

Шомурод СИДДИҚОВ



НАҲАНГЛАР ФОЖИАСИ

Кўрфазда кемалар кўринмасди, биргина яхта — чоғроқ кема қирғоққа яқин жойда сузиб борарди. Тўсатдан кимдир: «Наҳанглар», деб қичқириб юборди. Кемадагилар қирғоқ томон шиддат билан сузаётган йирик қорамтир шарпалардан кўз узолмай қолдилар. Улар жуда кўп эди. Наҳанглар ўзларини қирғоққа отардилар...

Уэстрей ороли бекат назоратчиси Эндрю Макаллистер ўз одатича кўрфаз қирғоқларини назардан кечирди.

Тўлқинлар қирғоққа оҳиста уриларди, денгиз осойишта нафас оларди. Эндрю кузатув бекати минорасига яқин қолганида қирғоқда денгиз ҳайвонларига кўзи тушди. «Ахир, булар наҳанглар-ку», дея ажабланди у. Шу пайт бир наҳанг боласи ҳам ўзини қирғоққа отди. Бу ерда ҳалок бўлаётган китларнинг ҳудди одам хўрсинигига ўхшаш инграган овозлари эшитилиб турарди. Улар қирқтадан зиёд эди. Эндрю ўзига келтирмоқда.

Ака-ука Миркомиловлар муттасил илмий изланиб, фаннинг янги уфқлари сари тобора дадил интилмоқдалар. Мана, қўлимизда «Социалистическая индустрия» газетасининг 1986 йил 11 декабрь сони. Унда илмий шарҳловчи В. Лаговскийнинг «Учувчи либкобчалар» изидан» сарлавҳали мақоласи босилган. Мақолада Ленин мукофоти, Нобель мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Фанлар академиясининг академиги А. М. Прохоров раҳбарлик қилаётган Умумий физика институтининг бир гуруҳ олимлари билан Тошкент политехника институтининг «Хлорофилл» илмий тадқиқот лабораториясининг мудири, физика-математика фанлари кандидати Дилшод Миркомиловнинг «АН-30» самолётига ўрнатилган «Чайка» аппарат комплекси воситасида лазер нурлари ёрдамида ер юзаси, деҳқончилик, хусусан, пахтачилик имкониятларини тўлароқ ўрганиш борасида олиб бораётган муҳим илмий тадқиқотларининг тафсилоти баён этилган. Бу тадқиқотнинг дастлабки натижалари XX аср мўъжизаси бўлган лазернинг она сайёрамиз юзасини, унинг бойликларини ўрганишда, деҳқончилик самарасини ошириш имкониятларини аниқлашда қудратли восита эканлигини кўрсатади.

Ҳа, Фарағат аядек меҳри дарё онахон бош бўлган, истеъдодли олимлар ва олималар, шифокорлар уюшган шу нурли хонадонни ҳавас билан зимдан кузатар эканмиз, қатрада қуёш акс этганидек, унинг тимсолида ленинча миллий сиёсат тўла тантана қилган бахтиёр диёримизнинг бугунги камолотини кўргандек бўламиз.

Шомурод СИДДИҚОВ

Тўлқинлар қирғоққа оҳиста уриларди, денгиз осойишта нафас оларди. Эндрю кузатув бекати минорасига яқин қолганида қирғоқда денгиз ҳайвонларига кўзи тушди. «Ахир, булар наҳанглар-ку», дея ажабланди у. Шу пайт бир наҳанг боласи ҳам ўзини қирғоққа отди. Бу ерда ҳалок бўлаётган китларнинг ҳудди одам хўрсинигига ўхшаш инграган овозлари эшитилиб турарди. Улар қирқтадан зиёд эди. Эндрю ўзига келтирмоқда.

Ака-ука Миркомиловлар муттасил илмий изланиб, фаннинг янги уфқлари сари тобора дадил интилмоқдалар. Мана, қўлимизда «Социалистическая индустрия» газетасининг 1986 йил 11 декабрь сони. Унда илмий шарҳловчи В. Лаговскийнинг «Учувчи либкобчалар» изидан» сарлавҳали мақоласи босилган. Мақолада Ленин мукофоти, Нобель мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Фанлар академиясининг академиги А. М. Прохоров раҳбарлик қилаётган Умумий физика институтининг бир гуруҳ олимлари билан Тошкент политехника институтининг «Хлорофилл» илмий тадқиқот лабораториясининг мудири, физика-математика фанлари кандидати Дилшод Миркомиловнинг «АН-30» самолётига ўрнатилган «Чайка» аппарат комплекси воситасида лазер нурлари ёрдамида ер юзаси, деҳқончилик, хусусан, пахтачилик имкониятларини тўлароқ ўрганиш борасида олиб бораётган муҳим илмий тадқиқотларининг тафсилоти баён этилган. Бу тадқиқотнинг дастлабки натижалари XX аср мўъжизаси бўлган лазернинг она сайёрамиз юзасини, унинг бойликларини ўрганишда, деҳқончилик самарасини ошириш имкониятларини аниқлашда қудратли восита эканлигини кўрсатади.

Ҳа, Фарағат аядек меҳри дарё онахон бош бўлган, истеъдодли олимлар ва олималар, шифокорлар уюшган шу нурли хонадонни ҳавас билан зимдан кузатар эканмиз, қатрада қуёш акс этганидек, унинг тимсолида ленинча миллий сиёсат тўла тантана қилган бахтиёр диёримизнинг бугунги камолотини кўргандек бўламиз.

Шомурод СИДДИҚОВ

Мутахассис маслаҳати

САБЗИНИНГ ХОСИЯТИ

Сабзи таркибида инсон организмини А витамини билан таъминлайдиган каротин моддасининг катта миқдори мавжуддир. Организмни А витаминига тўйинтириш учун инсон суткасига 30—50 грамм сабзи истеъмол қилиши кифоя. Унинг ёғда эриб кетишини ҳисобга олиб, сабзили таомларни сариёғ ёки ўсимлик ёғида тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, А витамини болаларнинг соғлом ўсишида катта аҳамиятга эга. Шунингдек, сабзи кўриш қуввати паст, А витамини етишмаслигидан озор чекаётган беморларга кўпроқ тавсия этилади. Сабзи таркибида темир моддасининг, кобальт тузининг бисёрлиги қонда қизил қон таначалари кўпайишини таъминлайди. Мутахассисларнинг фикрича, сабзи калий тузига ҳам бой манба ҳисобланади. Демак, шифокорларнинг юрак қон-томир касали билан оғриганларга кўпроқ сабзи истеъмоли тавсия қилиши бежиз эмас. Шифокор олим И. И. Мечников ошқозонда ҳазм ширалларини ҳосил қилишда сабзининг ёрдами катта эканлигини таъкидлаган эди. Ҳақиқатан, у ич суриш хусусиятига ҳам эгадир.

Ҳомиладор ва эмизикли оналар айниқса сабзи истеъмол қилишдан ўзларини тиймаслиги керак. Чунки у сут безларининг ривожланишини тезлаштирадиган табиий дори ҳамдир.

Сабзининг энг муҳим, инсон саломатлиги учун кони фойда хусусиятларидан яна бири организмдан холестерин моддасини ҳайдаб чиқариш ва шу йўл билан хотиранинг равшан бўлишини таъминлашидир. Аммо, шуни назарда тутиш керакки, сабзи меъёридан ошиқ истеъмол қилинса, ошқозон-ичак йўлларининг шиллиқ пардаларини безовталантириши ҳам мумкин.

Сабзили таомларни қуйидагича тайёрлаш мумкин:

Сабзи димлама:

Тозалаб ювилган сабзи кубик қилиб ёки бўлакчаларга бўлиб тўғралади. Сўнгра қозончага солиниб, озроқ миқдорда қайноқ сув, сариёғ, қанд, туз билан обитобига келтирилади ва димлаб пиширилади. Масаллиқ тайёр бўлгач, устига сариёғ эритилган қайноқ сут, ун солиб қориб, қайнатиб олинади.

500 грамм сабзига: 1,5 стакан сут, 6 чой қошиқ сариёғ, шунча ун, таъбга қараб туз ва қанд ишлатилади.

Сабзили салат:

Йирикроқ-йирикроқ қилиб қиртишланган сабзи, қирилган олма, майиз, туз, қанд ва суйилтирилган қаймоқ билан қориштирилади. Ўртача катталикдаги иккита сабзига: битта олма, чорак стакан майиз, икки, уч ошқошиқ қаймоқ, туз ва қанд солинади.

Қаймоқли сабзи шарбати:

Қирилган сабзи қайнатиб совитилган сув билан аралаштирилиб, ҳосил бўлган масаллиқ докадан сузиб олинади ва қаймоқ қўшилади.

150 грамм сабзига: 50 грамм суйилтирилган қаймоқ, 25 грамм сув солиш кифоя.

В. АЙРОПЕТЯН,
врач

БЕДОРЛИК

Кўпчилик замондошларимиз тунгача ором билишмайди: супир-сидир, бичиш-тикиш, «зангори экран»га тикилиб ўтириш, мукка тушиб китоб ўқиш... Сўнгра, узоқ вақт ухлаёлмасликлардан нолиб юришади. Уйқусизлик кишининг ташқи кўринишига салбий таъсир кўрсатибгина қолмай, унинг меҳнат қобилиятини ҳам сусайтиради. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, энг яхши уйқу тун ярмигача кечадигани. Бунинг учун мириқиб ором оламан деган киши кеч соат ўн-ўн яримдан кечикмасдан тўшакка ётиши лозим.

Ором олиб ухлаш учун мутахассислар қуйидагиларга амал қилишни маслаҳат берадилар:

— ётоқхонанинг деразаси очиқ ёки хона уйқу олдидан шамоллатиб олинган бўлиши керак;

— ётиш олдидан ёғли, ҳазми оғир таомларни танаввул қилмаслик;

— уйқу олдидан таъсирли адабиётларни ўқимаслик, телекўрсатувларни кўрмаслик;


— қаттиқ болишларни қўймаслик;

— бедорликка дучор бўлган киши ҳар қандай уйқу дориларга ружу қўймаслиги керак. Акс ҳолда уларга бутунлай кўникиб қолиши ва оқибатда саломатлигига путур етиши мумкин. Бундай ҳолларда, яхшиси, бир стакан илитилган сутга бир ошқошиқ асал ёки 40 томчи валериан эритмасидан томизиб ичиш фойдалидир.

Қулмоқ (хмель) чой ҳам уйқу дориси ўрнини босади: бир ярим ош қошиқ қулмоқ талқонини бир стакан қайноқ сувга солиб, беш минут дам бергач, сузиб оласизда, нимтатир ширин қилиб ичасиз.

Ухлаш олдидан тоза ҳавода ярим соатча юриб келсангиз ҳам айни муддао.

С. АБРАМОВ,
медицина фанлари кандидати



Тўрткўлдаги 115-автокорхонанинг энг яхши слесарларидан бири Райимбой Матризоев.

А. Жданов фотоси

АЖОЙИБОТ ҒАРОЙИБОТ

Энг бўйчан одамлар

Бўйчанликда покистонлик ўттиз икки яшар Муҳаммад Аълам Тханнинг олдига тушадиган киши топилмаса керак. Унинг бўйи 2 метру 50 сантиметр. Хитойликлар — дунёда энг бўйи паст кишилар деган гапларни эса Сан Туян Лин шубҳа остига қўйиши мумкин. 22 ёшли бу қизнинг бўйи 2 метру 42 сантиметрга етди. Фақат хотин-қизлар орасидагина эмас, балки эркаклар ичида ҳам бу — Хитойда ўзига хос рекорд ҳисобланади.

Истеъдодли болакай

Ота-оналари Хе Няни боғчага беришга аҳд қилганларида болакай бу қарорни... китоб ўқиш учун вақт қолмайди, деган баҳона билан қатъиян рад этди. Бу бола икки ярим ёшидаёқ отаси ва онасининг ёрдамида мингдан зиёд мураккаб иероглиф белгисини ва 50 та инглиз сўзини ўрганиб олди. Хе Няи ўн бир ойлик гўдак чоғидаёқ харитадан 37 мамлакатни аниқ кўрсатиб бера олар, тез орада эса, бирмунча мураккаб шеърларни ёддан айтар ва ҳикоялар сўзлар эди. Китоб мутолааси истеъдодли боланинг бундан кейинги севимли машғулоти бўлиб қолди.



«ГЕНЕРАЛЛАР, ОГОҲ БЎЛИНГ: МУҲАББАТ БОҚИЙ!»

Габриэль Гарсиа МАРКЕС,
Колумбия ёзувчиси, Нобель
мукофоти лауреати

Габриэль Гарсиа Маркеснинг «Мигель Литтин Одиссеяси ёхуд ватан билан яширин дийдорлашув» репортаж-қиссаси аслида фильм қандай яратилгани ҳақида ҳикоя қилади. Фильм 12 йиллик айриликдан сўнг бошқа кишининг паспорти билан Чилига кириб борган сиёсий муҳожир — таниқли кинорежиссёр Мигель Литтин томонидан суратга олинган. У ўз ватанининг қадимий йўлларидан босиб ўтади, буюк шоир Пабло Неруданинг хонадонига ҳам ташриф буюради... «Чилининг умумий декларацияси» деб номланган ушбу фильм қатор халқаро кинофестивалларнинг совриндори бўлди.

Қуйида Маркеснинг репортаж-қиссасидан буюк шоир хотирасига тааллуқли қисмини бироз қисқартирилган ҳолда эълон қиламиз.

* * *

...Янги авлод руҳида яшашда давом этаётган бошқа бир шахс Пабло Неруданинг номи ҳамда унинг денгиз бўйида жойлашган Исла-Неградаги хонадони билан чамбарчас боғлиқ. Шоир яшаган уй — ер юзининг ҳамма бурчакларидан келаётган севишганларнинг зиёратгоҳ масканига айланган. Биз Франки билан бирликда суратга олиш режасини белгиламоқ учун у ерга кириб ўтдик. Хонадонни қўриқлаб турган қуролли киши шоирнинг шеърларида тилга олинган кўприк, қаҳвахона ва бошқа диққатга сазовор жойлар қаерда эканлигини мароқ билан сўзлаб берган бўлсада, хонадоннинг ичига кириш тақиқланганлигидан бизни огоҳлантирди.

Неруданинг хонадонига соқчилардай саф тортган қарағайлар қуюқ соя ташлаб турарди. Шоир ўзининг шахсий ҳаёти кечадиган жой атрофини деярли бир метр баландликда ёғоч панжаралар билан ўраган эди. Эндиликда ёғоч панжараларни турли-туман гуллар чирмаб олган. Тахтачадаги ёзувдан маълум бўлишича, хонадон полиция томонидан муҳрлаб ташланган, у ерга кириш ва суратга олиш ман этилган. Ҳар куни хонадон атрофини мунтазам суратда кузатиб юрадиган қуролли киши янада аниқроқ қилиб: «Бу ерда ҳамма нарса тақиқланган», деди. Буни биз аввалдан яхши билганимиз учун италиялик операторлар группаси билан тил бириктириб, кинога тушириш учун махсус равишда икки хил аппарат олиб олган эдик: бири оғир, кўзга тез ташланадиган бўлиб, назаримизда, соқчилар уни биздан тортиб олишига мўлжалланган, иккинчиси эса, енгил ва қулай бўлиб, бегона кўздан яширишга ўнғай эди. Кассета тўлиши билан уни тезликда Сантьягога жўнатиш йўриғини ўйлаб, суратга олиш группаси учта енгил машинада келди. Шундай қилиб, қўққисдан қўлга тушиб қолган тақдиримизда ҳам суратга олган нарсаларимиздан фақат бир қисминигина йўқотишимиз мумкин эди, холос. Группа аъзолари мен билан ўзларини нотаниш кишилардай тутишлари; биз эса, Франки билан иккимиз беозор туристлар қиёфасида йўл тутишимиз керак эди.

Хонадон эшиклари ичкаридан тамбаланган, деразаларга оқ пардалар туширилган, байроқ илинадиган даста қуруқ эди, чунки байроқ шоир тириклигида унинг уйда эканлигидан огоҳ этиб тургуси эди. Бизнинг бу ерга келишимиздан бироз аввалроқ вафот этган шоирнинг рафиқаси Матильда ҳарбий тўнтариш содир бўлганидан кейин уй жиҳозлари, китоблар, Пабло бутун умри давомида йиққан, инсон қўллари ва тафаккури билан яратилган ҳамма нарсаларни бу ердан олиб чиқиб кетган эди. Кўринишдан жуда оддий туюлган ана шу нарсалар шоирнинг юксак услуби қудратидан гўё далолат эди. Неруданинг нарсалар табиати моҳиятини англашга бўлган бетиним интилиши унинг шоир сифатидаги маҳоратидагина эмас, балки ажабтовур денгиз чиғаноқлари, баҳайбат капалаклар, ғаройиб шиша идишларни йиғишга бўлган иштиёқида ҳам сезилиб турарди.

Ҳақиқатан эса, Сантьягонинг Маркес-де-ла-Плата кўчасидаги уй унинг асосий истиқоматгоҳи эди. Ҳарбий тўнтариш содир бўлганидан бир неча кун кейин уни кўпдан буён қийнаб келмоқда бўлган оққон касаллиги натижасида ҳамда унинг китобларидан шу ернинг ўзидаги боғда раҳмсизларча гулхан ёқилгани туфайли руҳан тушкунлик оқибатида шоир ана шу хонадонда жон берди...

Бироқ мухлислар шоир шеърияти тафтини айнан Исла-Неградаги хонадонидан айру тасаввур этмайдилар. Ҳатто шоир ўлимидан кейин ҳам ва ҳатто хонадоннинг ҳозирги мунгли, ҳазин ҳолатида ҳам севишганларнинг янги-янги авлоди ана шу ерга ошиқадилар. Ҳолбуки уларнинг энг тўнғичи ҳам шоир вафот этган пайтда саккиз ёшдан зиёд эмас эди. Улар хонадонга киришга тўсиқ бўлиб турган ёғоч панжараларга юрак расмини чизиб, ўзларининг исм-шарифларини ёзиб қолдириш ва дил изҳорини баён этиш учун дунёнинг турли бурчакларидан бу ерга келадилар. Кўплаб ёзувлар шаклан турлича бўлса-да, уларнинг мазмуни бир хил: «Хуан ва Роса бир-бирини севиб қолгани учун Паблодан миннатдор», «Раҳмат, Пабло, сен бизни севишга ўргатдинг», «Биз сендан севишни ўргандик». Лекин шундай ёзувлар ҳам борки, уларнинг қандай пайдо бўлганлигини бу ерда доимо изғиб юрган қуролли кишиларнинг ўзи ҳам билишдан ожиз ҳамда уларни ўчириб ташлашга ҳамиша ҳам улгуравермайдилар: «Генераллар, огоҳ бўлинг: муҳаббат боқий!», «Альенде ва Неруда ҳамиша тирик!», «Зулмат сонияси бизни кўр қилиб қўйишдан ожиз!» Бир қанча ёзувлар жой етишмаганлигидан бир-бирининг устига қалашиб кетган.

Етарлича сабр-тоқати бўлган киши севишганларнинг ёғоч панжараларга битган ёзувини ўрнини ўрнига қўйса, Неруданинг бутун-бутун поэмалари шундоққина яхлит ҳолда намоён бўлиши аниқ...

Очиғини айтганда, хавфсираганимиз беҳуда бўлиб чиқди — суратга олиш камераларимизга ҳеч ким тажовуз қилмади ва ҳеч ким ишимизга ҳам халал бермади, чунки қуролли кишилар тушликка чиқиб кетган эдилар. Биз режалаштирганимиздан кўра кўпроқ нарсаларни суратга олдик. Оператор Уго қулай вазиятдан сармаст кишидай, қирғоқ қоятошларига ваҳшат билан урилаётган денгиз тўлқинларига белигача тушиб олган бир ҳолатда суратга олишдан тинмасди. Унинг ҳаёти хавф-хатар ичида эди, зеро, денгизнинг бетизгин тўлқинлари уни ҳар нафас харсангларга уриб чилпарчин қилиши тайин эди. Лекин Угони энди ҳеч қандай куч тўхтатиб қололмасди. У худди телба бир ҳолатда камерага жаҳд билан ёпишиб олган кўйи кўзига учраган нимаики нарса бўлса, барини очофатлик билан пайдар-пай суратга олишда давом этарди. Кино оламининг ички ҳаёти билан бироз бўлса-да таниш киши жуда яхши биладики, ўта ҳаяжон оғушида ишга киришиб кетган операторни чалғитиш тугул, уни умуман бошқариш амримаҳол.



Пабло Неруда

НОЗАНИН

Бухоро шаҳар Акмал Икромов номидаги маданият уйи қошида ташкил этилган халқ-этнографик ансамблининг номи ана шундай. Ансамбль аъзолари чилдирманинг шўх бадабанги остида авж билан қўшиқ айтиб саҳнага чиқиб келишар экан, ўзингизни томоша залида ўтирганингизни унутасиз. Атрофга қийғос гуллаган ўрик гулларининг ҳуш бўйи, кўклам нафаси уфураётгандай, қалбингизда рақс байрами бошланиб кетгандай. Қўшиқ, рақс борлиқни завқу шавқ, субҳидам қуёшининг заррин нурлари билан чирмайди, дилингизнинг қатқатига яширинган нозик-нафис ҳис-туйғуларингизни ошкор қилишга, даврага тушиб келган юлдузлар сафига қўшилиб кетишга, муҳаббатнинг қудратли кучига бўйсунишга, унинг ёғдуларига чулғанишга даъват этади.

Омон-омона бўлди, эй ёр,
Бахтли замона бўлди, эй ёр.

Гўё тўлиб-тошиб оқаётган асов дарё сизни ўз оғушига олади. Энди инон-ихтиёрингиз унинг сермавж тўлқинлари измида.

«Бу санъатни халқ қандай яратди, бағрига қандай сиғдиролди, асрлар бўйи кўкрагининг қайси бир бурчида бўрон-тўфонларга балогардон бўлиб, кўзининг қорачиғлари янглиғ асраб-авайлаб келди?!» Дилингиздан кечаётган бу фикрларни ҳис қилиб тургандай хонандалар қўшиқни, қайроқларнинг шиқир-шиқири, қўнғироқчалар шодасининг жаранг-журунгини яна бир неча парда ошира борадилар...

Ўзбекистон телевидениеси ансамбль иштирокчиларини икки марта «Зангори экран»га олиб чиқди. Студияга ёғилиб келаётган мактублар «Нозанин»нинг чиқиши кўпчиликка маъқул бўлганини кўрсатмоқда. Бунга сабаб ансамбль аъзоларининг Бухоро рақсларини шўх шох ташлашларию боши ерга теккунча эгилиб айланиб, нозу истиғнолари билан — айнан халқ орасида ижро этиб келинган услубда томошабинлар ҳузурига олиб чиқишлари бўлди.

— Бундан тўрт йил аввал «Зангори экран»да «Гулёр» ансамблининг чиқишларини кўриб қолдим,— деб ҳикоя қилади ансамблнинг бадиий раҳбари Туҳфа Пинхасова.— Ва беихтиёр: «Биз ҳам шундай халқ-этнографик ансамбли тузсак бўлмасмикан?» — дея ўйлаб қолдим. Эртаси куни тўй-ҳашамларимизга файз киритиб юрган раққосаларимиз, қизиқчи аёлларимиз, қўни-қўшниларимизнинг хонадонларида бўлиб, таклифимни айтдим. Фикримиз бир ердан чиқиб, биргаликда шаҳар маданият уйига йўл олдик. Аммо у ердан: «Майли, ҳаракат қилиб кўринглар, аммо биз моддий жиҳатдан ҳеч қандай ёрдам бера олмаймиз», деган жавобни олдик. Маҳаллалардаги кекса онахонлардан сўраб-суриштириб, бир неча қадимий либосларни топдик ва уларни, ўрни келганда олиб фойдаланиш шарти билан, область Ўлкани ўрганиш музейи ихтиёрига топширдик. Чилдирма, занг, қўнғироқларни ҳам санъат шайдоси бўлган ҳамшаҳарларимизнинг ўзлари топиб беришди. Одамларимизнинг қўшиқ ва рақсларга шинавандалиги бизни руҳлантириб юборди. Уларнинг ишончини оқлаш ниятида барча икир-чикир юмушларимизни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, ишга шўнғиб кетдик. Ешликдан хотирамизга чуқур ўрнашиб қолган рақсларни қайта саҳналаштирдик. Кунлар, ойлар ўтгани сайин репертуаримиз бойиб, қизиқарли бўлиб бораверди...

Бугун Туҳфа опанинг ҳамда ансамблнинг ташкил топишида озми-кўпми ҳиссаси қўшилганларнинг юзларида табассум. Бўлмаса-чи? Бир пайтлар бундай ансамбль тузиш улар учун орзу эди, холос. Эндиликда у бор, бор бўлибгина қолмай, бутун республикага танилмоқда. 1983 йили ансамбль аъзолари мусиқачиларнинг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро симпозиумида қатнашиб, юқори баҳо олдилар. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари IX Халқаро кинофестивали кунлари кино намояндаларига концерт қўйиб бердилар. Шу концертдан кейин ҳиндистонлик машҳур актёрлар — Раж Капурлар оиласига мансуб санъаткорлар даврасида тушган рангли фотосуратлари «Огонёк» журналининг 1986 йил, июль сонида босилиб чиқди. 1985 йили эса ЮНЕСКОнинг ташаббуси билан қадимий шаҳар Новгородда ўтказилган фольклоршуносларнинг Бутуниттифоқ симпозиумида иштирок этиб, Фахрий ёрлиқ билан тақдирландилар. 1986 йил 23—24 декабрь кунлари КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорлари асосида Ўзбекистонда фольклор санъатини ривожлантириш масалаларига бағишланиб ўтказилган республика илмий-амалий конференцияси кунлари «Баҳор» концерт залида ўз репертуарларини намойиш этиб, жамоатчиликнинг олқишига сазовор бўлдилар.

Ансамбль турли ёшдаги ва хилма-хил касбдаги 30 га яқин хотин-қизни бирлаштирган. Айниқса, коллективнинг ёш солисти Санобар Султонова ижро этадиган «Қайроқ навоси» рақсида бухороча услуб, қадимий санъатнинг ўз даврига хос хусусиятлари кўзга ташланиб турадики, у қайроқларини қарсиллатиб, саҳнага чиқиб келганида томошабин ўтирган ерида унга жўр бўлмай иложи қолмайди. «Нозанин» репертуаридаги «Шашмақом», «Қайроқ уфориси», «Мақом уфориси», «Хона базми уфори», «Занғбози», «Марзонак», «Мавриги», «Мўйлабим», «Ёрим келур» каби қўшиқ ва рақслар ҳам ана шундай серзавққи, бир кўришдаёқ тингловчи-томошабин қалбига ўрнашади. Бухороча зарб усулларини пухта эгаллаган 73 ёшли Хано Ёқубова ва унинг шогирдлари Зебохон Ниёзова, Мира Юсупова, Берта Муллақандованинг чилдирмада чаладиган ўйноқи, шўх чертма куйлари ҳам ўзига хос жозибали.

Санъатингизнинг авжи сусаймасин, «Нозанин» ансамбли аъзолари!

Саодат ИЎЛДОШЕВА,
филология фанлари кандидати

Бухоро — Тошкент

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

Мўъжизани сақлаб қолиш йўлида

Тожмаҳал — жаҳон меъморчилигининг оқ мармар қопланган ноёб дурдонаси — Ҳиндистонда сайёҳлар зиёрат қиладиган энг машҳур ёдгорликлардан ҳисобланади. Бу ерга ҳар куни минглаб кишилар унинг гўзаллигидан баҳраманд бўлгани келишади. Аграда аҳолининг, саноат марказларининг кўпайиши натижасида (у ерда миллионга яқин аҳоли яшайди) ёдгорликнинг нафис қатламли шаҳар муҳитининг ифлосланишидан емирилмоқда.

Ҳиндистон ҳукумати ва маҳаллий ҳокимият идоралари бу ноёб ёдгорликни сақлаб қолиш ниятида қатор тадбирлар ишлаб чиқдилар. Ҳозирда Тожмаҳал атрофида дов-дарахтлар ўстирилиб, яшил майдонча ҳосил қилинган, автобус ва юк машиналарининг юриши таъқикланган.

РИМЛИКЛАРНИНГ ҚАДИМИЙ ИЗЛАРИ

Испаниядаги газеталар археологларнинг ўтган йилдаги ютуқлари ҳақида ёзишмоқда. Йилнинг энг ноёб топилмаси деб Малахиядан унча узоқ бўлмаган Антекерадаги қадимги қабрдан топилган гранит тобутни ва унинг ёнида яхши сақланган, пишиқ гиштдан қурилган уйни кўрсатишмоқда. Олимларнинг фикрича, бу уй римлик мулкдорлардан бирига қарашли экан.

Барселона марказини кавлаётган экскаваторнинг ковши остида қадимий ҳавза зиналари кўзга ташланиб қолди. Лугода қошинли ибодатхона полининг яхши сақланиб қолган бир бўлаги топилди, унда римликларнинг анъанавий кийимини кийган киши тасвирланган.

Бу топилма эрамиздан аввалги 31-йилга тааллуқли деб тахмин қилинмоқда.

БАЛИҚДАН ШОКОЛАД

Қани айтинг-чи, балиқдан шоколад қилиш мумкинми? Япониялик қандолатчилар мумкин, дейишмоқда, улар денгиз тортиғидан турли хил таомлар тайёрлашнинг ғаройиб йўлини топишди. Ҳатто медузаларнинг айрим турларидан хушхўр, ширин таомлар ҳам тайёрлаш мумкин. Айниқса кейинги вақтларда «маринбиф» — «денгиз гўшти»га талаб ошиб бормоқда. Уни тозаланган балиқни қуритиш йўли билан тайёрланади. Магазиндан сотиб олинган 200 граммлик донадор «денгиз гўшти» пакетдан олиб сувга солинади, доналар шишиб, ҳажми 5 баробарга кўпаяди ва оғирлиги ортади. «Денгиз гўшти»ни қиймалагичдан ўтказилган мол гўштидан ажратиш қийин бўлади.



«НОЗАНИН» АНСАМБЛИ.



Олдинги қаторда: ансамблнинг бадиий раҳбари Туҳфахон Пинхасова ҳамда Олия Ҳасанова.

А. Мирзажонов фотолари



Осмон маликалари.

А. Ванштейн фотоси




И. ГАРВАРДТ. КУЗГИ ҲОСИЛ.



О. БАКИРОВ. КПСС XXVII СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТИ, АНДИЖОНЛИК ПИЛЛАКОР ҲАВИБАХОН ИБРОҲИМОВА



Еш боғбонлар.



Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, ВАСХНИЛ академиги Маҳмуд МИРЗАЕВ узумнинг тез пишар нави ёнида.

А. Киршин фотоси

Р. Шредер номидаги Тошкент ишлаб чиқариш бирлашмаси республикамиздаги кўзга кўринган илмий марказлардан биридир.



Гуллар бўлимида: бирлашманинг Жиззахдаги филиали ходимлари Ҳамид Абдунабиев ва Зумрад Норова.




Баҳорги ишлар.

М. Пенсон фотолари



Афросиёб манзаралари. (VII аср). (Деворий суратдан парча).



Назира ЙЎЛДОШЕВА

АФРОСИЁБ

Ўзбекистон, кечмишинг Афросиёбинг айтар,
Не қойим-қиёматни келдинг бошдан кечириб.
Бўлганин шаҳарларинг жасадга тўлган пайтлар,
Қабристонни кўксингга қўйганларни кўчириб.
Уруш, қирғин дастидан осмон ёна, ер ёна,
Афсонавий шаҳардан қолмиш кўз ёш, вайрона.

Ер кўмган гўдакларнинг юзларидир бу лола,
Неча асрки, бунда кўклам йиғлайди юм-юм.
Ҳар сиқим тупроқ ости сўнгсиз фарёду нола,
Тепалармас тош қотган — ҳасратдир уюм-уюм.
Бу заминнинг қат-қати асли олмас, қизил қон,
Шамоллар мунгли куйлаб атрофда кезар гирён.

Афросиёбдай шаҳар ер юзида гуллаган,
Боғи Эрам шу дея яшаган дунё қадим.
Етти қитъа баравар карвонларин йўллаган,
Етти қитъа одами унга боқиб қолган жим:
Кузатаркан, бу элнинг қалб уришин қилган ҳис,
Юлдузлар туркумига қараб қурган муҳандис.

Баҳорнинг бўйидан маст кукуларкан қумрилар,
Қайга борма қаршингдан чиқар товус, қирғовул.
Одамлар рози бўлиб ўтаётган умридан,
Хурмозор'лар билмаган нима эканин довул,
Тавсифига сўз йўқ-ди беҳи, нашвати ҳуснин,
Хулласи, Афросиёб эслатарди беҳиштни.

«Қўрғошин ариғи»дан сув оқаркан тошқиниб,
Тилла балиқлар тўла сарҳовузлар бор эди.
Адирларда гул-чечак очиларкан шошқиниб,
Чеҳраларда офтобу дилларда баҳор эди.
Биноларнинг нақшидан кетарди кўзлар тиниб,
Илм, санъат аҳллари тарк этганди уйқуни.

Қутайба-ю чингизлар босқинидан бўлди кул,
Товус, қумрилар ўрнин каргас,[2] бойўғли олди.
Иншоотлар ер билан яксон этилди буткул,
Кўшку миноралардан совуқ хароба қолди.
Бизга етиб келгани мана шу сирли сурат,
Халқ уни девор бўлиб тўсмоққа топмиш журъат.


Шундан буён бу асар абад келмоқда ўлмай,
Асрларнинг қаъридан боқади бизга сирли.
О, аждодим, сен уни чизding неларни ўйлаб,
Бўлиб қолдим мен тамом рангларингнинг асири.
Афросиёб — обида — ёшга тўлдирдинг кўзни:
«Тинчлик учун курашга бағишла,— дея, — ўзни!»

Уруш фожиасини бу тошлар йиғлар айтиб...

---

[1] Газетада олимларнинг тадқиқотлари натижасида Афросиёб ва Қизилқумнинг баъзи қисмларида эрамизнинг бошларида хурмозорлар бўлганлиги ҳақида хабар берилди.

[2] Каргас — ўликлар билан овқатланадиган ҳайвон.



Иштихон районидаги «Муродобод» колхози далаларига чигит қадалмоқда.
Р. Ғафуров фотоси (ЎзТАГ)

Ажойиботдан ғаройиб

Мушуклар оролчаси

Бир гуруҳ ҳинд олимлари Ҳинд океанидаги одамзот яшамайдиган оролчанинг сирли жумбоғини ҳал этишга қизиқиб қолдилар. Гап шундаки, оролчада фақатгина... мушуклар яшайди.

Маълум бўлишича, 1890 йилда катта бир қайиқ оролга яқин сувости қоя тошларига уриlиб, чилпарчин бўлади. Қутулиб қолган экипаж аъзоларини юқумли касаллик нобуд қилади. Шунга қарамасдан, тирик қолган мушуклар бу ернинг шароитига кўникиб, ҳатто кўпая бошлайдилар. Ана шу мушукларнинг минглаб зурриётлари ҳозирги пайтда оролчанинг ягона хўжайини бўлиб, асосан денгиз кирписи ва балиқ билан озиқланадилар.

Ғаройиб топилма

Хитой Халқ Республикасининг Гуандун вилоятида археологик қазилма пайтида улкан қўйнинг суяги топилди. Қўйнинг катталиги хўкиздек бўлган. Унинг муз даврigача яшаганлиги аниқланди.

Тезюрар лифт

Токиодаги 60 қаватли осмонўпар бинода дунёдаги энг тезюрар лифт ишлаб турибди. У соатига 36 километр тезликда кўтарилиб тушади. Лифтнинг тезлигини бундан оширишнинг иложи бўлмаса керак. Негаки, тезлик ҳаракатидан, лифтдаги ҳаво босимидан пассажирлар қандайдир оғриқ аломатларини сезадилар.

Ғалати ахборот

1977 йилда Нью-Йорк шаҳрида кишиларнинг 27 минг 712 марта қопилгани қайд қилинган. Шундан: 22 минг 76 марта ит, 1 минг 152 марта мушук, 892 марта одам одамни, 548 марта каламушсимон кемирувчилар, 40 марта қуён, уч марта шер, бир марта эса чумолихўр тишлаган.

1984 йилги маълумот унча тўлақонли эмас: кишиларни ит 10 минг 659 марта, одам одамни 1 минг 593 марта тишлаган.

ЕТТИ ҲУЗУР-ҲАЛОВАТ ВА ҚИРҚ РАНЖУ АЛАМ

РОМАНДАН ПАРЧА

Темур ПЎЛАТОВ,
Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати

УБУТУН ўтган йиллар мобайнида ўзининг ҳаётида нимадир содир бўлганини, ўша нимадир онг-шуурини силаб-сийпаб ўтганини тўсатдан сезиб қолди. Йўқ, ақл-идроки заифлашмади, аксинча, у бўлган воқеа-ҳодисаларни жуда равшан идрок қилар, ҳар бир одамни эслаб қолган ва баҳоли қудрат ҳамма нарсанинг фаҳмига етар эди. Ҳеч афсус-надомат чеккан жойи ҳам йўқ...

Душан беҳуда ўтган умрининг нимасига ҳам ачинарди, ахир, ўсмир йигитнинг йиллар елдек ҳавога совурилганидан армон қилишга арзигулик тажрибаси ҳам йўқ эди. Ундаги орзу ва умидларнинг мазали тоти ҳали зардобга айланиб улгурмаганди.

Шундай бўлса-да, у ўқтин-ўқтин толғин бир аҳволга тушарди... Душан уйига қайтгач, тўсатдан кўзи чарақлаб очилгандек бўлди. Зармитонда ўтказган тўқиз йили мобайнида мағзи бўлиқ ҳаётдан юлиб олинганини ва аъзойи баданидаги қўр бугланиб, қоқ суяк бўлиб қолганини сезди...

Осмонни хира булут қоплади, борлиқ рутубат оғушида қолди. Душан ҳамон теварак-атрофга гарангсиб аланглар, ҳеч нарсани тушунолмаётган эди... Ҳовлининг шакл-шамойили кўзга сезилар-сезилмас ташланар, ясси томлар аввалгидан хиёл пасайгандек туюлар... Гўё аллазамонлар ҳеч ким пайқамаган шундай бир туртки бўлгану, унинг зарбидан уйнинг асоси силжиб, ўз ўқи атрофида айлантириб юборилган ва деворларнинг туташ чоклари қўғалиб кетгандек... Қўшнининг бир пайтлар ичкарига очиладиган дарвозаси энди ташқарига очилар, очилганда ҳам уларнинг уйлари деворига тегай-тегай деб қолган эди.

Ака-ука шумтака Ғани, Амин, Раҳмат... уларнинг синглиси Бинафша. Душан бир вақтлар уни чордоққа олиб чиққан ва пичирлаб: «Мен сенга уйланаман!» деганди. «Қандай қилиб?» деб чўчиб тушганди ўшанда Бинафша. Душан қизга узоқ ва ғамгин термулиб ўтирган, сўнг нарвондан ғизиллаб тушиб, жуфтакни ростлаб қолган эди...

Душандаги бегонасираш ва хаёлчанликка уйнинг сира дахли йўқлигини онаси бир неча бор унинг қулоғига қуйишга уринди. Тўғри, не-не қор-ёмғирларни, қум-тўзонли афғон шамолларини кўрган уйлари ўтган йиллар асносида неча бор бузилиб, неча бор қайта тикланган. Лекин ҳамма гап рўпарадаги қўшниларнинг пасткашлигида эди. Улар темурийлар авлодига қарашли ҳовлини эгасиз қолганга чиқариб, гараж, молхона, кенг дарвозахоналар қуриб, тобора уларни қисиб қўйган, буниси етмагандай кўчанинг бир қисмини ўзларига қўшиб олган эдилар.


— Набизода харидор топгандек бўлганди... Мен, тентак, қаршилик қилиб ўтирибман. Нима, ўғлимни бошпанасиз қолдирманми, дебман. Болам ҳадемай уйланиши керак, ахир... У бўлса иккала оёғини бир этикка тиқиб олди. Кейин, иложим қанча, ҳовлини иккига бўлиб сотишига кўна қолдим... Шундай феъли билан каттагина идорага қандай қилиб қирқ йилдан буён раҳбарлик қилаётганига ҳайронман. Бир нарсани ўйладими, тамом, фикридан ўлса ҳам қайтмайди! Ёшлигида қандай бўлганига ақлим етмайди. Болалари ҳам ўзидан баттар — худонинг балоси, юраги жиз этганини кўрмайсан... — Онаси энди аралаш-қуралаш гапирар — гаплари ишонарли туюлса-да, эридан норози эканлигини кўрсатиб қўйишга уриниши ўзини ўғли олдида гуноҳкор ҳис қилаётганидан далолат берар эди.

Интернатда, дам олиш кунларидаги учрашувлардан бирида онаси оғиз очиб ўғлининг этини ўлдиришга уринган, эндиги эри унинг учун ўз отасидан минг чандон қадрдонлашиб кетишини уқтирмоқчи бўлганди, бироқ ўшанда Душан шундай бир қараш қилдики, онаси Набизода ҳақида қайтиб оғиз очмади.

— Омон тез қўникди, унга ота деб мурожаат қилаяпти, — деганди онаси ҳафсаласи пир бўлиб.

— Ўзингиз-чи? Хурсандмисиз? — қайсарлиги тутди Душаннинг.

Омон ширин гапга ва алдовга учишини, адашиш ва хатоларни бағрикенглик билан кечиришини, зотан, у кўпроқ ўзининг дард-ташвишлари билан банд эканлигини онаси яхши биларди. Душанга эса онасининг юракдан гапириши кифоя қилмайди, у ялиниб-ёлбораётганига, зорланаётганига, жигар-бағри ўртанаётганига ўғлини иқрор қилиши керак — шундагина Душаннинг кўнгли юмшаши мумкин.



— Елғиз ўзим нима қилай?! Омон ўзидан ортмайди. Мен шўрликни дуч келган турта-верса, бошимдан мағзава ағдараверса... У эса, ёши бир жойга бориб қолган бўлса-да... — Онаси шу топда лоақал ўзига ўзи мақтаниб қўймоқчидек бошини силкиб кўтарди, — аёллар назаридан қолган эмас... Ўзинг ҳам кўрдинг-ку — феъл-атвори... эскича тарбия кўрган.

Онаси доимо Душан интернатдан қайтса, уйда анча юмшаб қолар, деб зимдан умид қиларди... Аммо ўша куни ҳам унинг Набизодага совуқ, жини суймай қараганини кўрганда фаҳмлади: «Ўғлим бари бир мени тушунмас экан-да», деган қарорга келди...

Набизода кетгач, Душан не хаёлларга бориб, азоб чекканларини онаси пайқамади. Набизода у билан тил топишишга уринаётганига қарамай, нима учундир, Душан уни хушлаёлмаётганининг боисини тушунолмай, хонама-хона юриб ўйлади: дурустроқ ишга жойлаб қўйишга ваъда берди, ҳатто — буни қаранг! — Москвага ёки Қора денгиз томонларга бирга саёҳат қилишга таклиф этди.

Сохт-сумбати келишган, юмшоқтабиат, туллак чол. Сочсиз, ялтироқ боши анатомия ўқитувчиси ҳар сафар дарсга олиб кирадиган ва Душан унинг хушбичим бош суягига қараб эринмайдиган бюстга ўхшаб кетади.

Душан онасини ортиқ хуноб қилмаслик учун Набизодани бу қадар совуқ ва қўпол қаршилаганига ўзини яниб шийпончага чиқди, сўнг онасининг кўнглини кўтариш ниятида изига қайтди, бироқ унинг тошойна рўпарасида ўзига оро бераётганини кўриб тўсатдан:

— Уша... ўлган хотинидан қолган қизи билан ўғли сизга бир умр тинчлик бермайди. Уй-жойлари, минг-минглаб пуллари турганда... — деб юборди.

— Мен ҳеч нарсасига зор эмасман, — онаси ўғли томонга ўгирилиб, худди ҳаммасини илгаритдан ўйлаб ва қатъий қарорга келиб қўйгандай бамайлихотир жавоб берди. — Топганим ўзимга етиб ортади... Сал ўнгланиб олай, аҳволимга қарайман, эски ўртоқларга хат-пат ёзаман, оёққа туриб олгач, илмий ишимни давом эттираман. Бир йил хотиржамлик бўлса, бас, биров ишимга тумшуғини суқмаса, диссертациямни ҳам тугаллардим, ҳимояни ҳам ўтказиб олардим... Тўғриси ҳам шу ўзи... Ўйлаб кўрсам, қолган барчаси ҳавойи гаплар экан. Барча борди-келдилар, ҳатто севган одаминг билан бўл-

Одил ЁҚУБОВ

ЁРҚИН ИСТЕЪДОД

Яқинда таниқли рус совет шоири Евгений Евтушенконинг «Адабий ўйлар» туркумида ёзилган яхши бир мақоласини ўқиб қолдим. Мақоланинг бир жойида шундай гап бор: «Баъзан етук санъат асари ҳам тезда тилга туша қолмайди, дабдурустдан шуҳрат қозона қолмайди. Гоҳо яхши асарлар ҳам китобхоннинг қалбидан жой олиши учун орадан йиллар ўтади», — дейди шоир ва мисол тариқасида машҳур рус ёзувчилари Михаил Булгаков билан Андрей Платонов ва Борис Пастернакнинг асарларини келтиради.

Ўйлайманки, талантли рус шоири Евтушенконинг бу гапини истеъдодли ўзбек ёзувчиси Темур Пўлатов ва бошқа адиблар ижодига ҳам тўла татбиқ этиш мумкин, айниқса, ёзувчи асарларининг ўзбек китобхони орасига кириб бориши ҳақида ўйлаганда, бу фикрнинг ҳақли эканлигини тан олмай илож йўқ. Чунки рус китобхонлари Темур Пўлатов асарларини аллақачон тан олишган, фақат китобхонларгина эмас, балки рус танқидчилиги ҳам ёзувчи истеъдодининг ўзига хослигини, ҳаётни идрок этиш қобилиятининг теранлиги, образли фикрлаш ва услубий изланишларининг замонавийлиги ва тилининг равонлигини аллақачон эътироф этишган. Бошқача қилиб айтганда, Темур ижодининг рус танқидчилиги ва рус китобхонлари томонидан ижобий баҳоланган жиҳатлари унинг асарларининг ўзбек китобхонларига тез сингишига — бу гап қанчалик ғайри табиий туюлмасин, — анча халақит берган. Нега? Чунки Темур Пўлатов ижодида Фолкнер, Томас Манн, Маркес, Булгаков каби ХХ асрнинг энг мураккаб адибларига хос образли фикрлаш кучли. Айни замонда, «Тарози тошбақаси», «Мулк» каби қисса ва романлари қадимги Шарқ ривоятлари асосига қурилган, уларда ҳаётнинг чигал томонларини идрок этиш услуби шу даражада мураккабки, ўзбек китобхонлари ХХ аср адабиётига хос бўлган бу «янгиликлар»га унча ўрганмаганлар. Ҳолбуки, Темур Пўлатов ижодининг бу фазилатлари асарларининг Иттифоқ миқёсига, ҳатто, дадил айтиш мумкинки, жаҳон миқёсига чиқишига кенг йўл очиб берди. Ҳақиқатан, Темур Пўлатовнинг кўп асарлари, жумладан, «Бухоро хонадонининг эҳтиросларн», «Каипнинг иккинчи саёҳати», «Денгиз кўчманчилари», «Мулк» каби қисса ва романлари аллақачон кўп хорижой тилларга таржима қилинган, қардош халқлар тилларида ҳам қайта-қайта чоп этилган.

Ҳозир шуни мамнуният билан қайд этиш мумкинки, сўнгги йилларда бир қанча истеъдодли ўзбек таржимонларининг ҳалол меҳнати, Умарали Норматов, Иброҳим Ғафуров, Пирмат Шермуҳамедов каби йирик танқидчиларимизнинг жиддий тадқиқотлари сабаб Темур Пўлатов асарлари ўзбек китобхонларининг қалбидан ҳам муносиб жой олмоқда. Ўтган йили Темур Пўлатов ижоди Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига сазовор бўлдики, бу ҳам юқоридаги фикримизнинг ёрқин далилидир. Мен катта адиб, ўзига хос истеъдод соҳиби Темур Пўлатовга ижодда янги зафарлар тилайман.

ган куйди-пишдиларинг ҳам ўткинчи, муҳими — ўзинг учун мустаҳкам таянч топиб, ўшанга ишониб яшаш экан...

— Эҳтимол, ҳақдирсиз, — Душан онасининг бу қадар ишонч билан айтган гапларининг моҳиятини англаб етмаганига, бу гапларни тасодифий инжиқликка йўйганига қарамай шундай деди. У онаси ҳам ўзидан кам ранжимаганини сезди. Душан ўзининг ҳаётида ўпирилиш юз берганини, умри телба-тескари, узлуксиз бир ҳайрат ва афсус-надоматлар билан, пойинтар-сойинтар ўтганини сезиб турган бир пайтда дадилликни қаердан оладию қандай қилиб Набизода ҳақида тўғри мулоҳаза юрита оларди. Шунинг учун ҳам бир вақтлар бирга улғайган қўшнилари — ака-ука Амин ва Раҳматнигина эмас, кўздан йироқроқда яшаган қариндош-уруғларини ҳам унутиб юборгани табиий эди. Улар бўлса, ажаб, бу томонларини ўйламай-нетмай ундан одамларга аралашиб юришни талаб қилишар, уни одамовиликда ва лоқайдликда айблашар эди.

Ҳатто онасининг ўз уйлари билан эрининг уйи орасида бўзчининг мокисидек қатнаб юриши ҳам Душанга ғалати туюлди — кундузи Набизода ишдалигида у Душаннинг ёнига ошиқарди, кеч тушиши билан изига қайтарди... Онаси Душанни рўпарасига ўтқазиб олиб, шунча йил йироқларда яшаган одам уч кундан ортиқ уйида қамалиб ўтириши хосиятли эмаслигини ва «Сўфиёна» маҳалласидан тенгқурларини меҳмондорчиликка таклиф қилиши, улар билан танишиши, эски гина-кудуратларни унутиши зарурлигини уқтирарди.

Энди Оппоқ, Ямин, Дамирали, Мордахай, Шомиллар эмас, балки Саид, Бахшилло, Нуриддин, Камин, Афзал — мана, Душаннинг тенгқурлари ва дўстлари шулар... Болаликдан таниш бу йигитларнинг ҳар бири ҳаёт маромига қўшилиб кетиш учун заиф ва тасодифий феъл-атворларидан воз кечиб, ўзига яраша жаҳду жадаллик билан нималаргадир эришган, ўзларини жуда бахтиёр бўлмаса-да, кам деганда эпчил-уддабурон одамлар қаторига қўшар эдилар. Ҳаммаси уй-жойли, бола-чақали бўлиб кетибди. Камин босиқ, оилапарвар кўринади. Тўғри, у билан мактабдоши Марзия ўртасида қандайдир уятли иш юз берган ва Камин унга уйланишдан ўзга чораси қолмаганди, лекин онаси суҳбатлашиб ўтириб, бу ҳақда оғиз очишни лозим кўрмади.

Ҳар куни эрталаб онаси Душаннинг миясини қоқиб қўлига берар, хотира сандиғини очар, оқшом чоғи эса машинасида Омон етиб келар эди. У доимо бардам, бир гапириб ўн кулар, уйга югуриб кириб укасини қучоқлар, уни устма-уст ўпиб кўришар эди.

Бундан ўнғайсизланган Душан бошини хам қилиб олар, Омон эса ха-холаб кулишдан тийилмай, укасини деворга қисар, Душан унинг беўхшов хатти-ҳаракатларида алланечук асабийлик, хавотир, ҳадик аломатларини сезар, акасини тинчлантириш учун сўз тополмас эди. Афтидан, Омон айрилиқ йилларида кўнглига чўкиб қолган совуқчиликни, бегонасирашни илитишга уринар эди. Буни сезган Душан баттар азобланарди. Феълидаги дали-ғулилик туфайли Омон ўзидаги бу совуқликни тамомила бўлакча — акалик бурчига хиёнатдек кўрарди. Эҳтимол, худди шу боис, дастлабки кунданоқ Душан билан ака-укаликни ўрнига қўя олмагани учун ҳам ғайритабиий даражада хушчақчақ, олашовур кўринар эди.

Ака-укалар сўнгги марта Омоннинг тўйи куни кўришганларидан буён у улғайибгина қолмай, анча қўполлашганди, болалигида унинг хушмуомала, кўнгилчан йигит бўлишини башорат қилишарди. Аксинча, тўсатдан унинг феълида пайдо бўлган қатиққўллик Душанни ҳайратга солган, шу боис унинг юриш-туришини ҳазм қилолмаётган, тили эшилиб суҳбатга киришиб кетолмаётган эди. Акасининг гўштдор бурни оғзига қадар янаям осилиб тушган ва эҳтимол, шу туфайли унинг товуши чийилдоқ ва сўниқ эшитилар, гўё шарт бўлмаган, ўзидан бўлак одамни қизиқтирмайдиган нарсани ҳикоя қилаётгандек сўзлар эди.

Биринчи куниёқ Омон хотини Мавлуда билан келди, хотини остонада туриб Душанни кўрдию, шу тикилганича назарида тамомила ажабтовур кўринган Душандан кўз узолмай хавотирда ўтирди. Хуллас, бир-бирига қондош ва жондош бўлган бу одамлар энди бир-бирларида шунақанги зидликлар, шунақанги номувофиқликлар топа бошлашдики, бу туйғу улар илгари ўзаро нақадар меҳрибон ва яқин бўлишганини эслаб, аслида эса шу қадар меҳрибон бўлишганлигига шубҳалана бошладилар.

Омон бетоқат бўлаверар, Душаннинг қовоғини солиб ўтириши унга оғир ботаётган эди. Узоқ йиллардан буён ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, бухороликларга хос бўлган — ўзини бошқалардан ақллироқ ва уддабуронроқ кўрсатишга уриниш орқасида жанжаллашишган ва муносабатлари қалтислашиб кетган қўшнилар ҳақида гап очилди.

— Э, ука, укажон... Ҳаётдан орқада қолиб кетгансан, бугунги, тумшуғинг остидаги ҳаётни тушунмайсан... Мана, масалан, Амин, эрталаб кўзини очар-очмас илдамроқ ишнинг пайига тушади, ўшандай ишлар ҳам туни билан унга мунтазирдек тайёр турақолади... Биламан, сен виждонли йигитсан... Киришимли эмаслигингдан, қадамингни билиб босолмаслигингдан азоб чекасан...

— Ола-а, тоза эзиб ташладинг-ку...— эътироз билдиришга тутинди Душан.— Сен ҳамма нарсанинг астар-аврасини ағдариб кўра оласан, шу боис, эҳтимол, гапларинг тўғридир. Мен эса, ака, бунақа, яъни, жиноий ёки жазога лойиқ гапларнинг фарқига бормайман. Мени бошқа нарса ташвишлантираяпти... одамлар ўртасидаги муносабатдан путур кетаяпти, назаримда, ҳамма одамови бўлиб қолаётганга ўхшайди... Елиб-югуришлар, икир-чикир ташвишлар... Гап орттирилган минг-мингларда — эмас — пул-мул қўлнинг кири, ахир...

Душан оила тарихида энг сийқаси чиққан воқеани эслар эди... Қўшнининг тўнғич ўғли Ғани Мастурага совчи қўйдирган, лекин қизини шаҳарлик олифтага раво кўрмаган буваси совчиларни кўрмана-пўрманаси билан орқасига қайтарган эди. Бу воқеа Мирзаевларнинг жон-жонидан ўтиб кетган эканми, эртасигаёқ улар Темурийлар оиласига уруш эълон қилишди — дарвоза остонасида шиша идишлар синдириб, майда-майда қилиб сочишди, бу, дарвозадан чиқадиган ҳар кимсани ташқарида қўшнилар маломати кутмоқда, деган маънони англатарди.

Ўшанда бувиси ҳам бир гапдан қолмаган:

— Хафа бўлишса кўнглимнинг кўчасига, бу чаласавдо «маҳалланинг тахтиравони» деб ном қозонган хонадонига тенглашишни истаб қолибдиларда! — деб Мирзаевларга айтадиганини айтган эди.

Бу тоифа гаплар ўзига ишончсизлик ва шошқалоқлик аломати эканини сезган Мирзаевлар чаласавод эканликларига қарамай бирмунча нозикроқ қурол — киноядан фойдаландилар. «Яшашнинг кўзини биладиганлар» деб ном қозонган усталар, қассоблар, магазин мудирлари ҳозирги шифокорлар «шарқчасига оёқ-қўлни узатиб» яшашни тушларида ҳам кўрмаслигини ва борига барака тариқасида яшашини беш қўлдай билишар эди.

— Чарли! Чарли! — деб бақиришарди Амин билан Раҳмат булар кўчага чиқишганда.— «Масхарабозлик таёқчаси» уйда қолибди!

— «Масхарабозлик таёқчаси»да,— мазах қилишдан ташқари,— аламли маъно ҳам яширинган, зеро, Мирзаевнинг болалари бундай деб, бордию Омон билан Душаннинг отаси қазо қилса, улар ҳасса таяниб қолишларига кочириқ қилишган эди...

Омон Раҳматни уйи ёнида ту-

тиб олиб роса дўппослади, лекин Мирзаевлар жанжални босди-босди қилиб юборишди, афтидан, улар соф бухороча устомонлик билан қасд олиш пайига тушган эдилар.

Ғани уйландию шаҳардаги бутун савдо ишларини қўлга олди, ўзи Шергирон дарвозаси яқинидаги соя-салқин, хушҳаво маҳалладан жой қилди, бошқа ака-укалари эса ота-бобосидан қолган ҳовлини бўлишиб олиб, янги-янги уйлар қуриб, тобора Темурийлар томон қулоч отиб келишмоқда. Улар бир неча оила тинч-тотув яшаб, битта қозондан овқатланаётган бир пайтда Мастуранинг оиласи пароканда бўлиб, тўзди-кетди...

— Ҳа, ишлар шунақа, ука,— бирдан қовоғини уйди Омон.— Лекин ҳалиям бўш келадиган анойи йўқ... Темурийлар авлоди ўзини кўрсатиб қўяди!

— Ўшаларни қўйгин, Омон. Бизга нима қизиғи бор,— ботинолмай деди Душан.— Яхшиси, мен билмайдиган, ўзимизга тегишли яхши гапларни эслагин...

Бироқ Омоннинг кўнглида Мирзаевларга нисбатан нафрат ва алам тўпланиб қолган шекилли, Душаннинг эътирозини эшитиб, у укасини чўчиганга йўйди.

— Мен ахир сенга ишонаман... Уларнинг ҳаммаси... Мен ҳам устомонлик, ҳийла-найранг йўлига ўтсам, сен ақл билан иш юритадиган одамсан. Эс-ҳушинг ғалати бўлса-да, тиниқ, мен эса, кечиргину, ука, мен муғамбирроқман... Отахонимизга ҳам равиш қилавераман, ҳатто бир сафар белини илоннинг заҳари билан силаб ҳам қўйдим... Мени кечир, оғзимга келганини алжираб юбораяпман...

Омон мажолсизланиб, лоҳас тортди ва жўнамоқчи бўлиб, туришга чоғланди, лекин чайқалиб кетди ва дераза ромини чангаллаганча, дарвозани ўз калити билан очиб жимгина кириб, ҳовлида турган кишига тикилиб қолди.

У Юртоев эди. Юртоев отасининг садоқатли дўсти, илгари бу хонадонга тез-тез келиб турар, отаси оилани тарк этгач, кейин бунинг ҳам қораси ўчиб кетганди, энди эса мана, яна уйга танда қўйиб қолди. Онаси Юртоевдан Душанга ёрдамлашишни илтимос қилган, терговчи бир нозик иш юзасидан қўллаб-қувватлаб юборибгина қолмай, оилага садоқати важидан Душан яна кўнгилсиз ишларга аралашиб қолмасин, деган ниятда ҳеч қандай таъмасиз унга гўё васийлик қилаётган ҳам эди. Юртоевнинг садоқатига жавобан дарвозанинг калити унга бериб қўйилган, бинобарин, у йўли «Сўфиёна» кўчасига тушгудек бўлса, Темурийлар хонадонига кириб ўтишига, «Ўнинчи синфни қаерда ўқийсан? Дурустроқ бўлса, кечки мактабда ўқисанг ҳам бўлаверади...» сингари аҳамиятсиз гаплар айтиб, Душан билан суҳбатлашишига имконият яратилган эди. Яна: «Майли, бир оз муддат ишламай турсанг ҳеч қиси йўқ, лекин гар меҳнатни суймасанг — меҳнат сени суймагай», деб қўяр, гўё ҳамдардлик кўрсатаётгандек, малол келмайдиган қилиб, ҳатто ҳикматнамо оҳангда: «Гар меҳнатни суймасанг...» дан олгани-олган эди.

Буларга-ку, чидаса бўлади, лекин Омон Юртоевни кўрди дегунча ўзини қўярга жой тополмай қоларди. Етти ёт бегона одам худди уйнинг тенг ҳуқуқли эгасидек индамай-нетмай дарвозани очиб, пинагини бузмай кириб-чиқиб юриши Омоннинг иззат-нафсига теккан бўлиши ҳам мумкин.

Юртоевнинг кириб келганини кўрган Душаннинг ранги қув ўчди ва унга пешвоз чиқиш мақсадида ўрнидан турди, бироқ Омон унга қимирламай ўтиришга буйруқ бериб, ўзи ташқарига отилди.

Душан тўсатдан бидиллаб гап бошлаган Мавлудага жавоб бериш учун фикрини жамлаш ниятида қайтиб ўтирди, бироқ иложи бўлмади, у ҳовлидаёқ орани очди қилишга киришган Омон билан Юртоев томон қаради.

— Укем ба ҳаққаш расид, қози, мўҳр пахш кунед, охир![1] — Омоннинг такаллуф ва киноя аралаш гапини эшитди у.

Душан Юртоевнинг гапларини аниқ илғай олмади, фақат унинг оҳангидан Омонга ниманидир уқтирмоқчи бўлаётганини сезди, Омон эса унинг ширин суханлигини кўриб, саросимага тушди деб ўйлади. Душан акаси бир ишкал бошлаб қўймасин деган хавотирда уни чақириш учун дераза ёнига борди, шу пайт Омон тўсатдан Юртоевнинг қўлидан тутиб, уни уйга судрай бошлади:

— Юринг, бир оз отамлашайлик, терговчи бўлмасак-да, бизнинг ҳам тилимиздан бол томади, овозимиз ширали... хотинжонимку, булбулигўё...— Омон ҳам жиддий ва ялинчоқ, ҳам камситиш ва кесатиқ оҳангида бидирлар эди...

Юртоев унинг чангалидан қутилиш учун нима қиларини билмай қўлини бир-икки силтади, лекин Омон тўрсайиб унга қаттиқроқ ёпишди.

— Ичгансан, йўқол! — деб юборди Юртоев ўзини тутолмай ва Омонни жеркиб ташлади.

Душан саросимада ҳовлига югуриб чиқмоқчи, акасининг қилиғи учун Юртоевдан узр сўрамоқчи эди, лекин у акасини ўзбекча сўз билан силтаб ташлаганини эшитиб, остонада тўхтаб қолди.

Душан терговчи билан интернатдан қочиб, бемаъни ишга қўшилиб қолган куни танишган ва аллақачон унинг феълидаги ажабтовур ғалатиликни пайқаган эди. Юртоев ўзбекчани бухороча лаҳжада, унли товушларни ямлаб, амал-тақал талаффуз қилсада, суҳбатдошини тўсатдан ўзбекча сўз билан оғзига уриш, силтаб ташлаш одати бор эди.

— Мен ахир... акам, деяпманку. Дастурхонга борайлик, сал юмшаймиз, кўнгил очамиз, демоқчиман. Оиламизнинг ҳомийси деб сизни бошимга кўтараманку,— Омон Юртоевнинг кетидан дарвоза томон борар экан, тинмай узр сўрарди. Лекин дарвозани ёпиб чиқиб кетиши билан у тўсатдан қаддини ростлади, ғазабдан бўғриқиб кетди ва хонага югуриб кириб, Душанга ташланди.— Қандай ишкал қилиб қўйдинг?! Тентак! Укам бўлмаганингда, бўғиб қўя қолардим!

Мавлуда чинқириб юборди, ака-укани ажратиш мақсадида уларга тармашди, лекин Омон уни итариб юборди ва оғир ҳарсиллаб стулга ўтирди.

— Тайин-тутуриғинг йўқ сенинг! Одамлар турмага тушмай деб туққан онасини, хотини, бола-чақасини сотади, бу бўлса... оппоқ... сен аблаҳ, фариштасан... миянгнинг қатиғи ачиб кетган... Укам, менга қулоқ сол.— У Душаннинг қўлидан тутиб, ёнига ўтқазди, ялтоқланиб кўзига қаради.— Мен икки минг сўм ташлайман, эшитаяпсанми? Мана шу Юртоев уйимизга йўламаслиги, кўзимизга кўринмаслиги учун иккита ташлайман... Ўшанинг кўнглига оғир ботмайдиган қилиб мана шу... икки мингни бериш керак. Шунинг йўлини топиш керак. Тушунаяпсанми?

— Нималар деяпсан! — дея олди Душан баъзўр эътироз билдириб.— Унинг ҳеч бир ёмонлик қилаётган жойи йўқ-ку...

— Нима, у туғдириб қўйган отангмидики, сенга валинеъматлик қилади? — Омон ўзини босолмай у ёқдан-бу ёққа юрарди.— Укам, мен шубҳаланаяпман. Эҳтимол, бу қилиғим чаккидир, илло Юртоевга ишонолмаяпман... Бир пас диванга чўзилай дейсан, бир пиёла чойни хотиржам ичай дейсан, у эса сур бўлиб деразадан қараб турган бўлади. Нима, ойшахоласининг уйимидики, дарвозани ўзи очиб индамай кириб келаверади!..

Акасининг гапларига ортиқча эътибор бермай ўтирган Душан тўсатдан ўзини безовта қилаётган мавзуга кўчди:

— Минг-минг деяпсан, қаердан олгансан уни?

— Ундан кўпроғига ҳам чоғим келади.— Омон шундай деб керила бошлаган ҳам эдики, боядан бери жим ўтирган Мавлуда эрининг шляпасини тарсиллатиб, унинг башарасига отди ва бобиллашга тушди:

— Қани, уйга кетдик! Икки мингни қайдан топганингга Душанни аралаштира кўрма!

— Уйга бўлса, уйга-да,— Омон кутилмаганда шундай деб ғўлдиради, сўнг худди оғзига бир қултум ичкилик олмагандек, худди ҳозиргина Юртоевни балчиққа қориштирмагандек, пулини пешлаб калондимоғлик қилмаётгандек шахдам қадам ташлаб дарвоза томон юрди — ўзи олиб ўзи қўяётган жанжални унутиб, хотини билан шаҳарнинг замонавий бетон иморатлар солинган мавзеидаги уйига жўнади.

Душан жим-жит ҳовлида серрайиб турганича Мавлудани ўйлаб кетди, кеннойисининг ҳозирги гапи унга оғир ботган эди... Тўй арафасида уни интернатда бирров кўрганидан буён Мавлуда анча тўлишган эди. Лекин у пайтда,— тортинчоқлик ва маъсумалик яширинган ёқимтойлиги ва беғуборлигини ҳисобга олмаганда,— кўркам чеҳрасидан бирор маъно уқиш қийин эди. Энди унинг хушбичим чеҳраси ёш аёлнинг бор тароватини намоён этиб турар... аммо туйқусдан унинг бу қадар дўқ уриши, ҳатто шаллақилиги...

«Уни Омоннинг феъли бузаётганга ўхшайди»,— Душан акаси билан худди бегоналардек экани эслаб, дили ранжиб туриб ҳаёлга толди. Лекин афтидан бундай бегонасираштан Омон кўпроқ азият чекаётгандек кўринарди. Душан интернатдан қайтган биринчи куниёқ оилада қандайдир асабий таранглик юзага келди. Душан онаси билан бирга Набизоданикида яшашдан бош тортди, Омон эса, лоақал вақтинча бўлса-да, укасини ёлғизлатиб қўймаслик учун ўз уйидан кўчиб келишни раво кўрмади.

— Ўтказиб қўйган жойи борми? — деди Омон эски гина-кудуратларни хаспўшлаш учун атайин кўпол гапириб.— Ўзини худди бегонадек тутади, мен жонимни фидо қилай деймаку у пинагини бузмайди...

Душан интернатдаги ғала-ғовур, шовқин-сурон ҳаётдан сўнг ёлғиз, осуда яшашни кўзлаган бўлса-да, ҳайтовур, буваси қишлоқдан келишга розилик билдириб қолди. Қайта қурилиб, қайта-қайта бўялаверганидан уйжой, ҳовли тамомила бегона қиёфага кирганди, шунга қарамай, уларнинг аллақаерлари ҳамон Душаннинг кўзига иссиқ кўринарди. Уша-ўша бўзаранг том, томдаги ўтган йилдан қолган бир қучоқ хас-хашак ҳам ўша-ўша, фақат илгари бу томнинг ости олди очиқ айвон эди. Ёзлик хонадан айвон томонга тиккасига ўтиш учун икки туп олмани қирқишибди, юқоридаги майдон кенгайтирилибди, этакдаги майдонча бўйлаб чўзилган ток жойнинг торлигидан анча қисилиб қолибди...

У чарс этиб ўт олиб кетадиган, оловда лов-лов ёнадиган, ҳаётига нуқта қўядиган вазиятлар бўлиб туриши, ўшанда кўзини чирт юмиб хавф-хатарга жаҳд билан ташланиш, ташлана туриб озодлик сурурини туйишнинг ўзиёқ боши берк кўчадан чиқиб кетишнинг чораси экани ҳақида ўйларди. Чамаси, ана ўшандагина хаёлингга келтирмаган ранж-аламлар барча икир-чикирлардан, сохталиклардан халос этиб, юзага олиб чиқадигандек эди...

Русчадан
Хуршид ДЎСТМУҲАМЕДОВ
таржимаси

[1] Укамнинг иши битди-ку, сиз ҳам бас қилинг-да, энди!

ТАҚРИЗ



«ОЛИС ТАБАССУМ СОЯСИ»

Яқинда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти шоир Муҳаммад Солиҳнинг «Олис табассум сояси» шеърлар тўпламини лирика сериясида чоп этди. Бир-бирига ўхшамаган мўъжиза қўнғироқчалар, бири қувноқ, бири вазмин, бири юракни така-пука қилиб юборадиган даражада жаранглайди. Шеърларда турфа замондошларнинг ҳолатлари — меҳрли, меҳрсиз, лоқайд қиёфаларни лаҳзалик жаранглар ҳушингга келтириб, танитади. Сени ҳаётга теранроқ, уйғоқ шуур билан назар ташлашга ундайди.

...Токи айланаркан миллионлаб нуқта,
Қийин бир нуқтага тикилиб турмоқ.
(«Токи ташқарида қор ёғар экан» шеъридан)

Бу — миллионлаб жонли нуқталарнинг ҳаракатига бефарқ қарай олмайдиган лирик қаҳрамоннинг хулосаси. Бу ҳаёт билан, давр билан ҳамнафаслик аломати. Қалби яратиш иштиёқига тўла замондошнинг лаҳзалик кечинмада қилган жаҳди. Яшаш мазмуни. Қалб кечинмаларининг бундай ифодаси Муҳаммад Солиҳ ижодига хос фазилатдир. У ўқувчи шуурига ортиқча жимжимасиз, сафсатасиз яшаш тушунчасини моҳирона жойлаб қўяди. Ва энди ўқувчининг ўзи ҳаёт ҳақида, атрофидаги воқеа-ҳодисалар ҳақида мушоҳада қила бошлайди. Шоирнинг мақсади ҳам, вазифаси ҳам шу — токи, инсон шуури ҳаракатсиз қолмасин, токи, у доимо уйғоқ бўлсин, чархлансин. Мана, лирик қаҳрамон нималарни сезишга ундайди. Оддийгина хона деворига одатдагидай гиламлар осилган. Гиламнинг устида қўшоғиз милтиқ ва яна деворда осиғлиқ сурат. Ҳаракатсиз жисмлар...

...Ҳали ҳам
жилмайиб турибди сурат
гиламга осилган милтиққа қараб.
У сўқир,
иккала кўзи ҳам кўрдир милтиқнинг.
Заҳарли-заҳарли жилмаяр сурат.
Аянчли милтиқдан кўзини узмай.

Бу шоирнинг «Портрет» шеъридан кўчирилган парча. Ўқувчи эътибори хона деворида осиғлиқ турган ҳаракатсиз жисмлар атрофида тўхтайди. Энди у мушоҳада қила бошлайди. Нега милтиқ «сўқир»? Нега сурат «заҳарли-заҳарли» жилмаяди. Бу бўлиб ўтган ёки бўлиб ўтиши мумкин бўлган — сўқир милтиқ ҳар дақиқада содир қилиши мумкин бўлган фожеадан дарак берувчи ҳолат эмасми? Нима учун сурат — чорасиз инсон милтиққа «заҳарли-заҳарли» жилмаяди. Аммо у (сурат) гилам устида осиғлиқ турган милтиқни юлиб олиб итқитолмайди. Бу эса сиз билан биз жуда-жуда истаётган, лекин етишишимиз қийин бўлаётган ТИНЧЛИКка муносабат, урушга нафратдир.

Мазкур тўпламга шоирнинг кейинги беш-олти йил оралиғида яратган шеърлари жамланган. Тўплам билан танишар экансиз, шоир алоҳида мавзулар билан ўралашиб қолмаганидан хурсанд бўласиз. Турмушда учрайдиган ҳар бир ҳодиса, воқеа, одамларнинг юриш-туриши, хатти-ҳаракатлари, жисмлардаги ҳолатлар... барча-барчасига шоир муносабат билдиради, ўзича баҳолайди, вазифа юклайди, ижтимоий хулосалар чиқаради. Шеърлар ҳаётнинг ўзидай долғали, ранг-баранг қаёфага эга.

Мен ҳаётга ўчман, ҳаётга хасис —
Қисмат энг ширин жон берибди менга,
Шу қадар ширин жон, шу қадар азиз,
Ҳатто қурбон қилса арзир Ватанга!

Биз фидойилик ҳақида кўп шеър ўқиганмиз. Мавзу таниш. Лекин ифода ўзгача. «Энг ширин жон» деб аталган бу тўрт қатор шеърда деталлаштириш кучли. Ҳар сўзнинг ўз, улкан вазифаси бор.

«Энг ширин жон... шу қадар ширин жон, шу қадар азиз, Ҳатто (!) қурбон қилса арзир Ватанга!». Ватан онадай азиз. Фарзанд эса Онаси учун ҳар нарсага тайёр.

Муҳаммад Солиҳнинг мазкур тўпламдаги барча шеърлари ана шундай таъкидли. Ўқувчини эътиборсиз қолдирмайди. Эътиборсиз қолдирмайдиган яна бир хусусият ифодадаги дафъатанликдир. Бир қарашда бу дафъатанлик ғалатироқ кўринса-да, лекин самимият ҳамиша устун келади. Ўқувчини ром этади. «Ойдинга», «Бир марта», «Мен дунёга келдим», «Меҳр» каби шеърларни ана шундай ёқтириб қолади киши. Биз оҳанги, зарблари билан руҳиятга кучли таъсир қиладиган шеърларни хушлаб ўқиймиз. М. Солиҳ шеърларида ана шундай ҳол бир қарашда сезилмайди. Лекин шеърлар борлиғингизга сингандан кейин табиий равишда руҳингизга силсила киради ва шеърнинг қудратини ҳис қила бошлайсиз.

Мана ўша китоб, уни кўпчилик аллақачон ўқиб чиқишга улгурди, кимдир энди танишаяпти, кимдир танишиш иштиёқида. Ҳар уч ҳолда ҳам бир хил манзара — «Олис табассум сояси».

Уктам МИРЗАЕРОВ



Деҳқон баҳори.
Р. Ғафуров фотоси (ЎзТАГ)

ШЕЪРИЯТГА МЕҲР — ЭЛГА МЕҲР

Умарали НОРМАТОВ,
филология фанлари доктори,
профессор


Ўтган йилнинг охирларида Москвадаги «Художественная литература» нашриётида Эркин Воҳидовнинг «Куй авжида узилмасин тор...» номли тўплами рус тилида чоп этилди. Таниқли рус шоири Роберт Рождественский тўпламга ёзган сўз бошида бу китобни Эркин Воҳидовнинг ўзига хос кундалиги, ижодкор сифатида шаклланиш йўлини кўрсатувчи поэтик конспекти, деб атайди. Тўпламга шоир ижодидан намуналар — 80 та шеър, «Нидо», «Руҳлар исёни» сингари етук достонлари киритилган. Шу тўплам билан айни бир пайтда Тошкентда — Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида шоирнинг «Муҳаббатнома» ва «Садоқатнома» деб аталган сайланма асарлари чиқди. Уларда муаллифнинг она тилида қайта-қайта нашр этилган, давр синовларидан ўтган деярли барча поэтик асарлари, янги «Истамбул фожиаси» шеърий драмаси, шунингдек, шеърий таржималаридан айрим намуналар жой олган. Хуллас, аллақачон халқимизнинг маънавий мулкига айланиб қолган асарлар илк бор мукаммал тарзда ўз эгасига — халққа тақдим этилди. «Куй авжида узилмасин тор...», «Муҳаббатнома» ва «Садоқатнома» биргаликда севимли шоир, драматург, етук таржимоннинг эллик йиллик ҳаёти, ўттиз беш йиллик ижодий фаолияти ҳақида ўз ўқувчилари, халқи, кўпмиллатли совет адабиёти олдидаги ҳисоботидир.

Мазкур тўпламлар китобхонлар учун муносиб тортиқ, завқ-шавқ, ўй-мушоҳадалар манбаи бўлишдан ташқари адабий жамоатчилик, танқидчиликда Эркин Воҳидов ижоди теварагида чорак аср давомида кетган қизғин баҳс-мунозараларни сарҳисоб этиш, шоир ижодини кенг ва яхлит ҳолда олиб қараш, ижодий тадрижини кузатиш, изланиш машаққатларини, қўлга киритган ютуқларини тўлароқ тасаввур этиш, қолаверса, шоир асарлари, изланишлари воситасида кейинги ўттиз йиллик адабий жараёнга назар ташлаш, улардан муайян хулосалар чиқариш имконини ҳам беради. Гарчи О. Шарафиддинов, И. Ғафуров, Л. Қаюмов, Н. Шукуров сингари таниқли адабиётшунос-танқидчилар Э. Воҳидов ижоди ҳақида кўп яхши мақолалар ёзган бўлсалар-да, шоирнинг поэтик бисоти ҳали тўлалигича илмий кашф этилгани йўқ.

«Муҳаббатнома» ва «Садоқатнома»ни варақлаганда туғиладиган илк таассурот — шоирнинг шеъриятга чексиз меҳри, фидойиларча садоқатидир. Адабиёт тарихидан биламизки, шоирлар муайян ёшга борганларида гоҳо секин-аста бошқа адабий тур, жанрларга ўта бошлайдилар. Мен Эркин Воҳидовнинг бошқа адабий тур, масалан, прозага ўтишини асло тасаввур қила олмайман. У фақат шоир бўлиб туғилган, дунёни фақат шоир сифатида идрок этади. Унинг бир умрга фақат шоир бўлиб қолишига аминман. Тўғри, у драма жанрига ўтиб, «Олтин девор» билан «Истамбул фожиаси»ни ёзди, аммо комедия ва драмага қўл урганида ҳам аввало шоирлигича қолди; «Олтин девор» — бу қувноқ шеърий комедия, асарнинг талай ўринлари шеърда битилган, ундаги насрий парчалар ҳам шеърий руҳ билан йўғрилган; «Истамбул фожиаси» эса — гарчи шеърий драма деб аталган, драма шаклида ёзилганига қарамай,— моҳияти, поэтик руҳи эътибори билан шеърий нидо, қалб туғёни, бинобарин, чинакам достоннинг ўзгинасидир. Гоҳо шоирнинг бошқа адабий тур, жанрларга ўтишини «айтмоқчи бўлган гапи шеъриятга сиғмай қолгани» билан изоҳлайдилар. Бундай изоҳ унча тўғри эмас. Аслида шеъриятга сиғмайдиган гап йўқ, шеърият ҳар қандай фикр, туйғуни, улкан инсоний характер ва тақдирларни ўз бағрига жо эта олади; Эркин Воҳидовнинг «Ҳозирги ёшлар», «Визлар ишлаяпмиз», «Оқсоқол», «Максим Горький билан суҳбат», «Темиртан даҳолар», «Арслон ўйнатувчи», «Манфаат фалсафаси», «Донишқишлоқ латифалари» каби шеърлари, «Руҳлар исёни», «Истамбул фожиаси» достонлари шундан далолат беради.

Эркин Воҳидовдаги шеъриятга меҳр, садоқат қандайдир «хобби» тарзидаги иштиёқ эмас; бу она юртга, халққа, инсон зотига бўлган меҳрнинг бир зуҳуридир; шоирнинг шеъриятга фидойиларча меҳри эл-юртга бўлган меҳр-садоқатнинг давомидир. У «Шоирлик» шеърида ёзади:

Шоирлик — бу ширин жондан
кечмакдир,
Лиммо-лим фидолик майин
ичмакдир.
Шоирлик — жигарни минг пора
этмак,
Бағир қони билан сатрлар битмак.



«Афғон шоирларига» шеърида бу фикрни яна ҳам ойдинлаштириб дейди:

Осонмас, осонмас шоир юракка,
Унда туманларнинг дарди, оҳи бор,
Унга бу дунёда яшаш мураккаб,
Чунки шоир қалбнинг иштиҳоҳи бор.

Шоир инсон ва инсоният, инсон яшайдиган замин, заминдаги ҳамма воқеалар учун ниҳоятда масъул шахс; «инқилоб зилзиласининг марказида шоирлар қалби», у «ҳақ йўлда фидойи аскар». «Шоирнинг дарди — халқнинг дарди». Шеъриятга меҳр-садоқат бу — эл-юртга садоқат, деган ғоя Эркин Воҳидовнинг оташин бенгал шоири Назрул Исломга бағишланган «Руҳлар исёни» достонида ўзининг юксак ифодасини топди; шоир бу асарида фақат Назрул Ислом сиймосинигина чизиб қолмай, эл-юрт эрки, бахти йўлига жонини, жаҳонини тиккан жамики фидойи шоирларнинг, чинакам граждан ижодкорларнинг тимсолини яратди.

Эл-юртга меҳр-садоқат ҳамма давр шеърияти, шоирлари учун бош мезон бўлиб қолаверади; аммо турли давр, макон, вазиятларда, эл-юрт олдида турган реал вазифа, муаммолардан келиб чиққан ҳолда у турли кўриниш касб этиши мумкин. Эркин Воҳидов ижод майдонига тушган 60—80-йиллар мамлакатимизда социализмни такомиллаштириш, инсон камолоти учун кураш — унинг маънавияти, имон-эътиқоди, ижтимоий адолат туйғуси, жаҳон миқёсида эса она замин ҳақида қайғуриш, одамзотни ядро уруши хатаридан огоҳ этиш, инсониятнинг аждодлар ҳотираси, бугунги кун ва келажак олдидаги бурчи, масъулияти муаммолари — ҳаёт-мамот масалаларига айланди. Шоир кўпчилик қаламкаш сафдошлари қатори шу ҳаёт-мамот жангларида фаол курашчи сифатида ўзини кўрсатди.

У дастлаб ҳаёт, гўзаллик, одамлар қалбидаги жамики эзгу туйғулар куйчиси бўлиб майдонга чиқди, социализм берган бахту саодатни, ёшлик, муҳаббат сурурини, ҳаётдан ризоликни тўлиб-тошиб куйлади, халқимиз эришган ютуқлар, унинг шонли тари-

хи, қўлга киритган ғалабалари тўғрисида фахр-ифтихорга тўла сатрлар битди; айни пайтда шоирда ҳаётга шу дилдаги ёниқ меҳр, ифтихор туйғусини сақлагани ҳолда ҳаётни, одамлар қалбини мураккабликлари, зиддиятлари билан диалектик тарзда идрок этиш кучая борди. Бу ҳол шоир ижодида реализмнинг чуқурлашувига, гуманизмнинг теранлашувига, гражданлик пафосининг ўткирлашувига олиб келди. Энди у ҳаёт куйчисигина эмас, кўпроқ ҳаётнинг, инсон қалбининг бадиий тадқиқотчиси сифатида кўрина бошлади; шоирнинг «Замин ташвишлари», «Инсон», «Сирдарё ўлани», «Шарқий қирғоқ», «Зангори шуълалар», «Арслон ўйнатувчи», «Вируслар», «Тушлик танаффус», «Руҳлар исёни», «Истамбул фожиаси» сингари поэма ва лиро-публицистик шеърлари, «Манфаат фалсафаси», «Сен менга тегма», «Мажлис қилинг» каби сатирик, юмористик шеърлари бу жиҳатдан поэзиямизда муҳим ҳодиса бўлди.

Ҳаётга, эл-юртга меҳр — бу фақат ширин сўзлар, мадҳиялар, ҳамду санолар орқали ифодаланмайди; етук адабиёт, юксак шеъриятда меҳр-садоқат ҳаётнинг теран поэтик таҳлили орқалигина рўёбга чиқади; ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқати, чигалликлари, халқимиз, инсоният олдида турган муаммолар бор ҳолича кўрсатилган, одамлар кўнглидаги дард, тили учида турган гап, бор овоз билан айтилган асарларгина бугунги кунда халқнинг дилига кириб боради, корига яради. Эркин Воҳидовнинг кейинги асарлари худди шу фазилатлари — шафқатсиз ҳақиқати ва самимияти билан ҳозирги кўпмиллатли совет адабиётининг энг яхши намуналарига ҳамоҳангдир.

Шоирнинг «Инсон» шеъридаги инсон талқинини эслайлик. Шоир инсоннинг бугунги камолоти, инсон даҳосининг заковати — фан-техника бобида эришган мислсиз ютуқлари ҳақида ёзади:

Миндинг илм нарвонига,
Чиқдинг фунун осмонига,
Бу жаҳон айвонига
Аркон ўзинг, вайрон ўзинг.

Қаранг, шоир фан-техника тараққиёти туфайли бугунги кунда инсон жаҳон айвонига «аркон» даражасига кўтарилганини айта туриб, шу «аркон» айни пайтда «вайрон» эканини писанда қилиб ўтади. Сўнг бу фикрни ривожлантириб дейди:

Заррани ижод этиб,
Даҳшат бало бунёд этиб,
Оқибатни ёд этиб
Ҳайрон ўзинг, ҳайрон ўзинг.

Йўқ, шоир инсоннинг буюк кашфиёти оқибати нуқул даҳшату балолардан иборат деб билмайди, буюк кашфиётларни эзгуликка хизмат эттириш ҳам шу инсоннинг ўз қўлида, ўз ихтиёрида:

Боғи арз обод эрур
Сендан агар имдод эрур,
Йўқса у барбод эрур,
Тўфон ўзинг, тўғон ўзинг.

Ҳудди шу хилдаги диалектик тафаккур боя тилга олинган барча асарларга ҳам хосдир.

«Муҳаббатнома» ва «Садоқатнома»дан жой олган асарлар шаклий ранг-баранглиги, ўзбек шеъриятининг поэтик имкониятларини намойиш этиши жиҳатидан ҳам эътиборга сазовордир. Улардаги шеърлар шакл бобида традиция ва новаторлик хусусида кенг баҳс юритиш, тадқиқотлар олиб бориш учун имкон беради. Шакл устида сўз кетганда, кўпинча бирор ижодкорнинг бошқа бир санъаткордан ўрганиши, масалан, шакл бобида унинг тажрибасини ўзлаштиргани, қандайдир анъаналарни давом эттиргани, миллий адабиётга олиб киргани ҳақида гапирилади; табиийки, бу гапларга «ижодий ўзлаштириш», «ижодий давом эттириш» иборалари илова қилинади... Сиртдан қарагандагина ижодкор шунчаки мавжуд шакллардан фойдаланаётгандай, тайёр анъаналарни, тажрибаларни давом эттираётгандай туюлади. Аслида эса ҳақиқий шаклларни бутунлай янгидан ўзича кашф этади. Бир қарағанда, Навоий, Бобур, Машраб анъанавий аруз вазнида, ғазалда, бинобарин, тайёр шаклларда ижод этгандай бўлиб кўринади. Аслида бу даҳо шоирларнинг ҳар бири ўша анъанавий аруз, ғазал бағрида ўз аруз ва ғазал жанрларини яратганлар. Фақат ташқи кўринишда бу шоирлар қўллаган ғазал шаклларида — ҳижо турлари, қофиялаш тартибларида муштараклик мавжуд, холос. Аммо шаклнинг туб моҳиятини белгиловчи ички ҳиссий оҳанг, шоир қалбининг тебранишлари, хилма-хил жилолари, садоси жиҳатидан улар бир-биридан кескин фарқланадилар. Ҳушёр, нозиктаъб китобхонни шеърнинг ҳижолари, қофиялари эмас, шеърдаги ҳиссий оҳанг, қалб тебранишлари, садоси мафтун этади...

Шоир ғазаллари, муайян камкўстларига қарамай, унинг ўз арузи, ўз ғазал шаклига айлангани учун ҳам адабиётимиз, шеъриятимиз ривожида ҳодиса бўлолди. Эркиннинг ғазалларида биз фақат Эркиннинг ўзигагина хос шаклни, шаклни юзага келтирадиган ҳиссий оҳангни, қалб садосини, тебранишларини кўрамиз. Бошқа энг яхши шеър, достонларда, хусусан «Нидо», «Палаткада ёзилган достон», «Руҳлар исёни», «Истамбул фожиаси»да ҳам Эркин Воҳидов ўз шеърий-жанрий шаклини кашф этолган.

«Муҳаббатнома», хусусан «Садоқатнома»га кирган асарлар шаклига, умуман Эркин Воҳидовнинг шаклий-услубий изланишларига хос яна иккита хусусиятга эътиборни тортмоқчиман.

Булардан бири шуки, шоир шеърларида ривоят усули кенг қўлланилмоқда, шоирда воқеабанд шеърлар ёзишга мойиллик ортиб бормоқда. Иккинчиси шуки, ҳаётни айни ўз кўринишида гавдалантирувчи лавҳалар билан бирга шартли, символик-рамзий характердаги ҳодисалар, афсона-ривоятлар, притча-ҳикоятлар ҳам яратаётир. Шуниси муҳимки, шоирнинг ҳаётни, ҳаёт ҳодисаларини ўз кўринишида гавдалантирган энг яхши воқеабанд шеърлари («Оқсоқол», «Тушлик танаффус») қатори «Замин ташвишлари», «Арслон ўйнатувчи», «Темиртан даҳолар», «Қумурсқалар жанги» сингари шартли, рамзий йўлдаги шеърларида ҳам реализм чуқур. Чунки бу шеърлардаги шартли, рамзий ифодалар реал ҳақиқатнинг, инсон ҳаётининг туб маъносини, моҳиятини очишга қаратилган.

Ниҳоят, «Садоқатнома»даги икки асар — «Руҳлар исёни» ва «Истамбул фожиаси» ҳақида махсус тўхталмай ўтиш мумкин эмас. Бу икки асар Эркин Воҳидов ҳозиргача босиб ўтган ижодий йўлнинг энг баланд чўққиси, узоқ йиллик ижодий изланишларнинг муайян якунидир.

«Руҳлар исёни» — аввало қаҳрамонлик достони. Унда автор асримиз бошларида чақмоқдек яраклаб шеъриятда ўчмас из қолдирган, ҳаётини эл-юрт бахти, эрки йўлида фидо этган оташин бенгал шоири Назрул Ислом жасоратини улуғлайди, қалбини, қалб туғёнларини очади. Шу билан баробар «Руҳлар исёни» — фалсафий достон; шоир Назрул Ислом жасорати, фидойилиги, аччиқ қисмати баҳонасида ҳаётнинг, инсон умрининг, қалбининг хилма-хил жилолари, муаммолари устида ўй-мушоҳадаларга толади, ўқувчи дилини жунбишга келтирадиган фикр-мулоҳазаларни илгари суради.

«Руҳлар исёни» — шакл жиҳатидан ҳам ўзига хос, новаторона асар. У хилма-хил шеърий шакллар, оҳанглар, ритмлар, ҳам фактик, ҳам хаёлий лавҳалар, реалистик ва шартли-символик ифодалар синтезидан ташкил топган. Айни шу томони билан ҳам, ҳаёт ҳақиқатини бутун мураккаблиги, зиддиятлари билан поэтик идрок этиш, таҳлил қилиш тарзи жиҳатидан ҳам асар ҳозирги умумиттифоқ, жаҳон тараққийпарвар адабиётидаги энг самарали тенденцияларга оҳангдошдир.

«Истамбул фожиаси» яна худди ўша — ҳозирги давр адабиётидаги муҳим бир йўналишга мансуб асар экани, яъни ҳаётни, инсон тақдири ва шахсини бутун мураккабликлари, зиддиятлари билан ифода этишга қаратилгани, инсон қалбини туб-тубигача очиб бергани, қалб қийноқлари, изтиробларини бор бўйича бера олгани билан ғоят қимматлидир.

Бу асар инсоннинг инсон олдидаги бурчи, масъулияти ҳақидаги достондир; худбинлик, ўзгалар майли, манфаатига нописандлик туфайли келиб чиққан мудҳиш гуноҳ ва унинг узоқ вақт пинҳона кечган оғир жароҳатлари ҳақидаги достондир; бу — узоқ йиллар чангда қолган, ғафлат босган виждоннинг уйғониши, уйғонган виждон туғёнлари ҳақидаги достондир. Бу мешчанларча ҳаёт тарзига, ҳар қандай қаллоблик, нопоклик, кўзбўямачилик, сохтагарчиликларга қарши қаратилган, ҳаётимизни поклаш, ҳалол яшашга монелик қилаётган ғуборлардан халос қилиш, ижтимоий адолат ғояси билан йўғрилган достондир. Шоир бу асарида инсон қалби драмаларини, изтироб-қийноқларини фавқулодда бир маҳорат билан кўрсата олган; икки қондош оға-ини ва айни пайтда икки ашаддий рақиб қалби алам-изтиробларини, армонларини умуминсоний фарёд, умумбашарий туғён даражасига кўтара билган.

Шоирнинг энг яхши асарлари, хусусан «Нидо», «Руҳлар исёни» достонлари москвалик таниқли шоир, танқидчилар томонидан кўпмиллатли совет адабиётининг жиддий ютуғи сифатида эътироф этилмоқда. Р. Рождественский Эркин Воҳидовнинг достонлари ўқувчи қалб торини «чертадиган» асарлар эканини, «Нидо» «самимияти ва шафқатсизлиги» билан дилига яқин, «Руҳлар исёни» эса «кўпқаватли ва кўповозли» экани билан ўзига ёққанини айтади. «Бу ерда,— деб ёзади у,— муаллиф овозининг жамики имкониятлари, шивирлашдан то ҳайқириққа қадар барча пардалари намоён бўлган». Танқидчи Л. Лавлинский «Ҳозирги поэма уфқлари» мақоласида («Вопросы литературы» журнали, 1986 йил, 4-сон) «Руҳлар исёни» устида махсус тўхталиб, ундаги аниқ тарихий давр нафасини ифодалаш санъати, асарнинг мураккаб, ўзига хос новаторона шаклий-услубий хусусиятлари ҳақида мароқ билан гапиради.

Айтилганлардан ҳам кўриниб турибдики, «Муҳаббатнома» ва «Садоқатнома»нинг нашр этилиши маданий ҳаётимизда муҳим ҳодиса, шеъриятимиз эришган жиддий ютуқларнинг ўзига хос бир намойиши бўлди.

Тўпламлардаги барча асарлар бирдек етук, ҳар жиҳатдан баркамол эмас, албатта. Шоирнинг илк ижоди намуналари, болалар учун ёзганлари орасида, бугунги кун талаблари даражасида туриб ёндошганда, анчайин жўн, ибтидоийроқ шеърлари ҳам учрайди.

Бир неча оғиз сўз шоирнинг таржималари ҳақида. У таржимонликни ҳеч қачон касб — сабаби тирикчилик деб билган, энг муҳими, дуч келган асарларни таржима қилаверган эмас. Бинобарин замонамизга ҳамоҳанг, замондошларимизга зарур бўлган асарларнигина, жаҳон шеърияти дурдоналарингина она тилига ўгирган.

Менинг куфрим айбларга
дилимдан ўзга султон йўқ,
Бу оламда менинг покиза
имонимдек имон йўқ.

Буюк аллома Абу Али ибн Синонинг минг йил бурун битилган бу рубоийсидаги аламларга тўла дил фарёдини она тилида бу қадар катта дард билан янгратиш осон эмас. Ёки:

Шаҳинам, о менинг Шаҳинам,
Билсанг, шимол Ватандир менга.
Далалардан сўйлайми сенга,
Ой нур сепган бошоқлардан ҳам,
Шаҳинам, о менинг Шаҳинам,—

сингари рус тупроғи нафаси уфуриб турган, Шарққа шайдо шоирнинг ўта самимий сатрларини худди С. Есенининг ўзи бўлиб она тилида куйлаш, сатрлардаги миллий руҳни тўла сақлаб қолган ҳолда уни ўзбекона жаранглатиш нақадар улуғ бахт!

Эркин Воҳидов кўнглидаги шеъриятга, эл-юртга бўлган улкан меҳр уни яна юксак ижодий парвозларга чорлайвераги, ижодий парвознинг эса чеки-чегараси йўқ.

«Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллигига

ШИДДАТЛИ ЙИЛЛАР САБОҒИ

Йўқсилларга эрк, тенглик, фаровонлик ваъда этаётган ёш Советлар ҳокимияти эндигина қарор топаётган бир пайтда ўтмишда ҳақ-ҳуқуқи таъқирланган ўзбек хотин-қизларини жаҳолат ботқоғидан олиб чиқиш тадбирларининг амалга ошиши олам-шумул ижтимоий-сиёсий воқеа эди.

Партия ва ҳукуматимиз бу борада қатор ғоявий сафарбарлик тадбирларини ишлаб чиқдилар. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг 1927 йил март ойида бўлиб ўтган Пленумида хотин-қизларни озодликка чиқариш, уларнинг турмушдаги фаолиятини ошириш масаласи махсус муҳокама қилинди. Пленумда қабул қилинган қарорда хотин-қизларни озод қилишнинг ташкилий, идеологик, ҳуқуқий асослари белгилаб берилди. Шундан сўнг республика қишлоқ ва шаҳарларида хотин-қизларни паранжи ташлашга чақириш, уларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш ва фаоллигини ошириш, тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш масалаларига бағишланган оммавий митинглар ўтказиш ишлари қизиб кетди.

Хотин-қизлар озодлиги душманларига нисбатан эса қатъий чоралар жорий этилди. Аёллар саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги артеллари, фан ва маориф, медицина ва маданият муассасалари қошида уюша бошладилар. Хотин-қизлар клублари, саводсизликни тугатиш курслари, бошланғич билим берадиган мактаблар ташкил этилди. Масалан, 1928 йилда Ўзбекистонда 139 артель бўлиб, уларда 8 мингдан кўпроқ аёл ишларди, бундан ташқари, касаба союзлар ташкил қилган маҳаллий саноат корхоналарига 2 минг хотин-қиз ишга жалб этилди.

Бундай ижтимоий-сиёсий тадбирлар натижасида уларнинг онги, фаоллиги ўсди. Биргина 1927 йилнинг ўзида 100 мингдан зиёд хотин-қизлар паранжиларини ташладилар. Масалан, ўша тарихий йилда Наманган шаҳридаги Курашхона, Сардоба, Чорсу даҳаларида бўлиб ўтган митингларда ўн минглаб хотин-қизлар қатнашиб, паранжи-чачвонларини гулханга улоқтирганлар. «Ана шу жасоратли аёллар сафида Ҳамрохон Эралиева, Тўхтахон Шарофбоева, Ҳабибахон Мирзаакбарова, Мушаррафхон Иномова сингари фаоллар бор эди, — деб эслайди меҳнат ветерани Ҳожира ая Қирғизбоева. — Улар уйма-уй юриб хотин-қизларни паранжи ташлашга даъват этар эдилар».

Норин районидаги Норинкапа қишлоғилик Хосиятхон, Турдихон, Шакархон исмли хотин-қизлар биринчилар қаторида паранжисини ташлаб, кўпчиликка ўрнак бўлган бўлса, Чуст районидан Х. Абдуллаева, З. Баҳрамова, Ш. Бойматова ҳужум ҳаракатининг фаолиятини қўллаб-қувватлаганлар. Шарофат Бойматова ўзбек ишчи ва деҳқон хотин-қизларининг биринчи съездига делегат бўлиб қатнашиш шарафига муяссар бўлади.

Шуни алоҳида эътиборда тутиш керакки, ҳужум ҳаракати осон, бир текис кечмади. У кескин синфий кураш, ошкора тўқнашувлар муҳитида ўтди. Янги тузум душманлари ислом ва шариат номи билан иш юритиб, авом халқнинг онгини заҳарладилар, баъзи жоҳил эркакларни озодликка интилган аёлларга қарши қўйдилар. Шу боисдан ҳам баъзи аёлларни ваҳшийларча ўлдириш ҳоллари юз берди. Бироқ, асрий тутқунликка қарши бошланган озодлик тўлқинини ҳеч бир қора куч тўхтатолмади.

Хотин-қизлар озодлиги учун кураш қудратли халқ ҳаракатига айланди. «Ҳужум» ҳаракатининг шонли 60 йиллигини нишонлар эканмиз, унинг республикамиз ижтимоий ҳаётида беқиёс роль ўйнаганини мамнуният билан эътироф этамиз. Масалан, биргина Наманган областида ҳозир 6 нафар хотин-қиз Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон эгаси, 16 киши СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутатлари деган нуфузли мартабага сазовор.

Жумладан, «КПСС XXV съезди» номидаги Аврли шойи газламалар комбинатининг ипак йигирувчиси Раъно Қаюмова, Чуст районидаги Гагарин номли совхоз ишчиси Малика Достонованинг депутат сифатида СССР Олий Совети сессияларида қатнашиб, давлат аҳамиятига молик муҳим масалалар муҳокамасида иштироки мисолида Совет даврида хотин-қизлар нақадар юксак эътиборга эга эканлигини кўриб турибмиз.

СССР Конституциясида хотин-қизларга катта ҳуқуқлар берилгани алоҳида қайд этилган. Масалан, Ўзбекистон ССР Конституциясининг 33-моддасида: «Ўзбекистон ССРдаги хотин-қизлар ва эрлар тенг ҳуқуққа эга, хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлигини бузиш, яъни уларнинг билим олиш, касб танлаш, давлат, жамоат ишларида ва маданий ҳаётда қатнашишига тўсқинлик қилиш; оила ва турмушда уларни камситиш жиноят ҳисобланиб, қонун асосида жазоланади», деб таъкидланган.

Дарҳақиқат, Совет ҳукумати оналик ва болалик ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва уларга шароит яратиш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга мўлжалланган Давлат плани тўғрисидаги СССР қонунида ҳам болали оналарга ғамхўрликни янада кучайтириш кўзда тутилган. Мазкур ҳужжатга асосан ёш болали оналарга қисман ҳақ тўланадиган отпуска муддатини гўдаги бир ярим ёшга етгунча узайтириш, айни вақтда боласи 2 ёшга етгунча ҳақ тўланадиган қўшимча отпуска белгиланди. Шунингдек, ҳомиладор аёлларнинг бола туғилишигача бериладиган отпуска муддати 56 иш кунидан 70 иш кунигача ва бемор болани боқиш учун ҳақ тўланадиган отпуска 14 кунгача узайтирилди.

«Ҳаёт муттасил олға бормоқда, янгилик воқелигимизга тобора кенгроқ кириб келаётир, — деб таъкидлади И. Б. Усмонхўжаев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленумида. — Ўлкамизда хотин-қизлар масаласини ҳал этишда чинакам революцион ўзгаришлар юз берди. Хотин-қизларни озодликка чиқаришнинг ютуқлари тўғрисида кўп гапиришга эҳтиёж йўқ, бу ютуқларни жаҳон халқлари кўриб турибдилар. Аммо мана шундай вазиятда хотин-қизларга нисбатан бой-феодалларча муносабатнинг айрим кўринишлари борки, уларнинг жирканчлиги яққолроқ кўзга ташланмоқда. Оилада хотин-қизларни камситиш, уларнинг қадр-қимматини, инсоний ҳақ-ҳуқуқларини менсимаслик ҳоллари айрим жойларда учраб турмоқда».

«Наманган областида ёш аёллар ҳозир ҳам бошқача кўринишдаги паранжини ёпинишга мажбур бўлаётирлар», — деб танқид қилинди Ўзбекистон Компартияси XXI съездида. Область партия, совет, комсомол, касаба союз ва жамоат ташкилотлари ана шу ҳаққоний танқиддан тўғри хулоса чиқариб, ташкилий-тарбиявий ишларни амалга оширмоқдалар.

«Ҳужум» ҳаракатининг ўзига хос давоми ўлароқ «Наманган ҳақиқати» газетасининг 1986 йил 2 апрель сонида бир гуруҳ илғор аёлларнинг область хотин-қизларига қарата «Епинчиқдан халос бўлайлик!» деган даъваткор мурожаати эълон қилинди. Бу муҳим ҳужжат барча меҳнат коллективларида, аҳоли орасида қизғин муҳокама қилинди. Кези келганда шу нарсани ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз бўлади. Қандайдир сабабларга кўра, Наманган, Чуст, Косонсой, Чортоқ шаҳарларида, айрим районларда хотин-қизларнинг маълум қисми ижтимоий-фойдали меҳнатдан четда қолиб келмоқдалар. Уйрўзғор ташвишлари билан хонадонларда ўралашиб қолган бундай аёлларда диний ирим-сиримларга мойиллик ҳоллари кузатилади. Уларни фойдали жамоат ишларига жалб этишнинг амалий тадбирлари суст даражада. Бу борада уйга иш бериш, уларни комбинат, фабрика, маиший хизмат корхоналарига ишга жалб этиш яхши самара берарди. Аслида шундай ишлар қилинаяпти ҳам, аммо бу ҳали етарли эмас. Биргина Чуст шаҳридаги бадиий буюмлар фабрикаси 1 минг 800 нафар хотин-қизга уйига иш бериш билан уларни фойдали меҳнатга жалб қилди. Наманган шаҳридаги «КПСС XXV съезди» номли Аврли шойи газламалар комбинати хотин-қизлар Советининг бу борадаги фаолияти эътиборга молик. Совет аъзолари комбинат оталиғидаги «Иттифоқ», «Обод», «Зарафшон», «Ударник» маҳаллаларида тушунтириш ишлари олиб бориб, ишламаётган аёлларни фойдали меҳнатга жалб қилдилар. 150 дан зиёд уй бекаси комбинатга ишга кирди.

Хуллас, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми қарорини амалга ошириш Наманган области меҳнаткашлари фаолиятида ҳам ёркин намоён бўлаяпти.

Эркин ШАРИПОВ,
фалсафа фанлари кандидати

Наманган



Улкан чодир

Саудия Арабистонида диаметри 288 метр бўлган — дунёда энг улкан чодир тайёрланди. Уни тефлон материалидан ясалган ялтироқсимон плёнка билан қопланган 60 метр баландликдаги 24 та устун тутиб туради. Плёнка қуёш иссиқлигини ўзидан тез ўтказади. Шунинг учун ҳам бу бошпананинг ичи илиқ ва салқин. Чодир 65 минг томошабин сигадиган стадионни ёғин-сочинли кунларда беркитишга мўлжалланган.

Осма йўл қулай

Жаҳоннинг йирик шаҳарларида енгил автомашиналарнинг кўпайиши кўча ҳаракатини қийинлаштирмоқда. Шунинг учун ҳам бундай шаҳарларда жамоат транспортини ривожлантириш мақсадида метро қурилишига эътибор берилмоқда. Лекин метро қулай бўлса-да, уни қуриш икки жиҳатдан қийин: у узоқ муддатда қурилади ва харажат кўп кетади. Шу боисдан бўлса керак, Сидней шаҳар ҳокимияти шаҳар марказини дам олиш зонаси билан осма йўл орқали боғлашни маъқул кўрди. 3,6 километр узунликдаги осма йўл соатига 5 минг пассажирни ташишга мўлжалланган.

Хотира куни

БИРИНЧИЛАРДАН ЭДИ

Ленинча миллий сиёсатнинг натижаси ўлароқ Улуғ Октябрь инқилобидан кейинги дастлабки йиллардаёқ маҳаллий халқ ёшлари орасидан истеъдодли олимлар, атоқли фан-маданият арбоблари етишиб чиқдилар. Шундайлардан бири Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий эди. Унинг кўп йиллик самарали фаолияти Ўзбекистоннинг умумий тараққиёт йўли ва ҳозирги камолоти билан, республикамиз ижтимоий ҳаёти, маданияти ва фанининг равнақи билан чамбарчас боғлиқдир.

Қори-Ниёзий Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан то умрининг охиригача ўз билими, бутун куч-қуввати, ақл-заковати ва зўр ташкилотчилик фаолиятини эл-юрт учун, Ватан бахт-саодати учун сарфлади. У ўрта мактабнинг оддий ўқитувчилигидан олий ўқув юртларининг профессори, УзССР Фанлар академиясининг президенти даражасига кўтарилди, ўзининг сермазмун фаолияти билан республикамизда маданият ва фаннинг тараққиётига камарбаста бўлди.

Қори-Ниёзий Улуғ Октябрнинг шарофати билан ўзининг бутун қобилиятини рўёбга чиқараолди. У Ўзбекистонда биринчи ўзбек совет мактабини очди, бу мактабга Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийни ҳам жалб қилди, болаларни ўқитди, уларни музика чалишга ўргатди, мактабни бошқарди. Қори-Ниёзий ўзи очган мактабни ёвуз ниятли кишилардан ҳимоя қилди, зарур бўлганда эса қўлига қурол олиб, босмачиларга қарши курашди...

Революциядан илгариёқ рус тилини яхши билган Қори-Ниёзий Ўзбекистондаги етакчи рус олимлари билан, хусусан, Тошкент математика мактабининг асосчиси ва раҳбари В. И. Романовский, географ ва музшунос Н. Л. Корженевский, антрополог Л. В. Ошанин билан яқин, дўстона муносабатда бўлди.

Академик Тошмуҳаммад Қори-Ниёзийнинг муҳим йирик асарлари — «Улуғбекнинг астрономик мактаби» ва «Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар»нинг Москвада нашр этилиши республикамиз маданий ҳаёти учун муҳим воқеа бўлди. Табиатан камтар Тошмуҳаммад Ниёзович ўзини математик ва фан тарихи бўйича мутахассис деб ҳисобларди. Ваҳолонки, у ана шу ихтисосликлардан ташқари, Шарқ ва Ғарб фалсафаси, тарих, сиёсий иқтисод, адабиёт, санъат фанларидан ҳам хабардор бўлган қамровли кенг олим эди.

В. И. Романовский ва Қори-Ниёзий номлари билан боғлиқ бўлган ўзбек совет математика фанини улардан кейинги авлод вакиллари Т. Саримсоқов, С. Сирожиддинов, М. Салоҳиддинов, Г. Матвиевская ўзларининг илмий ютуқлари билан янги поғонага кўтардилар.

Академик Қори-Ниёзийнинг ўзбек совет маданияти олдидаги алоҳида хизмати шундаки, у талайгина ишларни биринчи бўлиб бошлаб берди: биринчи ўзбек совет мактабини очди, биринчи мураббий, ўзбек фарзандлари ичидан етишиб чиққан тўнғич совет математиги, фан доктори ва профессор; олий ўқув юртлари учун математикадан дастлабки дарсликни яратди, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ташкилотчиларидан бири, академиянинг биринчи президенти бўлди, ўзбек олимлари орасида биринчилар қатори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. У ана шундай юксак эътибор ва обрўга эришганлардан эди.

Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий сермаҳсул олим эди. Унинг ўзбек, рус, инглиз тилларида 300 тага яқин илмий асари, монография ва мақолалари босилган, китоб ва мақолалари ер куррасининг барча қитъаларида, жумладан Токио, Вашингтон, Лондон, Лейден, Сидней, Кембриж, Рим, Бўмбай каби шаҳарларда чоп этилган илмий тўпламларда қайд этилган.



Қори-Ниёзийнинг СССР Давлат мукофотига сазовор бўлган «Улуғбекнинг астрономик мактаби» асари чет элларда ҳам машҳур бўлиб кетди.

Ўзбекистон математикларининг бир неча авлоди Тошмуҳаммад Қори-Ниёзийнинг «Тўғри чизиқли тригонометрия ва унинг космографияга татбиқи», «Аналитик ҳандаса», «Русча-ўзбекча математика терминлари сўзлиги», «Дифференциал ва интеграл ҳисоб», «Асосий аналитик геометрия курси», «Асосий математик анализ курси» каби дарслик ва қўлланмаларини ўқиб вояга етганлар. Физика-математика соҳасидаги бугунги атоқли олимларимизнинг аксарияти турли вақтларда академик Қори-Ниёзий қўлида таълим олганлар. У тайёрлаган кадрлар орасида кўплаб инженерлар ва агрономлар, педагоглар ва бошқа соҳаларнинг мутахассислари, салоҳиятли олимлар бор.

Тошмуҳаммад Қори-Ниёзийнинг кадрлар тайёрлашдаги фаолияти «Ўн уч қалдирғоч» кинофильмида ёрқин ифода этилган. Ана шу ўн уч қалдирғочлардан бири, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Халқаро Зоология академиясининг ҳақиқий аъзоси, марҳум Теша Зоҳидов устози Тошмуҳаммад Қори-Ниёзийнинг маърифат соҳасидаги хизмати ҳақида: «Бизларни социалистик жамият қуриш ишига лойиқ кишилар қилиб тайёрлаш учун озмунча меҳнат сарф этмадингиз. Ҳар кунги расмий жадвалда кўрсатилган дарслардан ташқари, яна кечқурунлари ҳам бизлар билан машғулот ўтказар эдингиз. Бу меҳнатларингиз зое кетмади. Сиз экқан ниҳоллар тез орада ўзини тутиб олди, мева бера бошлади, ўни юз, юзи минг, минги ҳатто ўн минглаб мевалар берди», деб ёзади.

Академик Қори-Ниёзийнинг жамоат арбоби сифатидаги хизматлари ҳам ибратли эди. У бир неча йил давомида республика Халқ Комиссарлари Совети қошидаги Фан комитетининг раиси, сўнгра эса СССР Фанлар академияси Ўзбекистон филиали Президиумининг раиси лавозимларида ҳам республикамизда илм-фан тараққиёти учун ташкилотчилик намунасини кўрсатди. 1943 йилда эса Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ташкил этилиши билан у биринчилар қаторида академия аъзолигига сайланди ва президентлик лавозимига кўтарилди.

Олим бир неча йил Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссари, республика Халқ Комиссарлари Совети раисининг ўринбосари лавозимларида ишлаган кезларида муҳим партия ва давлат топшириқларини бажарди. Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон олимлари фашистларга қарши кураш комитети раиси вазифасини бажарди.

Қори-Ниёзий халқимизнинг асл ватанпарвар фарзанди сифатида республикамиз фани ва маданияти тараққиёти ҳақида жонкуярлик қилди; ёшлар тарбияси, уларнинг одоб-аҳлоқи борасида фаоллик кўрсатди. У доим иш ва ўй, янги режалар билан банд бўларди. Иш режими унинг учун қатъий қонун эди. Унинг ишчанлик ва ўзига нисбатан талабчанлик фаолияти бошқалар учун ҳамиша ибрат эди.

«Агарда «иш» тушунчасига кенг маънода қаралса, — деб ёзган эди олим бу ҳақда, — уйқу соатларидан қолган соатлар иш билан ўтади. Ўрта ҳисобда, бир суткада олти соат ухлайман. Демак, асосан «иш куни» 18 соатдан иборат. Бу ерда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, «иш» тушунчасига манфаатпарастлик нуқтаи назаридан қараб бўлмайди, чунки ҳаётнинг турли муаммолари устида тафаккурда бўлиш менинг учун катта ва муҳим иш...»

У ўзи бош муҳаррирлик қилган «Фан ва турмуш» журнали редакцияси ишига катта масъулият билан қararди. Олим доим ишлашдан, одамлар билан мулоқотда бўлишдан завқланар, ҳар бир кичик масалалардан ҳам ижтимоий маъно қидирар эди.

Охирги вақтларда биз шогирдлари у кишини аяб: «Қори ака! Ўзингизни кўп уринтираверманг. Сизнинг саломатлигингиз биз учун катта давлат!» десак ҳам, устоз «гапларингиз тўғри» деган мазмунда индамай бош силкитарди-да, яна ишга берилиб кетарди.

Устоз олим ваъдасига ҳамиша вафодор инсон эди. Шу ўринда оддий бир мисол. 1969 йилнинг баҳор ойлари бўлса керак, Қори-Ниёзий бир воқеани айтиб берди. Москвадаги «Политиздат» нашриётидан олим номига хат келади. Унда нашриёт бош муҳаррири «Ҳаёт мактаби»ни Москвада чиқариш учун нашрга тайёрлаб беришини Тошмуҳаммад Ниёзовичдан илтимос қилади. Қори ака қўлёзмани 1970 йилда тайёрлаб юборишга розилик беради. У жавоб мактубини машинкада кўчиририб, Москвага жўнатади. Эртаси куни мактубнинг иккинчи нусхасини архивга тикаётганида қараса, унда «1970 йил» ўрнига машинистканинг айби билан «1969 йил ўрталарида қўлёзмани тайёрлаб юбораман» деб ёзилиб кетибди. Нима қилиш керак? Хат жўнатилган. Нашриёт бош муҳарририга узр сўраб яна тузатиш хати юборишга ноқулай эди. Олим иш билан ниҳоятда банд бўлишига қарамай китобни ўша кўрсатилган муддатда тайёрлаб нашриётга юборади.

Гарчи, у жисман орамизда йўқ бўлса-да, унинг иш режалари шогирдлари фаолиятида давом этаётир. Номини эса халқимиз эъзозлаб келмоқда.

Ҳа, халқ бахти йўлида меҳнат қилган, эзгулик уруғини сочган, яхши деб ном қолдирган кишилар халқ қалбидан ҳеч қачон ўчмайди. Тошмуҳаммад Ниёзович Қори-Ниёзий ҳам ана шундай саодатга эришган кишилардан эди.

Ҳусниддин НУРМУҲАМЕДОВ,
тарих фанлари кандидати



ХАЛҚ МУЗИКАСИ ХАЗИНАБОНИ

ЮНУС РАЖАБИЙ ТАВАЛЛУДИГА 90 ЙИЛ ТЎЛДИ

Юнус Ражабий ўзбек совет музика санъатининг равнақи йўлида ҳормай-толмай хизмат қилган катта санъаткор, академик, камтарин инсон, моҳир созандаю хонанда эди. Унинг босиб ўтган ҳаёт йўли ғоятда бой ва сермазмун, санъатимизнинг келажак авлоди учун ибратлидир. Сиз-у биз ҳозир яшаб турган тупроқдан археологик қазилмалар натижасида топилаётган тасвирий санъат обидалари, осори-атиқалар эрамизгача бўлган I асрнинг бошларидаёқ ўлкамизда музика асбоблари мавжуд бўлганидан, музика санъати ривожланганидан дарак беради.

Асрлар оша ўз сирини очаётган тарих юртимизда моҳир созанда ва хонандалар билан бирга музикашунослар ҳам етишиб чиққанлигига гувоҳлик бермоқда. Сирдарё соҳилларида жойлашган Фороб қишлоғида туғилиб, камол топган файласуф, математик ва моҳир муғанний, музика илмининг катта билимдони Абу Наср Форобий ҳақидаги маълумотлар, бухоролик олим, файласуф, тиб билимларининг донишманди Абу Али ибн Сино, Абу Абдуллоҳ Хоразмий ва Бобурнинг мусиқага доир рисолалари бугунги кунда жаҳон музика маданияти тараққиётига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилганлиги сир эмас.

Ана шу бой маданий мерос, халқ мусиқасидан баҳрамандлик Юнус Ражабийнинг кейинчалик миллий музикамиз алломаси сифатида танилишига замин бўлди.

Юнус Ражабий Тошкентнинг Чақар маҳалласида дунёга келди. Отаси Ражаб қассоб «осмон баланд, ер қаттиқ замон» бўлишига қарамай, сершавқ, нозик таъб эгаси, унча-мунча хиргойи қилиб юргувчи киши эди. Бўлажак санъаткор отаси билан йиғинларга, чойхоналарга борар ва у ерларда созанда, хонандалар ижросида куй-қўшиқлар тинглар эди. Шундай қилиб, у музикага жуда ёшлигидан ихлос қўйди.

Дастлаб ёш Юнус акаси — танбурчи Ризқи Ражабийга жўр бўлиб дуторда машқ қила бошлайди, баъзи енгил куй ва қўшиқлар ижросини ўзлаштиради. Ўша кезлари у Мирзақосим, Набихўжа ҳофизлардан мақомнинг Тошкент ва Фарғона йўлларини тинглаб, уларнинг ижро йўлларини ўрганади. Кейинчалик машҳур санъаткор Мулла Тўйчи ҳофиз Тошмуҳамедовнинг ижрочилик маҳорати билан яқиндан ошно бўлади. Шораҳим Шоумаров, Иноғом ҳофиз ва Илҳом ҳофизлар куйлайдиган ашула йўллари билан танишади. Айниқса Мулла Тўйчи ҳофиз услуби Юнус Ражабийга баракали таъсир кўрсатди.

Шу тариқа Юнус Ражабий Улуғ Октябрь социалистик революцияси арафасида эл оғзига тушган мутриб ва ҳофиз бўлиб қолган эди. Буюк инқилоб Юнус Ражабий ва унга ўхшаш минглаб санъаткорларнинг ижодий фаолияти учун порлоқ истиқбол очиб берди. 1919 йилда Тошкентда очилган Халқ консерваториясининг миллий музика бўлимига кириб ўқир экан, Юнус Ражабий айни замонда Ш. Шоумаров кўмагида Тошкент ва Фарғонада машҳур бўлган мақом йўлларини бекаму кўст ўрганиб олади.

1923 йилда партия ва ҳукуматимизнинг топшириғи билан Самарқандга ишга юборилган Ю. Ражабий ўзбек музика билим юртида муаллим, Самарқанд музика театрида музика бошлиғи бўлиб фаолият кўрсатар экан, атоқли ҳофиз ва бастакор Ҳожи Абдулазиз, Домла Ҳалим Ибодовдан мақомнинг самарқандча йўлларини сидқу зарифлик билан ўзлаштирди, мустақил тарзда кичик-кичик куйлар яратиб, хонандалик ва созандалик истеъдодини уларнинг назаридан ўтказди.

Юнус Ражабийнинг ҳофизлик, созандалик ва бастакорлик истеъдоди кўпроқ оригиналликка интилиши, асрлар синовидан ўтиб келаётган ижрочилик анъаналарига муҳаббат билан қараб, ундан ижодий фойдаланишида кўринди.

Устозлар ўгити, уларнинг йўл-йўриқлари санъаткорнинг кейинги йиллардаги фаолиятида ва изланишларида муҳим аҳамият касб этди. 1927 йилда бастакор халқ чолғу асбоблари ансамбли (кейинчалик оркестр) ташкил этди. Унинг раҳбари сифатида бой музика меросимизни тарғиб қилди, хусусан, Янгийўл театрида бадиий раҳбар бўлиб ишлаганида, унинг бастакорлик фаолиятининг ёркин қирралари намоён бўлди.

«Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Рустам», «Муқанна» «Қасос», «Нодира», «Қўчқор Турдиев» каби спектакларнинг ўзбек совет театри тарихида ўзига хос ўрни бор. Уларнинг аримлари ҳозир ҳам саҳнада ижро



Юнус Ражабий (биринчи қатор, чапдан учинчи) дўстлари ва шогирдлари: Исҳоқ Катаев, Ориф Алимахсумов, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Карим Мўминов, (иккинчи қатор) Сирож Аминов, Коммуна Исмоилова, Шокиржон Эргашев даврасида.

МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИБ...

КПСС Марказий Комитетининг умумий таълимни ислоҳ қилиш ҳақидаги қарори асосида А. С. Макаренко номидаги педагогика билим юртида ҳам эътиборга молик ишлар қилинмоқда. Билим юртининг бошланғич синф ўқитувчилари тайёрлаш бўлимида машғулотлар замонавий техника воситалари билан жиҳозланган фан кабинетларида ўтказилади. Бўлим қошида бир қатор фанлар билан бирга музика, хор, духовой оркестр, вокал-чолғу, халқ чолғу, дуторчи қизлар ансамблларини, турли ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди. СССР халқ маорифи аълочиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Ўлмас Ҳамидов раҳбарлигидаги халқ театри студентларни маънавий жиҳатдан камол топтиришда муҳим роль ўйнамоқда. Театр саҳнасида «Гулсара», «Заҳарли ҳаёт», «Нурхон», «Абдулла Набиев», «Олтинкўл», «Уйланиш», «Мен уйга қайтаман» сингари қирқдан ортиқ саҳна асарлари истеъдодли студентлар иштирокида намойиш этилди. Театр коллективи область Ленин комсомоли мукофоти лауреати бўлди. Билим юртида 1975 йилдан буён «Найза» деб номланган агитбригада ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда. Унинг чиқишларида қолоқлар, камчиликлар ва нуқсонлар беаёв танқид қилинади.

Бу ерда мактаб ислоҳоти талабларига мувофиқ таълим жараёнини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Методик кабинет педагогик тажрибаларни оммалаштириш марказига айланган. Унда ўқитувчиларнинг фойдали иш усуллари, уларнинг ижодий иш намуналари, методик қўлланмалар билан мунтазам танишиб борасиз.

1984 йилда СССР Давлат физкультура ва спорт комитетининг Жисмоний тарбия ва спорт резервлари Бош бошқармаси билим юрти иш тажрибасини маъқуллаб, бу тажрибани Иттифоқимиздаги барча ўрта махсус ўқув юртларига жорий этиш ҳақида қарор қабул қилди. «А. С. Макаренко номли педагогика билим юрти ёшларни жисмоний жиҳатдан чиниқтириш борасида катта тажриба тўплаган, — дейилади мазкур қарорда. — Ўқувчилар кучи билан барча шартшароитларга эга ўқув-спорт базаси барпо этилган. Улардан самарали фойдаланилмоқда. Спорт турлари бўйича 16 секцияда 500 дан ортиқ талаба шуғулланаяпти. Дарсларни ва физкультура машғулотларини юксак талаблар асосида олиб бориш натижасида ўқувчилар ўртасида қолоқлар, прогулчилар йўқ...»

Дарҳақиқат, билим даргоҳида физкультура ва спортни оммалаштиришга катта эътибор берилаётир. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган физкультура ва спорт ходими, Бутуниттифоқ тоифасидаги судья, билим юрти директори Наим Саидов бошчилигида тажрибали педагоглар — А. Абдураупов, Н. И. Сидоров, Н. П. Пахомов, Б. Маматқулов, Т. Маматқулов сингари жонкуяр ва тажрибали педагоглар эзгу ишларнинг ташаббускорлари бўлишмоқда. Шу боисдан ҳам, бу ерда жисмоний тарбиянинг моддий-техника базаси мустаҳкамланаётир. Қулай шароитларга эга бўлган ўқув-спорт базасида жисмоний чиниқишнинг турли усуллари яхши самара бермоқда. Бу ерда зарур жиҳозларга эга бўлган катта спорт зали, енгил атлетика маркази, сузиш ҳавзаси, волейбол, баскетбол, қўл тўпи майдончалари, гимнастика шаҳарчаси, кураш ва стол тенниси заллари ҳамда ритмик гимнастикага мослаштирилган бино мавжуд бўлиб, уларда студентлар спортнинг мазкур турлари билан мунтазам шуғулланмоқдалар. Билим юртида «Қувноқ стартлар», «Қани, қизлар» конкурслари, «Спорт — тинчлик посбони» шиори остида ўтказиладиган мусобақалар анъанага айланиб қолган. Талабалардан 32 нафари енгил атлетика, баскетбол, волейбол, футбол, чим устида хоккей, шахмат бўйича область, республика терма командалари шарафини муваффақиятли ҳимоя қилмоқдалар. Кейинги бир йилда улардан икки нафари СССР спорт мастери, бир киши Ўзбекистон ССР спорт мастери, беш спортчи мастерликка номзод бўлди, 25 нафар спортчи биринчи разряд олди.

Билим юрти талабалари ўртасида катта спортга қадам қўйган истеъдодлар анчагина. Москвада бўлиб ўтган олимпиада чемпиони, волейболчи Лариса Лунина, СССР чим устида хоккей чемпионатининг биринчи лигасида иштирок этаётган «Чевар» командаси аъзолари — Анна Губина, Наташа Вихреева, Ирина Дубинская, Гулнора Исканова, Ольга Андреева, «Пахтакор» (Тошкент) футбол командаси аъзоси Юсуф Сулаймонов сингари спортчи ёшлар педагогик коллективнинг фахридир.

— КПСС Марказий Комитетининг олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуришнинг асосий йўналишлари лойиҳасида таълим-тарбияни янада такомиллаштириш истиқболлари кўзда тутилган, — деди билим юрти директори Н. Саидов. — Бизнинг педагогларимиз таълим ва тарбия жараёнини замон талаби асосида ташкил этиш, қайта қуриш борасида бирмунча ишларни амалга оширмоқдалар. Барча фан кабинетларини зарур ўқув қуроллари ва техник воситалар билан қайта жиҳозладик. Лекин, эътироф этишимиз лозимки, ҳал этилмаган муаммолар, камчилик ва етишмовчиликлар ҳали анчагина. Таълим сифатини янада яхшилаш, уни такомиллаштириш учун ўқув юрти базасини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш зарур. Замонавий типдаги ўқув корпуси йўқлиги оқибатида ҳануз ётоқхона учун мўлжалланган бинода машғулот ўтказишга мажбур бўлаяпмиз. Шунингдек, меҳнат дарслари учун махсус устахоналар йўқлиги ишимизда қийинчиликлар туғдираяпти. Булардан ташқари, талабалар учун ошхона ва клуб қурилса, стадион бунёд этилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу масалаларни ҳал этиш учун республика Маориф министрлиги ёрдамига муҳтожмиз. Уйлаймизки, Сиёб район партия комитети, оталиқ ташкилотлари ҳам худди шу масалаларда билим юрти коллективига яқиндан ёрдам кўрсатадилар. Зеро, мактаб таълими, уни ислоҳ қилиш вазифаси умумхалқ ишидир.

Н. САЙФИДДИНОВ

Самарқанд шаҳри

этиб келинаётир. Юнус Ражабий ана шу спектакллар руҳига мослаб куйлар басталади.

Бетакрор овоз соҳиби бўлган бастакор ҳофизлик бобида ҳам ўзига хос мактаб яратди. Унинг репертуаридаги «Ушшоқ», «Баёт I—II», «Кошки», «Гиря I—II», «Адои I—II», «Чоргоҳ I» каби талай ашулалар фонотеканинг олтин фондидан жой олди.

Юнус Ражабий классик адабиётимизнинг беназир шоирлари Алишер Навоий, Муқимий, Фурқат ғазалларига басталанган куйлар, ўнлаб қўшиқ, ялла, хорларнинг ҳам муаллифидир. Унинг «Октябрь тонги», «Ҳаммамиз», «Раъноланмасин», «Ватан», «Қаҳрамонлар марши», «Пахта сюитаси», «Шодлик», «Баҳорим» каби асарлари маънавий мулкимизга айланиб улгурди.

Устоз санъаткорнинг узоқ йиллар давомида ижодий меҳнат жараёнида тўплаган бой тажрибаси ва билими халқ музика бойликларини тўплаш ва ноталаштириш ишида янада катта самаралар берди.

Бастакор 1950 йилдан бошлаб халқ куйлари ва қўшиқлари устида чуқур ижодий изланишлар олиб борди. Мазкур тадқиқотнинг натижаси ўлароқ 1955 йилда «Ўзбек халқ музикаси»нинг I томи, қолган тўрт томи эса, 1956—1959 йиллар орасида чоп қилинди. Тадқиқотда қамраб олинган асарлар халқимизнинг музика меросини ўрганишда асосий манба саналади, шу боис улар катта тарихий ва илмий аҳамият касб этиши табиий эди.

Юнус Ражабий 1959 йилда Ўзбекистон радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитети қошида «Мақом» ансамблини тузади. Юнус Ражабий раҳбарлигида устоз хонандаларнинг бой анъаналари, мураккаб ижро услубларини чуқур ўзлаштиришга эришган ансамбль кейинчалик ЎзССР халқ ҳофизлари деган номга сазовор бўлган Ж. Султонов, О. Имомхўжаев, А. Ҳайдаров, ЎзССР халқ артистлари — бастакор Имомжон Икромов, Ориф Алимахсумов, Берта Давидова, Ориф Қосимов, Коммуна Исмоилова, ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби — Ф. Содиқов, ЎзССРда хизмат кўрсатган артистлар — К. Мўминов, А. Убайдуллаев, Х. Қодирова, Ҳ. Юсупова, Т. Алиматов ва бошқа ўнлаб мақом ижрочиларининг номини халқимиз орасида кенг танитди. Улар ижросидаги «Шашмақом» ашула ва чолғу йўллари магнитофон лентаси ва грампластинкаларга ёзиб олинган бўлиб, халқимизнинг классик куй ва қўшиқларга бўлган ташналигини қондириб келмоқда. Ансамбль ҳар гал «зангори экран»да пайдо бўлар экан, ижрочилар орасида буюк хонанда салобат тўкиб тургандай, улар билан бирга куйлаётгандай туюлади.

Маълумки, мақомлар халқимиз музикаси қомуси бўлиб, унинг классик услубдаги намунасидир. Юнус Ражабий қаламига мансуб бўлган олти жилдли «Шашмақом» китоби Урта Осиё халқларининг ноёб дурдонасига айланди. Уни тинглаганлар қалби яшаради, тафаккури ўткирлашади. Эндиликда, машҳур санъаткоримиз таъкидлаганидек, жойларда фахрланса арзийдиган ажойиб мақом ансамблларини коллективлари мавжуд.

Юнус Ражабий мазмундор ҳаёт кечирган, бутун умр бўйи миллионларнинг қалб мулкига айланган улкан ижодий мерос қолдирган сиймодир. Юқорида зикр этилган тадқиқотларни (бу жумлага ўн иккинчи китоб бўлиб устознинг «Музика меросимизга бир назар» китоби ҳам киради) шу нодир арбоб томонидан халқига қолдирилган бебаҳо инжуга қиёс қилгулик.

У яратган куйлар, қўшиқлар, ариялар, дуэтлар, маршлар замонага хизмат қилмоқда. Буюк санъаткор ўзининг ёш ижодкорларга қарата ёзган мактубида шундай деган эди: «Дўстларим! Йигит ва қизлар! Санъатимизнинг келажаги сизникидир. Уни қадрланг. Совет музикаси байроғини баланд кўтаринг. Шуни эсда тутингким, катта музиканинг ибтидоси халқ қалбида туғилади». Унинг ўз ижоди ана шу олижаноб мақсадга хизмат қилиб келди, бундан кейин ҳам хизмат қилаверади.

Қўшиқ завол топмаслиги учун у доим жаранглаб турмоғи керак. Не бахтки, Юнус ота Ражабий бизга қолдирган улкан мусиқий мерос юзлаб шогирдларининг, ҳар биримизнинг тилимизда, дилимизда.

Шерали СОКИН

ЕР ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН

Жон ГРИББИН,
инглиз астрофизиги, ёзувчи

Дастлаб ҳеч нарса йўқ эди. Катта портлаш деб аталмиш ҳодиса натижасида бундан 15 миллиард йиллар бурун Коинотда фазо, вақт ва модда пайдо бўлди. Коинотнинг совуш ва кенгайиш меъёрига қараб моддият сийраклашиб, улкан водород булутлари бирлашиб, юлдузлар ва галактикани ҳосил қилади. Бундан қарийб 10 миллиард йиллар илгари Коинотни ташкил қилувчи асосий қисм — Сомон йўлга ўхшаган галактикалар пайдо бўлади. Бу галактикаларнинг ҳар бирида миллиардлаб юлдузлар туғилади, яшайди ва сўнади. Улар галактика маркази атрофида ўзининг улкан орбитаси бўйлаб ҳаракат қиладилар. Коинотнинг кенгайиш меъёрига қараб галактикалар бир-бирларидан тобора узоқлашадилар.

Қуёш ва Қуёш системаси галактик муҳитнинг маъқул маҳсули сифатида юзага келган. Лекин Қуёш фазовий зулматни илк бор ёритган дастлабки юлдуз эмас. Биринчи юлдузлар фақат водород ва камроқ миқдордаги гелийдан иборат бўлган. Бошқа барча элементлар эса юлдузларнинг ичида юз берган ядровий реакциялар натижасида пайдо бўлган ва улар портлагач фазога ёйилиб кетган. Қуёш бундан 4,5 миллиарддан кўпроқ йил илгари водород булутларининг темир, углерод, кислород ва юзлаб азот моддалари билан биримувидан юзага келган. Бу жараён газ булутларининг қисилиши меъёрига қараб сайёраларга мансуб алоҳида қуйилмаларнинг ташкил топишидан иборат бўлган.

Қуёш системасидаги сайёралар ўртасидаги фарқ уларнинг Қуёшдан турли узоқликларда бўлиши билан мувофиқлашгандир. Ёш Қуёшга яқин бўлган сайёралар ўзида кучли иссиқлик таъсирини синаб кўрганлар. Натижада уларнинг юзасидаги кўпгина енгил элементлар космосга учиб кетган. Шунинг учун ҳам Меркурий, Зуҳро (Венера), Ер ва Марс қоя жинслардан иборат бўлиб, нисбатан кичик объектлардир. Қуёшдан узоқ масофада бўлган метан, аммиак каби енгил газлар ҳосил бўлаётган сайёраларга сингиб кетган. Юпитер, Сатурн, Уран ва Нептун каби улкан сайёраларда ҳам худди Ер сайёрасидагидек миқдордаги тоғ жинслари бўлиши мумкин. Лекин улар кучли газсимон атмосфера билан ўраб олинган. Булар ҳақида батафсил тўхталиш зарурияти бўлмаса керак.

Қуёш системаси юзага келтирган катта ҳажмдаги моддият булутлари ичида, эҳтимол, асосан кремний, темир оксидлари ва марганец биримкмалари, кам миқдордаги бошқа элементлар (ҳаёт пайдо бўлиши учун зарур) аралашмаси мавжуд бўлгандир.

Ер ҳосил бўлиш меъёрига боғлиқ ҳолда унинг ҳарорати ортиб боради. Бу, сайёраларга хос газ булутлари зарраларининг тортишиши ҳисобига юз беради. Бундан ташқари, ўсиб, каттариб бораётган сайёралар ички ядроларининг портлашидан радиоактив элементларнинг парчаланиши ҳам иссиқлик ҳосил қилган. Бу парчаланиш жараёнида барқарор элементлар пайдо бўлади. Мазкур жараён, гарчи секин кечаётган бўлса-да, ҳозир ҳам давом этаётир.

Олам яралиши жараёнининг дастлабки ўн ёки юз миллион йиллар давомида ҳали ёш сайёрамиз темирга бой бўлган. Чамаси, у пайтларда Ер эритилган ҳосила тарзида бўлган. Бу жараёнда нисбатан оғир моддалар чуқурроқ сингиб, енгилроқ моддалар эса сайёра юзасида совуш меъёрига қараб мустаҳкам қобиқ ҳосил қилган. Биз яшаётган ернинг қобиғи жонзотлар нафас олаётган атмосфера бўлиб, сайёрамизнинг асосий массаси учун типик эмас.

Ер қобиғида атиги 6 фоиз темир бор. Сайёрамизнинг жами массасида эса 35 фоиз темир мавжуд. Иккинчи томондан, Ер таркибида атиги 15 фоиз кремний ҳам мавжуд. Ер пўстлоғида эса у 28 фоиз бўлиб, кислород билан қўшилиб, силикат жинсларини ҳосил қилади. Қитъаларнинг асосий массасини енгил жинслар: кўпроғини гранит, океанлар тагини эса нисбатан оғирроқ бўлган базальт ташкил этади.

Ер қобиғини кесиб кўрсангиз, у худди пиёзни эслатади. Енгил жинслар унинг юза қисмига яқинроқ, марказига эса энг зич моддалар жойлашган. Бундан 3,9 миллиард йил илгари, яъни сайёрамиз таркиб топгандан 600 миллион йил кейин жинсларнинг табақаланиш жараёни асосан ниҳоясига етади. Геофизиклар ер қобиғидаги энг қадимги жинсларнинг ёшини қолдиқ радиацияларни ўлчаш йўли билан аниқлагач, шундай хулосага келдилар. Ер қатламлари орқали ўтиб, ўз йўналишини ўзгартириб турадиган сейсмик тўлқинларни тадқиқ қилиш сайёрамиз тузилиши қатлам-қатлам эканлигини кўрсатди.

Бироқ бу хил усул ер қаъри тўғрисида умумий тасаввур беради. Эдуард Буллард исмли геофизикнинг Ер тузилишини зилзилалар воситасида ўрганишни худди роялни зина бўйлаб судраганда чиқарган овозига қараб, унинг тузилишини билишга интилган нотавон кишининг уринишига ўхшатиши ҳам бежиз эмас. Олимлар Ер қаърини кўра узоқдаги юлдузларнинг тузилишини кўпроқ биладилар. Ахир, юлдузларни кўриш мумкин-да.

Лекин биз барибир Ернинг тузилишини умумий тарзда бўлса ҳам тасаввур қиламиз. Биз ўртача радиуси 6 минг 372 километр бўлган яссироқ, қоясимон қутбий доирада яшаймиз. Унинг қобиғи сайёра ҳажмининг атиги 0,6 фоизини ташкил этади. 5 километрдан 35 километргача қалинликда бўлган қобиғ тагидан «Мохуровичич юзаси» деб аталмиш кескин чегара ўтади. Ундан кейинги қатлам мантиядан иборат бўлиб, 2 минг 900 километр чуқурликкача боради ва у Ер ҳажмининг 82 фоизини ташкил қилади. Афтидан, мантия уч зонадан иборат; юқори зонанинг қалинлиги 370 километр, қалинлиги 600 километр бўлган ўтувчи зонаси ва 1 минг 900 километр қалинликдаги пастки зона.

Мантия тагида ташқи қалинлиги 2 минг 100 километр ва марказ бўйлаб ўтган икки радиуси 1 минг 370 километр бўлган Ер ўзаги мавжуд. Унинг сирти Ернинг магнит майдонини юзага келтирадиган суюқ темирдан иборат.

Ерда бундан 3,5 миллиард йил илгари карбонат ангидрид газига эга бўлган атмосферали ва қулай ҳароратга эга бўлган океанлар, қитъалар пайдо бўлган. Шундай қилиб, сайёрада ҳаёт пайдо бўлиши учун шароит юзага келади. Бу ёғи энди бошқа тарих.



Когон район партия комитети аъзолигига кандидат, иккинчи класс машинисти Фарҳод Аҳмедов.



Когон депосининг ветеран ишчиси Ҳусайн Раҳмонов.
А. Жданов фотолари



ИССИҚ—СОВУҚ

Неъмат АМИНОВ

ИНТЕРМЕДИЯ

Воқеа қиш чилласида бўлиб ўтади.

Ўртача безатилган хона. Гилам тўшалган. Стол-стул. Деразада узун гулдор парда. Хонада ёши ўтинқираб қолган эр-хотин. Иккаласи ҳам иссиқ кийинган. Эр пальто кийиб, қулоқчинини тушириб олган. Хотин почапўстинда, шол рўмол ўраган. Эшик қўнғироғи босилади. Эр чиқиб очади. Сумка кўтарган йигит киради.

— Яна нима гап? — дейди слесарь. — Ахир, кеча кўпайтириб кетган эдим-ку.

Эр-хотин бараварига:

— Ҳеч исимаяпти, — дея чувиллашади.

— Фақат кечагидан бир даража иссиқ бўлди, холос.

Эр девордаги термометрни олиб, слесарга тутади.

— Ана қаранг, кеча ўн эди, бугун ўн бир даража.

Слесарь батареяни тутиб кўради.

— Иссиқ-ку.

— Э, балоси иссиқми, — дейди хотин бўғиқ овозда, — ахир, қўшниларникига бир кириб чиқинг, ёлғиз кўйлакда ўтиришибди. Тепамиздагиларга масза. Еки ўшалар бир гап қилишганмикин?

— Ҳозир, — дейди слесарь чеккасини қашлаб, — подвалдан кўпайтириб чиқаман.

Слесарь қайтиб чиқади. Эр-хотин стол тузашган. Сўзсиз саҳна. Эр слесарга ароқ қуйиб узатади. Хотин газак тутади. Эр тез-тез бориб, батареяни тутиб кўради. Жилмаяди. Слесарь хайрлашиб чиқиб кетади. Эртаси куни. Эр-хотин яна ўша кўринишда. Эшик қўнғироғи босилади. Слесарь пайдо бўлади.

— Исимаяптими?

— Йўқ.

Слесарь батареяни бориб ушлайди, тез қўлини тортиб олади.

— Қайнаб турибди-ку, яна нима керак?

— Э, балоси қайнаб турибдими? — дейди хотин. — Уйни қаранг!

Эр бўғиқ, дағдағали овозда гапира бошлайди.

— Ув, ука, майнавозчиликни йиғиштир. Мен бошлиғингга кўнғироқ қилган бўлсам, яна нима керак сенга? Бу билан тўртинчи марта келишинг. Еки кечаги текин ароқ маза бердими? Агар томоғинг қичиса, майли, ҳар куни кел. Лекин уйимизни иситиб бер-да. Бу нима деган гап?

Слесарь йиғламоқдан баттар бўлади.

— Ахир, менда нима айб, батарея иссиқ-ку.

— Батарея иссиқ эмиш, менга уй исиши керак, бўлмаса, ўша исполкомингни ҳам оёққа турғизаман.

Слесарь телефонга яқин боради.

— Ҳозир бригадирни чақираман.

Сўзсиз саҳна. Ўша слесарь, яна икки киши. Батареялар очиб ташланган. Уй ифлос. Батарея қайта ўрнатилади. Слесарлар жиддий, уй эгалари мамнун.

Эртасига яна ўша ҳолат. Эр-хотин қунишиб ўтиришади. Эшик қўнғироғи босилади. Хонага папка кўтарган савлатли бир киши ва яна икки слесарь киради.

— Нима гап?

— Уйимиз исимаяпти, — дейди эр, — буларингизнинг қўлидан ҳеч иш келмаяпти.

Савлатли киши слесарларга ўқрайиб қарайди, улар елка қисишади.

— Иситамиз, албатта иситамиз, — дейди савлатли киши, — ҳозир бу квартира исполкомнинг контролида турибди. Э, батарея қайноқ-ку, иссиқ...

— Э, балоси иссиқми, — дейди хотин, — тепамиздагилар майкада ўтиришибди.

Савлатли киши ва слесарлар чуқур ўйга толишади. Кейин қувурларни уриб кўришади. Шу пайт эшик қўнғироғи босилади. Хонага бир хотин киради.

— Слесарь шу ердами?

— Ҳа-ҳа, — дейди слесарь унга рўпара бўлиб. — Нима гап?

— Барака топкур, уйимизда сираям ўтириб бўлмаяпти.

— Нега, исимаяптими?

— Йўқ, аксинча, жуда иссиқ, нафас қайтиб кетаяпти.

— Ана-ана, — дейди уй эгаси, — айтдим-а, ҳамма гап шуларда, деб.

— Бўпти, чиқаман, — дейди слесарь. Қўшни хотин жаврашганча чиқиб кетади.

— Да, қизиқ, — дейди савлатли киши, — юқори иссиқ, қуйи совуқ... иссиқ... совуқ, иссиқ... совуқ, ойналарга қоғоз ёпиштирганмисизлар?

— Албатта-да, — дейди хотин, — совуқ тушмасданоқ ҳамма ёққа пахта тиқиб, қоғоз ёпиштириб ташлаганман.

Савлатли киши иккинчи деразага яқин бориб, гулдор пардаларни икки томонга очади. Кўзи деразага ўрнатилган БК-350 кондиционери устидаги галати мушукчага тушади. «О, жуда чиройли мушук эканми?» дея мушукка қўл чўзади ва бирданига орқага ўгирилиб, слесарларга бақиради.

— Эҳ, анқовлар! Ахир, ана бу кондиционер ишлаб турибди-ку!

Слесарлар жим...

Эр:

— Э, йўғ-э, ҳи-ҳи...

Хотин кондиционерга рўпара бўлади.

— Вой ўлай...

Савлатли киши жаҳл билан кондиционер вилкасини тортади.

Толиб ИЎЛДОШ

ЎҒРИ ТОВОҚ

(Эскича тўйлар ҳақида)

Қишлоқли қиз шаҳарли бир
Йигитнимиш хуш кўрибди.
Йигит тушкур шу куни денг
Уша қизни туш кўрибди.
Тушидамиш аҳди-паймон,
Бир қарорга келишибди.
Қизнинг баъзи шартларидан,
Йигит эснаб, керишибди:
— Шундай, — дебди қиз, ишонинг
Бир оз уйиб қовоғини.
Тушунтира кетибди у,
Сабил ўғри товоғини:
— Ота-бобо удумлари,
Буни топган бизлар эмас.
Ҳеч замонда ойни биров
Этак билан ёпган эмас.
Чидайсиз-да, а, хўжайин, —
Қиз кулади хандон ташлаб.
Тавба дейди йигит шўрли
Иягини ўйчан қашлаб:
— Хўш, нимаси ўғри экан,
Товоқ оддий бир буюм-ку.
Девор ошиб келармидик,
Тўйхона ҳам ўз уйим-ку?
— Тўғри, минг сўм «сут пули» бор,
Сарпо-сурпо қатори бу.
Маслаҳат-у, маълум оши,
Лекин қаттиқ ботари бу —
Ўғри товоқ даҳмазаси,
На чикора, тўйда, жоним.
Гурунч-пурунч, ун-элаги,
Беш бош ҳисор қўй-да, жоним.
Минг сўм пули енг ичида,
Шу товоққа солинади.
Холис хизмат: қиз боққаннинг
Кўнгли шундай олинади.
Кейин ҳамма иш юришар,
Ортиб-тортиб тўй берасиз.
Қизлар зиёфати бошқа
Унга ҳам бир қўй берасиз.
Сарф-харажат ҳимматингиз,
Бари сизнинг бўйнингизга.
Ҳа, бойвачча, ҳазил эмас
Биз кирамиз қўйнингизга...
Жон офати сеҳрли бир
Қараш қилар, йигит кулар.
(Бир умрга турмуш қуриб,
Кетармикан, қайдам, булар.)

МИТТИ ҲАЖВИЯЛАР

* * *

Милиционер чайқов бозорида молини мақтаб, харидор чақираётган олибсотар йигитдан сўради:

— Паҳлавон йигит, исмингиз нима?

— Аршин мол олон, — деб кулди йигит.

— Нима иш қиласиз?

— Одамларнинг ҳожатини чиқарамиз.

— Жуда соз, энди мен билан юринг.

— Қаёққа, акажон?

— Опер пунктга.

— У ерда нима қиламан?

— Энди сизнинг ҳожатингизни чиқарамиз.

ТАЪМАГИР

— Слесарь болам, батареялар иситмаябди, болалар шамоллаб қолди, ёрдам беринг, барака топкур.

— Холажон, ошпаз исимагунча қозон қайнамайди дейдилар.

— Гапингизга тушунмадим?

— Уйингизни иситиш учун, мени иситишингиз керак, тушундингизми?

— Аччиқ чой дамлаб берайми?

— Ҳа, ҳа, ҳа. Жудаям содда экансиз-ку? (Томоғига чертади). Энди, тушундингизми?

— Вой, арақ таъма қилаяпсанми, ҳали. Қани жўнаб қол-чи, бу ердан! (Аёл слесарни таёқ билан қувади. Слесарь шаталоқ отиб қочади).

— Мана энди исийдиган бўлдинг!

* * *

Гўшт комбинатидан қўйни-қўнжи дўппайиб чиқиб келаётган кишиларга кўзи тушган қария ажабланди:

— Тавба, мана шу йигитчалар эрталаб комбинатга кириб кетаётганларида савағичдай ингичка эди, бирданига шунчалик семириб кетибди-я?

— Гўшт билан колбасага роса тўйган бўлсалар керак, — деб жавоб берди ҳамроҳи.

* * *

Юз терисини пластик операция қилдирган ўрта яшар аёл паспорт столи бошлиғига мурожаат қилди:

— Ўртоқ бошлиқ, менга неча ёш берасиз?

— Ўттиз бешларга кирган бўлсангиз керак.

— Унда манави паспортимни олиб, ёшимни кичрайтириб беринг.

* * *

Тошойна олдида пардоз қилаётган аёл эрига мурожаат қилди:

— Соқивой ака, атиримни сиз олдингизми?

Эри бўш атир шишасини кўрсатиб тиржайди:

— Тиш оғриғим қолармикан деб ҳўплаган эдим, ичимга кетиб қолди.

А. ИСОМИДДИНОВ

ЛАТИФАЛАР

* * *

Бир киши Афандига зорланди:
— Йигит кишига қирқ ҳунар оз деганларидек, мен кўп соҳада меҳнат қилдим, деярли ишламаган касб-корим қолмади. Турли соҳа эгаларининг ҳар йили байрам қиладиган куни бор. Мен қачон байрам қилсам экан?
— Ишдан ишга учиб, қўниб юрар экансиз, сиз, яхшиси, қушлар байрамини нишонлаб қўя қолинг, — деб маслаҳат берди Афанди.

* * *

Афанди тугунча кўтариб кетаётган қариндошидан сўради:
— Йўл бўлсин, Холпош отин?
— Неварам турмуш қилганига тўрт йил бўлди, фарзанд кўрмади. Қўшни маҳаллада зўр азаймихон бор деб эшитдим, бориб тумор ёздириб келай.
— Ўша азаймихоннинг ўзи тирноққа зор-ку, агар каромати зўр бўлса, ўзи фарзанд кўрмасмиди! — деб кулди Афанди.



— Овқатни мана бундай ейиш керак.






Ферма мудири: «Молхона битгунча, мана буни бошпана қилиб туринглар».

Р. Аҳмедов чизган расмлар

— «Байрам кунлари совға олиб келишни билмайсиз», деган эдингиз, мана, рўзғор учун энг зарур бўлган гугурт келтирдим.

«СОВЕТ АДАБИЁТИ» ЦИКЛОКРОССВОРДИ



1. Садриддин Айний повести. 2. Белорус халқ шоири, «Балиқчининг уйи» достони муаллифи. 3. Одил Ёқубов романи. 4. «Бой ила хизматчи» драмаси қаҳрамони. 5. Комил Яшин драмаси. 6. «Мангу даъват» романи муаллифи. 7. Константин Федин трилогияси. 8. Михаил Шолоховнинг «Очилган кўриқ» романи қаҳрамони. 9. Максим Горькийнинг «Она» романи бош қаҳрамони. 10. Фёдор Гладковнинг биринчи беш йилликлар давридаги меҳнат жасоратини улуғлаган романи. 11. «Гулсара» драмаси қаҳрамони. 12. Атоқли рус совет шоири, «26 лар ҳақида баллада» асари муаллифи. 13. Георгий Марков романи. 14. Туркманистон ССР халқ ёзувчиси, «Қисмат» романи муаллифи. 15. Рус совет шоири, «Асосий кўча» шеъри муаллифи. 16. «Ёш гвардия» романи муаллифи. 17. Дмитрий Фурмановнинг гражданлар уруши қаҳрамони ҳақидаги асари. 18. Атоқли қозоқ совет адиби, «Абай йўли» эпопеяси муаллифи. 19. Украин совет адиби, «Байроқдорлар» трилогияси муаллифи. 20. Абдулла Қаҳҳор романи. 21 Тожик ёзувчиси Сотим Улуғзоданинг пахтакорларга бағишланган пьесаси. 22. Чингиз Айтматовнинг «Сомон йўли» повести персонажи. 23. Ойбекнинг «Улуғ йўл» романи қаҳрамони. 24. «Ҳамза» драмаси персонажларидан бири. 25. Уйғун драмаларидан бири. 26. Атоқли рус совет ёзувчиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. 27. Тожикистон ССР халқ шоири Мирзо Турсунзоданинг машҳур достони қаҳрамони. 28. Берди Кербобоевнинг «Дадил қадам» романи қаҳрамони.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

1-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 4. Гана. 6. Норка. 8. Назм. 12.Ребус. 14. Шанба. 19. Иншо. 21. Довон. 23. Зирк. 27. Идрок. 29. Латча. 34. Ишчи. 36. Алвон. 38. Ринг.

Бўйига: 1. Баёз. 2. Ўрим. 3. Узан. 9. Асбоб. 10. Тенор. 16. Финиш. 17. Новда. 18. Нарва. 24. Хурмо. 25. Нотиқ. 31. Дашт. 32. Тува. 33. Сано.

Белгиланган хонадан соат мили бўйича: 5. «Синчалак». 7. Хонатлас. 11. Зарафшон. 13. Машинист. 15. Наманган. 20. Бадахшон. 22. Резонанс. 26. Шпиндель. 28. Атлетика. 30. Аэростат. 35. Оратория. 37. Қорақанд.

МУҚОВАДА:

Биринчи бет: Инженер Озода Сайдалиева Ўзбекистон сув хўжалиги иншоотларини лойиҳалаштириш институтида хизмат қилади.

В. Мосин фотоси

Бош редактор: МИРМУҲСИН

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ, М. МЎЙДИНОВ, А. САИДУМАРОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, М. ҚЎШМОҚОВ (масъул секретарь), О. ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳ. ҲУСНИДДИНХЎЖАЕВ, К. ЯШИН.

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 20.01.87 й. Босишга рухсат этилди 20.02.1987 й. Р—10601. Қоғоз 70×108 1/8. Офсет усулида босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 172609. Буюртма № 5498. Нашр Б 112.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда марказий газеталар ҳамда «Здоровье», «Курьер» журналларидан фойдаланилди.



Чойхонанинг умумий кўриниши.



Чойхонанинг музқаймоқлар бўлимида.

Суратларда: Тошкентдаги «Самарқанд» чойхонасидан лавҳалар.



Бу ер нуроний отахонларимизнинг гавжум суҳбатгоҳи бўлиб қолган.



Сўлқилдоқ обинонларнинг мазаси оғзингизда қолади.

М. Пенсон фотолари



Оқшом файзи.

В. Никонов фотоэтюдлари

Баҳоси 35 тийин
индекс 75233.
ISSN 0134—2207

Манзара.

